

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2008

Мавлоно Атойи ўз ғазаларида ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифликнинг ҳол ва мақомларидан, дин ва тасаввуф, одам ва олам, табиат ва жамият муаммоларидан баҳс юритди. Инсон ва унинг комиллик сирлари ҳақида мулоҳазалар билдирди.

Шоир шеърлари тил, услуб ва мазмунан пишиқлиги билан муҳтарам китобхонларимизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Нашрга тайёрловчи,
сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифи:
Сайфиддин Сайфуллоҳ

Масъул муҳаррир:
Иброҳим Ҳаққул

Тақризчи:
Эргаш Очилов

ISBN 978-9943-09-698-1

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти,
2008 йил.

МАВЛОНО АТОЙИ

XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган туркигўй шоирлар адабиёт, санъат ва маданиятни бойитишга муносиб ҳисса қўшишган. Алишер Навоий ижодининг такомиллашуви, юксак чўққига кўтарилишида уларнинг баракали таъсири бўлган. Ўз замонасида машҳур бўлган бу давр шоирларидан Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Саккокий, Дурбек, Гадоий ва бошқалар қатори мавлоно Атойининг ҳам туркигўй халқлар шеърятига, хусусан ўзбек ғазалчилик тараққиётига, бадий сўз санъатига қўшган муносиб ҳиссаси бор.

Биз Атойи номини Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" ва "Муҳокамат ул-луғатайн" асарлари орқали билардик. Атойига замондош бўлган Юсуф Амирий ҳам унинг номини "Ўқ ва ёй" мунозарасида тилга олиб ўтган.

Моҳир ғазалнавислардан бўлган Атойининг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг маълумотга эга эмасмиз.

Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида Атойи ҳақида қуйидаги маълумотларни битиб қолдирган: "Мавлоно Атойи Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешваш, хушхулқ ва мунбасит (очиқ кўнгил, хушҳол, хандон) киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок (турклар) орасида кўб шухрат тутги ва бу матлаъ анингдурким:

*Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклигиндин сув била ютса бўлур.*

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо мавлоно кўб туркона (сода ва халқона) айтур эрди. Қофия эҳтиётига муққайяд эмас эрди. Қабри Балх навоҳисидадур"¹. Атойи Исмоил ота фарзандларидан бўлса, "Исмоил ота ким эди?" - деган савол туғилади.

¹Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий танқидий матн. Тошкент, 1961. 74-75- бетлар.

Фахриддин Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий "Рашаҳот" асарида Исмоил отанинг Сайрам ва Тошкент ўртасидаги Ҳузиён деган жойда яшаганлигини, Аҳмад Яссавий мактабининг давомчиларидан бўлган Саййид отанинг катта халифаларидан ва яқин кишиларидан эканлигини ёзган¹.

Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Исмоил ота Хожа Аҳмад Яссавийнинг иниси Иброҳим отанинг ўғли бўлиб, кароматли, серфарзанд, муриди кўп ва юз ёшга яқин умр кўрган киши эканлиги ҳақида хабар беради.

Атойи ҳаёти ҳақида биринчи бўлиб фикр билдирган рус шарқшунос олими А. Н. Самойлович (1880-1938) баъзи манбаларга таяниб, Исмоил ота Саййид отанинг, Саййид ота 655-1258-1259 йилларда вафот этган Занги отанинг муриди ва вориси эканлигини, шулардан келиб чиқиб, Исмоил ота XIV асрда яшаган деб хулоса чиқаради².

Демак, Атойи наслу насаб жиҳатидан бир-икки авлод орқали Хожа Аҳмад Яссавийга яқин турган ва машҳур шайхлар - оталар авлодидан бўлганлиги учун ҳам ўзига Атойи тахаллусини танлаган. Девоннинг биринчи ва охириги саҳифаларида "Шайхзода Атойи" деган сўзларни учратишимиз ҳам бунинг гувоҳидир. Шоирнинг ўз исми эса ҳозиргача номаълум.

1927 йилда А.Н. Самайлович Атойи девонини топгани ҳақида шундай дейди:

Осиё музейида вақтинчалик сақланган қўлёзмалар орасида қирралари чармдан ишланган махсус ёпқичли, картон ғилофга солинган бир девон топилди. Ёпқичда "Девони Шайхзода" деб ёзилган эски ёрлиқ, ғилофнинг картон қисмида қадимий рус ёзувида: "Въ знакъ памяти подарено Фатали Ханомъ Бегляръ Беги Табреским сего 1818 года июня 12 дня Князю Василию Бебутову", яъни "Таб-

¹Фахриддин Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий. Рашаҳот. Тошкент, 1329 х, 13-бет.

²Самайлович.А.Н. "Чагатайский поэт XV века Атаи". Записки коллегии востоковедов II вып. 2. Л., 1927. С. 257-274

резлик бегларбеги Фатҳ Алихондан 1818 йил июннинг 12-кунда князь Василий Бебутовга, эсдалик учун совға қилинди", деб ёзилган.

Девон ҳозир Санк-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида 22 В - 2456 рақами билан сақланади.

Олим бу мақоласида девоннинг тавсифи, тили ва ижодиётининг бошқа хусусиятлари ҳақида мухтасар тарзда маълумот беради. Шунингдек, у мақолага илова қилиб, Атойи ғазалларидан 17 тасини биринчи бўлиб, араб ёзувида чоп эттиради¹. Ана шундан кейин шоир ижодига қизиқиш ва уни тадқиқ этиш кучаяди. Ҳозирга қадар Атойининг ҳаёти ва ижоди юзасидан чет элларда ва турк жумҳуриятларида бирмунча ишлар қилинди.

Атойи девонидаги ғазалларнинг барчаси девонда алифбо тартибида жойлашган Анъанага мувофиқ улар ۱ - алиф ҳарфи билан бошланиб (ن - нун ҳарфи билан тамом бўлган биринчи ғазал бундан мустасно), ى - йо ҳарфи билан тугайди. Девон охирида 76b варақнинг матни остида жадвалча бор. Унинг ўртасида олтин суви билан: الكتاب ديوان - Шайхзода Атойи китоби тамом бўлди. Аллоҳ унинг оқибатини (охиратини) обод қилсин!", деб ёзилган.

Атойи ғазалларининг девонда алифбо тартибида жойлашиши ва уларнинг умумий сони қуйидагича:

۱ - 17; ب - 4; ت - 5; ج - 2; خ - 2; د - 5; ر - 47; ز - 1; س - 6; ۴۳ - ۱۵; م - 6; ل - 12; ك - 9; ق - 3; ف - 1; غ - 1; ع - 1; ش - 2; و - 2; ه - 20; ی - 58.

Шоир лирик меросининг умумий ҳажми 1718 байт, (3436 мисра)ни ташкил этиб, 5 байтли ғазаллар 58 та, 6 байтлилари 6 та, 7 байтлиси 187 та, 9 байтлиси 8 та, 11 байтли ғазал 1 тадир.

ع (айн) ҳарфини истисно қилганда араб ва форс тилига хос бўлган айрим ҳарфларга оид ғазаллар шоир за-

¹ Қаранг: Мазкур мақола.

мондоши Гадои ижодида учрамагани каби Атойи девонида ҳам йўқ.

А.И.Самойлович Атойи ғазалларининг вазнини аниқлаб, қайси вазнда нечта ғазал ёзилганлигининг умумий сонини кўрсатиб ўтган:

109 та ғазал рамали мусаммани мақсур -фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун вазнида; 62 та ғазал ҳазажи мусаддаси маҳзуф - мафоилун, мафоилун, мафоилун фоилун вазнида; 30 та ғазал музореи мусаммани ахраб макфуфи мақсур (маҳзуф) - мафъулў, фоилотў, мафоилў фоилон вазнида; 29 та ғазал ҳазажи мусаммани ахраб макфуфи маҳзуф - мафъулў, мафоилў, мафоилў, фаулу вазнида, 11 та ғазал ҳазажи мусаммани солим - мафоилун мафоилун, мафоилун мафоилун вазнида; 6 та ғазал мужтасс мусаммани махбуни мақсур - мафоилун, фоилотун, мафоилун фоилон вазнида ёзилган. Қолган ғазаллар ҳазажи мусаддас ахраби мақбузи маҳзуф, ражази мусаммани матвийи махбуь мужтасси мусаммани махбуни мақтуь вазнларида ёзилган.

5 та вазн фақат бир мартадан учрайди: ражази мусамман солим (10-ғазалда), мужтасси мусаммани махбун (22-ғазалда) хафифи махбуни маҳзуфи мақтуь (76-ғазалда), рамал мусаддаси маҳзуф (85-ғазалда) ва ҳазажи мусаммани ахраб (205-ғазалда).

Атойи ғазаллари ҳозирга қадар тўлиқ ҳолда нашр этилмаган бўлса ҳам, узоқ йиллар мобайнида ундан намуналар А.Н.Самойлович, А.Фитрат, Ҳ.Зариф, Э.Рустамов каби олимлар томонидан чоп этиб келинган.

Саҳифаларнинг қоғоз ҳажми (формати) 19×13 см. Ғазаллар 14×8,5 см.дан иборат олтин ҳал берилган уч нафис чизиқчали жадвал ичида ёзилган. Ҳар саҳифада 11-13 сатр битилган. 246 варақдаги 82-ғазал мазмун жиҳатидан тугалланмай қолганга ўхшайди. Котибнинг имлосида баъзи ўзига хос томонлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, ب (бе) ва پ (пе) ҳарфлари учун фақат ب шакли, ج (жим) ва چ (чим) ҳарфлари учун фақат چ шакли, ک (коф)

ва گ (гоф) ҳарфлари учун фақат ج шакли ишлатилган. ا (алиф) устига қўйиладиган – мадда аломати (баъзан мадда аломати ўрнига ҳамза ء белгиси татбиқ этилган) ҳамда "зер", "забар", пеш" каби унли товушларни ифодалайдиган белгилар кам қўлланган. Котибнинг исми ҳамда девоннинг кўчирилган йили қайд этилмаган.

А.Н.Самойлович Атойи девони ҳақида фикр билдириб, унинг тилига алоҳида тўхталади: "Атойи тили - чигатой тили, яъни XIV асрда ҳам ("Қисасул анбиё") қўлланиб келинган уйғур тили ўрнига XV асрда шаклланган, бироз уйғурча кўриниш (характер)даги архаизмлар ва кўпроқ насрий тилдан кўра махсус шеърий чигатой тилига хос бўлган "ўғуз-туркман" элементларига эга бўлган Ўрта Осиё-турк адабий тилидир. Лутфийнинггина эмас, Навоий, Бобур ва бошқаларнинг шеърий тилида биз учратган ушбу элементларнинг мавжудлиги, аввало, олд Осиё-турк адабий тилининг чигатой тилига унинг шаклланиш давридаги таъсирини изоҳлаш керак. Атойи ва Лутфий асарлари шеърий чигатой тилининг Навоий ижодий фаолияти арафасидаги тараққиёти даражасини акс эттиради. Олд Осиё-турк адабий шеърий тили, ўз навбатида, салжуқийлар сулоласи даврида "салжуқий шеърлар" деб аталадиган шеърлардан маълум бўлишича, туркманчалашган уйғур тили асосида шаклланди, кейинроқ эса бироз чигатой тили таъсирига тушди. Шу сабабли ҳам илк шеърий ёдгорликларда акс этган ҳар иккала тил – чигатой ва олд Осиё-турк тилларида баъзи умумий архаик элементларни учратамиз"¹.

Шунингдек, бошқа бир манбада таъкидланишича: "Атойи асарларининг тили Олтин Ўрда ёдгорликларининг тилидан фарқ қилади. Унинг асарлари тилида қипчоқ тили элементлари кўп қўлланади"².

Ф.Д. Артамошина Лутфий, Атойи, Саккокийлар ижодидаги араб, форс ва турк тили унсур (элемент)ларини

¹ Самойлович А.Н. Ўша мақола. 262-бет.

² Турсунов У, Ўринбоев О. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент, 1982. 63-бет.

қийёсий ўрганиб, уларни фоиз ҳисобида қуйидаги жадвалда ёритиб беради¹.

Муаллифлар	Умумий ҳисобда		Такрор ҳисобга олинмаган ҳолатда	
	Араб-форс унсурлари	Турк унсурлари	Араб-форс унсурлари	Турк унсурлари
Лутфий	42 - 48	52 - 58	39 - 51	49 - 61
Агойи	57	43	63 - 59	31 - 37
Саккокий	50 - 57	43 - 50	58	42

А.Н.Самойлович девон "настаълиқ" хатида эмас, XV-XVI асрларга хос бўлган қўлёзмалар хатида кўчирилган, дейди. Тўғри, девон XV-XVI асрлардаги қўлёзмаларга хос бўлган хатда ёзилган. Бироқ, унга диққат билан разм солинса, қўлёзмада "настаълиқ" хатининг хусусият ва кўри-нишлари устувордир. А.Н.Самойлович "девон шоир тирклигида ёки вафотидан кейинроқ кўчирилган, гарчи бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш қийин бўлса-да, ҳар ҳолда бу нусха XVI асрга тааллуқли эканлиги эҳтимолга яқин бўлиб, эски Осиё туркий имлосига ўрганган шахс томонидан ёки сафавийлар давридаги озарий котиб томонидан кўчирилган", деган қарорга келади.

Филология фанлари доктори Э.Рустамов "Қўлёзмада учрайдиган баъзи бир озарбайжон талаффузига хос "бохти" (боқти), душти (тушти) каби ибораларга қараганда девон тахминан сафавийлар даврида яшаган озарбайжонлик котиб томонидан XVI асрларда кўчирилган бўлса керак", деб А.Н.Самойлович фикрини қувватлайди. Бизнингча ҳам қўлёзманинг кўчирилиш даври ҳақидаги А.Н.Самойлович фикри ҳақиқатга яқинроқ, Қўлёзма охиридаги қўшимча иккита тоза варақнинг иккинчисида юқорида келтирилган русча ёзув ва пастроқда эса бодомшакл муҳр босилган, Муҳрда صح (ишончли, текширилган) деган ёзув бор, Саҳифаларни варақласангиз, ҳақиқатан ҳам де-

¹ Қаранг: Сборник Тюрко-монгольское языкознание и фольклористика". М., 1960.

воннинг бошқа киши қўли билан, бошқа сиёҳда текширилиб, тузатилганига ишонч ҳосил қиласиз.

Аммо айрим сўзлар имлосида хатолар ҳам кўзга ташланади¹.

Атойининг тахаллуси кирилл алифбосида Атоий, Атоий, Отоий, Отоий тарзида ҳар хил ёзиб келинмоқда. Биз мўътабар манбалар ва турк тили хусусиятларидан келиб чиқиб, шоир тахаллусини "Атоий" ёзиш керак деган хулосага келганмиз².

Атоий газалларини диққат билан ўқиб чиққаннимизда, унинг ҳаёти ва адабий фаолиятини ёритадиган бирор янги маълумотга эга бўлмадик. Унинг шеърлари орасида "Менго" радибли газалининг мақтаи шундай яқунланади:

*"Мен Атойимен Хусайний, ҳусн ичинда сен Ҳасан,
Карбалодур равзаи боғи жинон сизсиз манго".*

Баъзи қалам аҳллари мазкур байтдан келиб чиққан ҳолда, ҳамда Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат"³, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома", Атоулло Хусайнийнинг "Бадойиъ ус-санойиъ" китобларидан Хусайн Шайх ҳақидаги маълумотларни келтириб, Атойининг исми Хусайн Шайх деган фикрга келишган. Аммо бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки, биринчидан Исмоил ота қарийб юз ёшга кириб, 17-18 нафар атрофида фарзанди бўлган. Хусайн Шайх ана шу фарзандлардан биридир. Иккинчидан, Алишер Навоий ўз даврида машҳур бўлган Хусайн Шайхнинг ҳам, Атойининг ҳам ҳаёти ва ижодидан яхши хабардор бўлган. Агар Хусайн Шайх Атоий

¹ Қаранг: Рафиддинов. С. Мажоз ва ҳақиқат. Тошкент: "Фан", 1995. 12-бет.

² Ўша асар. 12-18-бет.

³ Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да Хусайн Шайх ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Хусайн Шайх - Исмоил ота фарзандларидиндур. Мустаҳсан муомалалик киши эрмиш. Халқ анинг атвориға фирифта бўлубтурлар. Дунё асбоби сори майл қилмайдур ва бовужуду фақир ўзин ул навъ ганий кўргузур эрмишки, халқ риоят йўлин топмаслар эрмиш. Оламдин ўтган замонида манқулдурки, элдин ғойиб бўлғондур. Ҳозир бўлғач, боши устида бир қуш қўнғон эрмишки, ҳеч ким ул нақшу ранглик қуш кўрмаган эрмиш. Элни кўргач учубдур, валлоҳу аълам". (Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 17-жилд. Тошкент, 2001. 425-б.)

тахаллуси билан ижод қилганида ёки Атойининг номи Хусайн Шайх бўлганида Навоий буни албатта таъкидлаган бўларди. Учинчидан, "Мен Отойимен Хусайний..." деб бошланадиган байтда, аниқроғи газал мақтаъида шоир галмеҳ, ташбеҳ, иштиқоқ, лутф каби бадий санъатлар қўллаб, фикрини образли ва жозибали ифода этган. Тўртинчидан, Навоий асарлари ва бошқа тарихий манбалар ҳамда Атойи девони билан яқиндан танишиб чиққан А.Н.Самойлович, Ҳ.Зариф, Ғ.Фулом, Э.Рустамов каби олимлар Атойининг номи Хусайн Шайх эканлигини бирор жойда таъкидлашмаган.

Шоир девонида темурий шаҳзодалардан Мирзо Шоҳрухнинг ўғли Муҳаммад Жўқий, Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф, Бойсункур Мирзонинг ўғли Алоуддавлаларни тилга олиб ўтади. Чунки ҳар учала шаҳзоданинг маълум муддат Балхда ҳукмронлик қилганлиги тарихий манбаларда қайд этилган¹. Демак, Атойи Балх, шунингдек, Ҳирот ва Самарқандда шу уч темурий шаҳзодалар ҳукмронлиги даврида яшаганлиги аниқ. Аммо улар саройида хизмат қилганлиги ҳақида бирор манбада маълумот учратмадик.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Атойи Балхда яшагани билан девонда Балх номи учрамайди. Алоҳида байтларда эса Рум, Хитой, Ҳиндистон, Исфаҳон, Қобул, Мозандарон, Кашмир, Хўтан, Ҳирот, Ироқ, Миср каби шаҳар номлари учрайди.

Атойи газалларидаги ишоратларга қараганда у Балхдан ташқари Ҳиротда ҳам яшаганга ўхшайди. У баъзи байтларида Ҳиротда ҳузурини йўқотгани, Ҳиротни пасткашлар эгаллагани ва у ердан хирқа кийиб чиқиб кетиш кераклигини айтади.

Атойи форс-тожик шеърятининг Ҳофиз, Камол Хўжандий каби машҳур газалнавислари тажрибаларидан ҳам пухта хабардор бўлган. Атойи ижодида ўзбек шоирлари орасида Лутфий лирикасининг таъсири сезилади. Унинг

¹ Қаранг: Бартольд В.В. Т.П. 4.2. М., 1964. С.147, 163. Яна қаранг: Аҳмедов Б. Улуғбек. Эссе. Тошкент, 1989. 173-бет.

девонида Лутфий шеърларига эргашиш, ўхшатмалар битиш йўлида яратилган ғазаллар бор¹.

Атойи девондаги ғазаллар ғоявий-тематик жиҳатдан ошиқона, маърифий, диний-тасаввуфий мавзуларда битилган. Шоир шеърларига Қуръон ва ҳадислар мазмунини сингдиради. Муқаддас манбалардан иқтибослар келтиради. Тасаввуфдаги **май, қадаҳ, майхона, зулфу хол, қош, кўз, бел, зуннор, санам** каби истилоҳлар воситасида мураккаб маъно-мазмунларни ифодалайди. У Навоий таъбири билан айтганда "мажоз тариқи била ҳақиқат асрори"ни куйлаган шоирдир. Унинг ҳар бир сатридан ошиқлиги, дарвешлиги, дину иймонда собитлиги сезилиб туради:

*Дину иймонимдан айирма, дами охир мени,
Эй санамлар зулфини белимга зуннор айлаган.*

Шариат ва тариқатга оид кўпгина китобларда Аллоҳ зоти ва сифоти ҳар бир кишининг руҳий ва ахлоқий камолотига қараб у ёки бу даражада мушоҳада-мукошафа этилади. Уларда "ҳақиқий дийдор охиратда кўрсатилади", дейилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом "Аллоҳ дийдорини ўлгандан кейин кўрасизлар", деб башорат берганлар. Шунингдек, охиратда Аллоҳ дийдорини кўриш, ундан лаззатланиш кайфияти ҳар бир кишининг Холиқи азал ҳузурдаги мартабасига кўра воқе бўлиши диний ва тасаввуфий манбаларда таъкидланган.

Жаннатдаги энг улуғ неъмат Аллоҳ дийдоридир. Атойининг шеърларидаги васл ва висол ҳақидаги орзую тўлғанишлар беназир илоҳий ҳусн - Аллоҳ дийдорини талаб қилишга қаратилган. Шоир бу йўлдаги иштиёқларини ўзига хос тарзда тасвирлайди:

*Бўлса жаннатда Атойи сенсизин қилғай фиғон,
Солдилар дўзахқа деб фирдавси аълодин мени.*

¹ Қаранг: Ҳаққул.И. Шеърят — руҳий муносабат. Тошкент, 1989. 56-бет.

Ёки:

*Жаннатда гар тажаллии ҳуснингни кўрмасам,
Кавсар суйи сўғолсину ҳам ҳур бўлмасун.*

Шоир эътирофича илоҳий марҳаматга - беқиёс жамолга аввало Ҳақ ошиқлари, комил инсонлар муяссар бўладилар. Комил инсон тушунчаси "соҳибназарлар", "санамлар", "аҳли диллар", "ошиқлар", "сарвқадлар", "хўблар" каби истиоравий ибора ва номлар билан девонда учрайди:

*Тут гўшае Атойи, санамлар кўзи бикин,
Соҳибназар бўл, аҳли жаҳондин канора қил.*

Навоийдан олдин ўтган туркигўй шоирларимизда "май" образи нисбатан кам қўллангани каби Атойида ҳам айрим байтларда учрайди. Илоҳий ишқ рамзи бўлган "май" тимсоли орқали илоҳсеварлик, ошиқлик майлу шавқлари ифодаланади.

Шоир бир байтда ўзига хитоб қилиб, май ич, яъни Ҳақ ишқини қалбингга жойла, хўблар (ошиқлар, муршиди комиллар) кўзидек фароғатда пинҳон бўл, узлатга чекин. Инсоннинг моддий эҳтиёжларидан саналган от, тўн каби нарсалар учун ҳатто тепангдаги тўққиз қават осмоннинг ҳам миннатини тортма деб, фоний дунёга дарвешона кўз билан боқишни, ҳар нокас олдида бош эгмасликни таъкидлайди.

*Бода ич, тут гўшае, хўблар кўзидек фориғ ул,
Тортма оту тўн учун бу тўққуз айвон миннатин.*

Ёки:

*Мен нетиб тарки шаробу шоҳид айлайким, манга
Пири майхона азалдин қилди бу иршодлар.*

Мазкур байтдаги **шароб**, **шоҳид**, **пири майхона** сўзлари тасаввуфий маъно англатиб, шароб-илоҳий ишқ, қалбда маърифат бодасининг тугён қилиши, шоҳид - Вужуди мутлақдир. Пири майхона эса руҳоний раҳбар, яъни муридни тариқат йўлига бошқарган, унга маърифат майини улашадиган пир, комил инсондир. Юқоридаги байтлар туркона услубда ёзилган бўлса ҳам маълум тайёргарликсиз уларни яхши тушуниб бўлмайди.

Санъаткор шоир асосан ишқий мавзуда ижод қилиб, севги лирикасини ўзининг беназир ғазаллари билан гоёвий-бадий жиҳатдан бойитишга муносиб ҳисса қўшди. Аллоҳ севгиси, Муҳаммад алайҳиссалом муҳаббати, "хўб"лар — яхшилар меҳрини тарғиб ва ташвиқ қилди. Инсондаги нозик, муқаддас туйғу-ишқни бутун мураккаблиги билан куйлади. Шоир таъбири билан айтганда ишқ оддий, жўн нарса эмас, у "шерини нар"ни забун айлайди, азобиға дош бериш, лаззатидан баҳраманд бўлиш ҳар кимнинг қўлидан келмайди:

*Зинҳор ишқ ишини ўсал тутма, эй кўнгул,
Осони мушкул эрур анинг мушкулоттин.*

Ошиқнинг ҳижрондаги изтироблари, унга талпиниши, маъшуқ ҳусни жамоли, ошиқ ва маъшуқ орасидаги муносабатлар, ирфоний майл ва изтироблар ғазалларда моҳирлик билан ўз ифодасини топган. Шоир анъанавий поэтик образ ва шеърини санъатлардан унумли фойдаланиб, бу мавзуларни чуқурлаштирди. Анъанавий тимсоллар, халқ иборалари, қочиримлари ва ўзбек тилининг ҳассос сўзларидан унумли фойдаланди.

Атойининг илоҳий ишқ, тасаввуфга бағишланган бир неча яхлит ғазаллари ҳам мавжуд. Жумладан, "Ҳар неча бўлса ёрда кибру анову мартабат", "Аёқинг тупроғи бирла қасамким" сатрлари билан бошланадиган ғазаллар соф тасаввуфий руҳда бўлиб, бундай ғазаллар шоирнинг тариқатга бўлган муносабатини, ирфоний қарашларини ифодалаши билан аҳамиятлидир.

Ҳар бир шоир ўзининг фикр ва туйғуларини табиат ҳамда жамиятдаги воқеа ва ҳодисалар билан қиёслаб, образли ифода этишга ҳаракат қилади. Атойининг ҳам қуйидаги байтига диққат қилинса, тасвирланган қиёсий манзара, лирик қаҳрамон ҳолати билан табиат ҳолатидаги уйғунлик, ҳаётини лавҳаларнинг санъаткорона ифодаси китобхонни дарҳол ўзига жалб этади. Одатда, бундай байтлар бир ўқишдаёқ кучли таъсир қилади ва эсда қолади:

*Йиғлаб юзунгиздин олайн зулф ниқобин,
Гул яхши очилмас кечалар ёғмаса ёмғур.*

Атойи илоҳий ишқ сир-синоатлари ҳақида ёзар экан, бу ишқнинг юкини кўтарувчи инсонни ва ундаги гўзал ахлоқни тарғиб қилди:

*Вафосиз дилрабодин Тенгри безор,
Агар ҳусн ичра жаннат ҳури бўлса.*

Шоир ғазалларида мажозий ишқ (инсонга қаратилган севги), айримларида соф илоҳий ишқ, айрим ғазалларда мажозий ва ҳақиқий (илоҳий) ишқнинг қоришиб, омухга тасвирланганини гувоҳи бўламиз. Бундай ғазалларни ажратиш албатта, ҳар бир кишидан маълум саводхонликни талаб қилади.

Атойи шеърियाи жонли, ҳаёт билан ҳамнафас, табиат билан уйғундир. Табиат гўзаллиги, нафосат, баҳордаги уйғониш шоирни ҳайратга солади, ички оламини жунбишга келтиради ва яшаш моҳияти ҳақида ўйга толдиради. Шоир шеърларида дунё яшилликка бурканган лаҳзаларни фанимат билишга, умрни беҳуда ўткармай яхши "ҳамдам" билан ҳамнафас ўтқаришга даъват этади:

*Соқиё, келтур майи гулгун, ки хуш дамдур бу кун,
Олами фархундайи наврўзи оламдур бу кун.
Ер юзинда гулшану боғу баҳору боғча,
Гунбази хазро менгизлик сабзу хуррамдур бу кун,
Эй Атойи, бўлма ғофил, бир нафас ҳамдам тила,
Умрни ҳамдам кечурмаклик баси камдур бу кун.*

Бошқа бир ғазал мақтаида:

*Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,
Гул очилди, гулистон вақти бўлди,-*

дея хитоб қилган шоир, гул ва булбул сўзларини ғазал давомида такрор қўллаб, ажойиб поэтик тасвир ва бадиий хулосалар чиқаради:

*Қилай нола, боқиб гулдек юзунга,
Чу булбулларга афғон вақти бўлди,*

*Бу дамким, гул қилур булбулға алтоф,
Атойиға ҳам эҳсон вақти бўлди.*

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт иллатларини танқид қилиш Атойи шеъриятида жуда кам учрайди. Лекин айрим байтларда "шоҳ-гадо", "ғани-фақир" каби образлар орқали жамиятдаги баъзи тенгсизликларга ишора қилиб ўтади. Ишқ азоби, замона жаври, ёр ва ағёрдан жафою гуссалар тортган шоир:

*Ё ишқ балоси манга, ё жаври замона,
Ё ёр жафоси манга, ё гуссаи ағёр?*

дея норозилик оҳангидаги мисралар битади. Ёки:

*Ҳосили умрим туганди ҳасрату қайғу била
Рўбару ўлтурмадим, ул кўзлари жоду била.*

Атойи ғазалларидаги баъзи байтлар ҳаёт, умр, гўзаллик моҳияти хусусида бевосита ўйлашга мажбур этиб, ўқувчига ахлоқий - маънавий озуқа беради:

*Бўлма баҳори ҳуснунга ғарра, ки бу хазони умр,
Боғи ҳаётта не гули қўйғуси, не гиёҳ ҳам.*

Ёки:

*Мурни озурда қилма, хосса ошиқ кўнглини,
Ҳусн мулкинда тиларсанким, Сулаймон бўлғасен.*

Юқорида таъкидлаганимиздек Атойи ғазалларининг анчагинаси (109 таси) халқ қўшиқларига мос вазнда битилгани учун ҳам бадиий соддаликни таъминлаган ва бевосита ёки билвосита халқ оғзаки ижодидан озиқланган.

Шоир халқ оғзаки ижодини, одамлар орасидаги мақол, масал ва урф-одатларни яхши билган. Улардан фойдаланиб, таъсирли, содда ва образли байтлар ижод қилган. Бугунги кунда туркий халқлар орасида юрган халқ мақол ва ҳикматли сўзларини Атойи "масалдурким", "бу масалким", "ки дерлар" каби сўзлар билан тамсил санъати воситасида қўллайди:

*Қилди жонимга мени ширин лабинг завқи, бале
Бу масалдурким "киши бол тутса бормоғин ёлор".*

Дарҳақиқат, Атойи шеърियाги ўзига хос, халқ тилига яқин, содда, жозибадор ва мураккаб тасвирлардан холи. Ташбиҳлари бежирим, қиёслари мутаносиб, шоирона синчковлиги ва кузатувлари таҳсинга лойиқ.

Масалан, Атойи маъшуқ жамолини, хусну фазилатини таърифлар экан табиий ҳодиса ва жараёнларни кузагиб, оҳорли ташбиҳлар қўллаиди, нозик муқоясалар топишга муваффақ бўлади. Бир байтида шундай дейди:

*Гар боши кўкка етар, ой бир ҳабаши қулдур санга,
Ҳар киши туймас мунинг, уш юзида билгулари.*

Яъни, ой ҳар қанча юксакда бўлмасин сенинг бир қора кулинг. Буни ҳар ким сезмаса-да, унинг юзидаги қора доғларидан белгилдир, деб киноя қилади шоир. Ёки гулинг қизаришини кутилмаганда шоирона мисраларда куйидагича ифодалайди:

*Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда.
Таманно қилғали лаълингни кўнглум,
Киши билмас аниким, қолди қанда.
Чу жонимдин азиз жонона сенсен,
Керакмас жон манга сенсиз баданда.*

Юқоридаги сатрлар оддий туюлгани билан санъаткор шоирнинг юрагидан отилиб чиққани, самимий ва ҳароратли экани сезилиб туради.

Шоир халқ афсона ва эртақларидаги тимсолларни шеърятга олиб киради. Халқ орасида учрайдиган воқеа-ҳодисалар, кундалик ташвишлардан фавқулудда поэтик хулосалар чиқаради. Ҳаммага тушунарли аммо ифодаси ҳар қандай ўқувчини ҳайратга соладиган байтлар шоир ғазаларида кўплаб топилади. "Сув қизи" ҳақидаги машҳур ғазалида шундай сатрлар мавжуд:

*Ул иликким, сувдин ориқтур, ювмас они суда,
Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр.*

Санамнинг қўллари сувдан-да пок, сувдан-да тиниқ. У қўлини пок бўлсин деб сувда ювмаяпти. Балки сувни пок қилиш учун қўлларини юваётир. Ушбу байт ҳам оригиналиги билан тез ёдда қолади:

*Кирпиким жоруб этай, юзумни хокандоз ҳам,
Гар қабул этса мени қуллуққа фаррошинг бегим.*

Кирпикни супурги, юзни хокандоз қилиб ёрга садоқат кўрсатиш Атойи ижодига хос. Замондош шоирларнинг бирортасида бу ташбиҳ учрамайди.

Атойи ҳар бир улкан ижодкор сингари адабиётнинг кейинги давр вакилларига кучли таъсир кўрсатди. Ўша давр туркигўй шоирлари орасида мавлоно Атойининг ўз ўрни борлиги адабиётшунос олимлар томонидан эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, Р.Чари деган хорижлик олим ҳам шундай қайд этади: "XIV асрнинг охири, XV асрнинг биринчи ярмига қадар бўлган замон ичинда чигатой адабиёти янги бир тараққиётга эришиб, кўплаб дунёвий асарлар майдонга келмоққа бошлади. Улардан бир қисми: Саккокий, Лутфий, Атойи, Юсуф Амирий, Хоразмий, Аҳмад Мирзо, Гадои, Яқиний ва бошқалардир. Булар орасида айниқса, Лутфий, Атойи, Саккокийнинг асарлари муҳим ўрин эгаллайди. Бу шоирлар Навоийдан анча олдин ўз она тилларида асарлар ёзиб, тил ва адабиёт тараққиётида муҳим ҳиссаларини кўшган машхур сиймолардир"¹.

Шарқ шоирлари каби Атойи ҳам ўз ижодидан ҳақли равишда фахрланади, "сўзларига" "кулоқ" солганга "юз дурри манзум" нисор этади. Шоир бир байтида таъкидлайди:

*Атойи шеърининг лутфини билса,
"Латофатнома"дин кечгай Хўжандий.*

Ёки:

*Атойи сўзлари лутфиға етмағунча киши,
Камоли зеҳну зарофатни кўрмагантек эди.*

¹ Қаранг: "Туркистон" журнали. 1988, 1-сон. Истанбул, 16-бет.

Дарҳақиқат, шоир сўзларининг "лутфига етмагунча", уни англаб, ҳис қилмагунча зеҳну зарофатлиман деб даъво қилиш мумкин эмас. Зеро, аجدодларимиздан етиб келган маърифий меросларни ўқиб ва уқиб, кейинги авлодларга қолдирмас эканмиз маънавий вазифамизни бажармаган бўламиз. Ушбу нашр шу йўлдаги хайрли уринишлардан бири сифатида амалга ошаётганидан мамнунмиз.

Мавлоно Атойи ижоди хусусиятлари ҳақида кўп мулоҳазалар билдириш мумкин. Чунки, шоир ижоди ўзига хос маҳорат мактаби, илҳом манбаи ва адабиётимизнинг нодир маънавий бойлигидир.

Юқорида айтиб ўтганимиз каби Атойи девони ҳозирга қадар тўлиқ ҳолда нашр этилмаган. Биз шоир девонини қайта назардан ўтказиб, илгариги нашрларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилаб, девоннинг тўлиқ матнини нашрга тайёрладик. Китобнинг илмий аҳамиятини инобатга олиб, қўлёзма нусханинг факсимилесини ҳам илова қилдик.

Китоб юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдириш учун охириги саҳифада электрон (E-mail) адресимизни кўрсатдик. Билдирилган холис ва асосли фикрларни кейинги нашрларда инобатга оламиз.

Ушбу китоб адабиёт соҳаси мутахассислари ва кенг халқ оммаси учун манзур ва фойдали манба бўлади, деган умиддамиз.

Сайфиддин Сайфуллоҳ
15.04.2008







* * *

Эйки хўблар кўзгусинда ўзин изҳор айлаган,
Ҳам ўзи ул кўзгуга боқиб мени зор айлаган.

Наргиси айёрларда куфру иймон кўргузуб,
Қудрати бир ғунчадин ҳам хору гулзор айлаган.

Турраси таррорлар мушкин абири лутфидин,
Инфиоли нофаи Чин бирла тотор айлаган.

Сарвқадлар зулфу холин донаву дом айлабон,
Ошиқи бечоранинг кўнглин гирифтор айлаган.

Ҳусн боғинда бўйи шамшодларнинг шавқида,
Аҳли диллар хотирин ғамгину ғамхор айлаган.

Ғамзаси ғаммозларнинг кирпикин наштар қилиб,
Хастаи мажруҳлар бағрини афгор айлаган.

Ой юзлуқ, Зуҳра кўзлуқ, зулфи ялдо кўнглининг,
Меҳрини кам, жаврини бисёр-бисёр айлаган.

Бирубориким, санамлар оғзини сўз сўзлатиб,
Сунъидин ҳар бир нафасда йўқтин бор айлаган.

Лайлатул-меърож қошинда ики ё келтуруб,
"Қоба қавсайн" иттиҳодидин хабардор айлаган.

Дину иймонимдин айирма дами охир мени,
Эй санамлар зулфини белимга зуннор айлаган.

Қил Атойининг юзин¹ оли або ҳуснидин ол,
Эй Муҳаммадни ики оламда мухтор айлаган.

¹ Қўлёзмада шувалиб кетган бу сўзни шакл ва маъносига қараб "юзин" деб ўқидик.

* * *

Тиларман Ҳақ таолодин, ки бўлсам дилситон бирла,
Бошимни қилсам олинда баробар остон бирла.

Тиласанг жон висол учун тутай жонимға юз миннат.
Киши Юсуфни олмасму матои роигон бирла?

Сизинг, бизинг аромизда азалдин қурби жонидур,
Фалак бизни жудо қилмас, букун буъди макон бирла.

Не бўлди эй кўзи ўтлуқ, манга бир куймади бағринг,
Нечаким лаълинг илкиндин юроким тўлди қон бирла.

Шакар оғзинг таманноси вужуди боғлағайму деб,
Адам йўлида юз қўйди Атойи йўқ гумон бирла.



Ўлтурур эрди мени ҳижрон хаёлинг бўлмаса,
Ё умиди давлати васли висолинг бўлмаса.

Ою кун, зарра муориз бўлгай эрди юзунга,
Муъжизи ҳусну малоҳат зулфи холинг бўлмаса.

Севмагай эрди киши оламда сендин ўзгани,
Гар вафо қилмоқта ошиққа усолинг бўлмаса.

Эй жамолинг хисрави сайёра ҳусн афлокида,
Тенгридин тун-кун тиларменким, заволинг бўлмаса.

Беҳабар бўлса малак, кўргач сени инсон бикин,
Не ажаб маҳшарда ҳам сўруқ-саволинг бўлмаса.

Одамилиқдин эмаским, ул паридин айрилиб,
Бу тирикликтин кўнгул, гар инфиолинг бўлмаса.

Қилу қолингдин Атойи, маърифат тутма умид,
Ул оғиз, белинг хаёли бирла холинг бўлмаса.



* * *

Эй Худо, раҳме сол ул жону жаҳоним кўнглига,
Бир асар қилгай менинг оху фиғоним кўнглига.

Дарду ғам тоғинда жонлар чекканим Фарҳодтек,
Бўлмади маълум ўшал ширин даҳоним кўнглига.

Бевафолиқдин мухаммар бўлгай эрдим кошки,
Сиққай эрдим боре ул номехрибоним кўнглига.

Гул биқин жон кўнглакин юз пора қилди хори ҳажр,
Тонг ели англатқил охир гулситоним кўнглига.

Кўзларимнинг жўйборин сели ашким қилди пок,
Рағбати бўлгайму ул сарви равоним кўнглига.

Барча ит, қуш раҳми келди дарди ҳолимға, вале
Келмади раҳми рақиби бадгумоним кўнглига.

Ёрдин сўрсам Атойи дардини, айтур даво,
Бас эмасму бу менинг дарди ниҳоним кўнглига.



* * *

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уётгин анжуманда.

Таманно қилғали лаълингни кўнглум,
Киши билмас аниким, қолди қанда.

Чу жонимдин азиз жонона сенсен,
Керакмас жон манга сенсиз баданда.

Манго ул дунёда жаннат не ҳожат,
Эшикинг тупроғи басдур кафанда.

Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн,
Бу кун Яъқубтек байтул-ҳазанда.

Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,
Аёғинг қанда бўлса, бошим анда.

Тилар эл мансаби олий, валекин
Атойи сарви озодингга банда.



Мужда берди субҳидам зулфунг насиминдин сабо,
Жон муаттар бўлди, кўнглум топти юз турлук сафо.

Юзума суртум аёғин, хоки роҳин кўзума.

Дедим: Эй жон ҳамдами, аҳлан ва саҳлан марҳабо!

Фунча бўлдум ғамдин илким домингға етмайин,
Гул бикин жон кўнглаки ҳасрат била бўлди қабо.

Жим зулфунг, нун қошинг қасди жон айлаб эди,
Боқи бўлсун, лутф этиб кирди алиф қаддинг аро.

Лола ўхшатса ўзин рухсоринга маъзур тут,
Ёзида ўз бошиға қўбқондур ул кўнгли қаро.

Не фалакнинг меҳри бордур, не сенинг кўнглунгда раҳм,
Ё фалак жаври нигоро, ё сенинг дардинг манго!

Этакинда кўргали йўлдин ўтарда барги қоҳ,
Чехрасин қилди Атойи рашк элинда қаҳрабо.



* * *

Қон бўлди кўнгул фироқи бирла,
Куйди жоним иштиёқи бирла.

Зулфунг черики жамол мулкин,
Олди кўзунг иттифоқи бирла.

Фунча севунуб тўниға сифмас,
Ўшатсам ўқунг башоқи бирла.

Мажлисада чоғирдин эл усурса,
Мен жоми жамоли соқий бирла.

Тўску тиламакка ҳаддимиз йўқ,
Соғин бори давр аёғи бирла.

Ишқинда каро бошим оқарди,
Бир боқмади кўз қароқи бирла.

Кўз ўйнатиб уттилар кўнгулни,
Икки қоши жуфту тоқи бирла.

Ошиққа жафо қилинг, валекин
Асру дағи йўқ, яроқи бирла

Хўблардин Атойи лутф истар,
Хонларға не иш ясоқи бирла.



* * *

Охир эй толий, маҳалдур бир назар қилсанг манго,
Ҳам бу бўлғай ҳадди зулму ғояти жавру жафо.

Мен гуноҳе қилмадим, Тенгри билур қилсам дағи,
Ўшта ёндим тавбама, сендин карам, мендин хато.

Эй фалак, бошингму эвруди, недур мақсудунг айт,
Номуродининг муродин қилмадинг бир кун раво.

Чунки дилбар фурқатинда айладинг бағримни су.
Эй яман бахтим не бўлди, яхшилик қил, сол суғо.

Ёр ҳокимдур агар билсун ва гар худ билмасун,
Эй Атойи, сидқи ихлосинг била сен қил дуо.



* * *

Кўзунгтек фитна йўқ даври қамарда,
Лабингдек таъма йўқ қанду шакарда,

Юзингда топдим, ҳар не тиладим,
Тилаклар туш бўлур оре саҳарда.

Хатинг фикринда кўнглумни мунажжим,
Кўрар ҳар лаҳза юз турлук хатарда.

Топилмас насли одамдин сенингдек,
Юзи ой, кун туғордин кун ботарда.

Белинг фикру хаёлин боғламоқда,
Тасаввур қилмас эл, илло, камарда,
Кўзунг, кўнглум олурға майл қилса,
Турубтур ушмунок жон ҳам назарда.

Атойини ўшал бемор кўзлар,
Тутубтурлар давосиз дардисарда.



* * *

Эй кўнглум олгон дилрабо, жоним фидо бўлсун санга,
Оби ҳаёти Хизр ила умри бақо бўлсун санга.

Қилсам насиҳатни "гунаҳ қон тўкма" деб, сўктунг мени,
Ҳар бир сўкунчунг ўрнида юз минг дуо бўлсун санга.

Ҳар нечаким жавру жафо қилдинг манго бу дунёда,
Маҳшарда лутфу марҳамат Ҳақдин ато бўлсун санга.

Гарчи рақиби муддаи ҳардам хаворижлик қилур,
Ҳамроҳу ҳамдам, ҳиммати оли аҳо бўлсун санга.

Сўрсанг Атойи хастани, гаҳ-гоҳ яхши от учун,
Эй шаҳсуворим, то абад шаҳлар гадо бўлсун санга.



* * *

Гардундин ўтар нолайи зорим кечаларда,
Билмас нетай ул моҳ узорим кечаларда.

Заҳра ёрилур дарди фироқинда кўнгулдин,
Оҳе ки чикар ўқ каби ёрим кечаларда.

Йўқтур ғаму ранжу аламу қайғудин ўзга,
Ҳажрингда менинг ҳамдаму ёрим кечаларда.

Оғзи дамидур шому саҳар нуқлу шаробим,
Лаъли ғамидур дафъи хуморим кечаларда.

Ҳижрон черики баски, урур жонға шабихун,
Дунёни тутар гарду ғуборим кечаларда.

Ёд айласам ул шўҳи кароқчи қара кўзни,
Қолмас нетайин сабру карорим кечаларда.

Зулфи ғамидин ўлсам Атойи бикин, элга
Бўлғусидур¹ ёр, мазорим кечаларда.



¹ Қўлёзмада "бўлғусидур". Котиб хато кўчирган бўлиши мумкин. Чунки вазн тақозосига кўра "бўлғусидурур" деб ўқиш мақсадга мувофиқдир.

* * *

Умиди васлдур побанд бизга,
Муяссар бўлмаса ҳарчанд бизга.

Ўшал юзу оғиз беморлиқда,
Иноятлар қилур гулқанд бизга,

Унуттирди Хизр оби ҳаётин,
Ўшал ёқути шаккарханд бизга.

Не қаттиқ анлим борким, олиб жон
Кўнгулни қилмас ул пайванд бизга.

Фироқинг дарди олинда кўринмас,
Ҳасе Албурзу ҳам Алванд бизга.

Қилур "нур" оятин зулмат ичинда,
Мушарраҳ ҳар дам ул жамбанд бизга.

Атойитек сочи девонаси биз,
Ки носих зоеъ этма панд бизга.



* * *

Эй бегим, валлоҳ, керакмас танда жон сизсиз манга,
Ҳам ҳаёти Хизру умри жовидон сизсиз манга.

Эл тирик дерлар мени, кўнглумда фикр этсам вале,
Бу тирикликта бўлур юз минг гумон сизсиз манга.

Сиз санамлар хонидурсиз, бандангиз бир энчу қул,
Бўлмасун ушбу улуста хонумон сизсиз манга.

Жаврунгиз меҳру вафодур, дардингиз айни даво,
Филмасал гар ўлтурурсиз, меҳрибон сизсиз манга.

Васлингиз умрум гулидур, шавқида мен андалиб,
Ёз фаслинда бўлур вақти хазон сизсиз манга.

Мен бу юз муштоқидурмен, боғу бўстон ким бўлур?
Бўлмасун насрину лола арғувон сизсиз манга.

Мен Атойимен Ҳусайний, ҳусн ичинда сен Ҳасан,
Карбалодур равзаи боғи жинон сизсиз манга.



* * *

Эй соҳиби фан, ишва била ноз фанида,
Ғамзанг элидин қолмади жоним баданида.

Етмас, мен ғамхорға жуз хори фироқинг,
Ҳар неча гул очилса висолинг чаманида.

Ногаҳ назарим чоҳи занахдонингга тушти,
Боғланди кўнгул Юсуфи зулфинг расанида.

Куюнгдуру, мен ҳожати Фирдавс эмаским,
Хуштур кишига бўлса муқим ўз ватанида.

Дур тишинг ила лутф талашқон ёзуғиндин,
Бишти сувға ғаввос они баҳри Аданида.

Хўблар йиғилиб ҳусну малоҳат майин ичса,
Мажлис беки сендурсен алар анжуманида.

Бешубҳа малак қилғусидур қабрина сажда,
Хоки қадаминг бўлса Атойи кафанида.



* * *

Ҳосили умрим туганди ҳасрату қайғу била,
Рўбарў ўлтурмадим ул кўзлари жоду била.

Мен нечук ташбиҳ этай ул юзни ою кунга ким,
Нисбати йўқтур тажалли юзининг кўзгу била.

Қоматинг хуштур, вале икки кўзумда яхшироқ,
Сарв чун хушроқ кўрунур бўлса оқар сув била.

Кўзлари. кўнглум олур, холи қўяр жонимға доғ,
Эй мусулмонлар, нетай ул кофири жоду била.

Неча қон йиғлаб Атойи сўзласа дарди дилин,
Ўткарур ул тошбағирлик шевачи кулгу била.



* * *

Эй ғаму дардинг җамиша роҳату дармон манга.
Остонинг хоки роҳи чашмайи җайвон манга.
Ийди акбардур муборак умри жовидон била,
Гар қошинг ёси учун бўлғил десанг қурбон манга.
Иштиёқинг баҳрида ғарқоб бўлдум, раҳм қил,
Эй бути чин, қавли ёлғон, аҳди бепоен манга.
Бўлғай эрди Юсуфум ҳажринг азобинда шафиъ.
Ҳоли зоримни кўруб пайғамбари Канъон манга.
Парвариш қилдим кўнгулни бир ўзумга ёр деб,
Бевафо хўбларни севди, бўлди хасми жон манга.
Зулфунгиз занжирининг девонасимен тоабад,
Бермасун кўп дарди сар бу ақли саргардон манга.
Мен Атойимен лабинг васфиндаким, таҳсин ўқур,
Руҳи Ширин бирла Хисрав, балки Ҳиндистон манга.



* * *

Кўзум, ки севди юзунгни чин эътиқоди била,
Кўрар бу мушки Хўтанни сочинг саводи била.

Бўюнгни сарв ўқумоқ элга одат ўлди, вале,
Эрам ниҳоли не нисбат, бу девчайи оди била.

Жамол мулкини олдинг вафоу меҳринг ила,
Ки мулк боқи бўлур, шоҳ адлу доди била.

Муродим ул кўзи айёрдур, ки бор назари
Ниҳони, ошиқи мискини номуроди била.

Ёзуқсиз ўлди камон абрўлар жафосиндин,
Ичинг пиёлае зи ҳамол Атойи ёди била.

Жоду кўзунг, ки бордур анинг фитна қошида,
Пайваста нозу шева эрур фикри бошида.

Кирпикларинг тикишса таларлар кўнгул элин,
Толондур, оре, икки черикнинг савошида.

Эй бағри тош, кўнглум эвин айлама хароб
Ким, суратунг сизилмиш онинг ичи-тошида.

Эшикта итларинг манга миннат қилурлар, оҳ,
Ҳеч кимса бўлмасун кишининг тўну ошида.

Важҳи маош қилғали ул юз назорасин,
Ҳайрондурур халойиқ Атойи маошида.



* * *

Не раво бўлгай бу ким, меҳроб ичинда ўлтуруб,
Ўлтурадур мен дуочини кўзунг боқиб туруб.

Бир тўя кўргаймумен деб, тальатингни тўлун ой,
Тунглюкунгда ўлтурур, то субҳ мендек телмуруб.

Тишларингдек донае уммон ичинда топмади,
Ҳар нечаким истади мискин садаф оғзи қуруб.

Неча занжир айласам кўнглум эвининг эшикин,
Найлайн, қандин келур зулфунг хаёли бош уруб.

Жавҳари руҳиким, аслин билмади аҳли калом,
Банда бир сўз бирла ногаҳ билди оғзингдин сўруб.

Кирпикинг новаклариндин сақланур кўнглум, вале,
Бир отиб, ёзмас нишонин икки айёринг чу рўб.

Гояти билмасликидин муддаи кофир бўлур,
Гар сужуд айлар Атойи сизга Ҳақ нурын кўруб.



* * *

Не жонсен, эй пари рухсора маҳбуб,
Қамуқ боштин-аёқ матбуъу марғуб.

Санга берсун илоҳи Нўҳ умрин,
Манга ҳам фурқатингда сабри Айюб.

Муродим бўлмасун ҳаргиз муяссар,
Кўнгулда сендин ўзга бўлса матлуб.

Бу ғамким, биздадур, бу ҳусн сизда,
Сени Юсуф десунлар, бизни Яъқуб.

Севар ҳам жавру, ҳам лутфин Атойи,
Чу хўблардин неким келса, эрур хўб.



* * *

Ҳар замон чиқма хиромон юз уза зулфунг солиб,
Тушмасун ислом ичинда расми зуннору салиб.

Бу лаби жонбахшу бу ҳусну малоҳат сендадур,
Ё сени Юсуф десунлар, ё Масихо, ё Ҳабиб.

Жаннатул-Маъвода кўнглум қилмағай сенсиз қарор.
Найласун гул, бўлмаса илҳақ чаманда андалиб.

Гар борур бўлсанг, мени ўлтур, дағи бўлғил равон,
Бори онлингда ўлай, ўлгунча сендин айрилиб.

Кес бошимни, ерга сол, ётсун қаро зулфунг бикин,
Гар назар қилсам юзунгдин ўзга юзга қайрилиб.

Дарди ишқинг гар будурким, душти жонимға манинг,
Мен тирилгум йўқтурур, беҳуда жон тортар рақиб.

Гарчи эл дерким: "Атойи бермагил ёрингға жон",
Мен нетай бошимга ортуқ жонни жонимдин олиб.



* * *

Кўзунг хаёлида йўқтур балодин ўзга мусоҳиб,
Висолинг орзусида ҳам дуодин ўзга мусоҳиб.
Сабо кетургали зулфунг насиминдин бўе,
Кўнгул тиламади ҳаргиз сабодин ўзга мусоҳиб.
Нечаки, истади дарду ғаминг мусоҳибу ёре,
Вале топилмади бу мубталодин ўзга мусоҳиб.
Кўзунг не турфа отимчи қароқчидурки, ҳамеша
Қошинда йўқтур анинг ўқу ёдин ўзга мусоҳиб.
Кўнгулни тиғи бало бирла пора-пора қилайин,
Агар таваққуъ этар дилрабодин ўзга мусоҳиб.
Итинга ҳар кеча то субҳидам эшикта ётурда,
Қани, ки сарбасар эткай гадодин ўзга мусоҳиб
Атойи кўзларига ёр хоки роҳинг эрур,
Ки кўзга лойиқ эмас, тўтиёдин ўзга мусоҳиб.



* * *

Сенсиз бу жаҳон айши, аламдур манга, эй дўст,
Шодлиғи ҳам меҳнату ғамдур манга, эй дўст.

Лутфу карамингни сен агар мендин аёсанг,
Жавру ситаминг лутфу карамдур манга, эй дўст.

Дийдор ила қоний эмас эрдим эса, ҳажринг
Бисёр жафо айлади, камдур манга, эй дўст.

Кўнглум юзини жавр ила чун сендин уюрмен,
Охир неча бу жавру ситамдур манга, эй дўст.

Одамға сени ўхшата билмонки парисен,
Нортек янгоқинг боғи Эрамдур манга, эй дўст.

Кўй қиссайи Жамшидни, Жоми иликиндин
Гар бўлса даме мулкати жамдур манга, эй дўст.

Оғзингға фидо жон, ки табассум қилиб айтур:
"Ҳар лаҳза, Атойи, не адамдур манга, эй дўст".



* * *

Эй ой юзунг бандалари бахту саодат,
Хуснунг каби меҳрим санга ҳар лаҳза зиёдат.
Гар бўлса санга жавру жафо хўй-вазифа,
Бўлди манга ҳам меҳру вафо пешау одат.
Мен лаъли лабинг даъвосини тарк эта билмон,
Қонимға агар муддаилар берса шаҳодат.
Зулфунгни севубон юзунга сажда қилурман,
Қилса не ажаб Чин элидин бутқа ибодат.
Майхонада лангар солиб ўлтурди Атойи,
То берди санамлар элина дасти иродат.



* * *

Эй мусхафи хуснунгга менгинг нуқтаси оят,
Ислом элига бўлди юзунг нури ҳидоят.

Сен хурмусен, ё малак, эй турфаи даврон,
Не, хуснунга бор ҳаддиву, не лутфунга ғоят.

Гар хусн будурким, санга бор, кес бу тилимни,
Юсуф сўзидин қилсам агар зарра ҳикоят.

Зулфунг мадидидин қиладур жонга кўзунг қасд,
Чин лашкари кофирга қилур, оре, ҳимоят.

Гар жону равон олами арвоҳқа чиқса,
Қилғай лабинг одамга тирикликни кифоят.

Биз барча хавосин будам оғзингда кўрарбиз,
Воизники, Исо дамидин қилди ривоят.

Гар жавр эт, агар лутф, қилур шукрунг Атойи,
Чун йўқтурур онлингда анга ҳадди шикоят.



* * *

Эй хусну ноз, шева майиндин мудом маст,
Лаълинг хаёли бирла кўнгул бўлди майпараст.

Бадри мунир оразинг олинда нотамом,
Сарви баланд қоматинг олинда паст-паст.

Оғзинг, кўзунг ҳикоятини бошласам, бўлур
Мажлис ичинда пиставу бодамға шикаст.

Бозори мушк Чин аро боғланғусидурур,
Мундоқ, ки бор санинг қаро зулфунгға гирубаст.

Ол моҳи - дер,- Атойи кўзининг бўбаклари,-
Ёш баҳри ичра бўлғоли зулфунг каманди шаст.



* * *

Ҳар неча бўлса ёрда кибру анову мартабат,
Бандадин олида ҳамин фақру ниёзу масканат.

Ориф эсанг ўзунга бил фақру фано мақомида,
Аҳли дил остонасин тожи сариру салтанат.

Гар сен ўзунгни танисанг "ман арафаҳ" сулукида,
Мулку малак санга бўлур хешу табору мамлакат.

Қаҳридин эҳтироз этиб, тутма кўнгулни ноумид,
Лутфи зиёдадур онунг етса замони марҳамат.

Пири муғон адоқининг тўзини кўзга сурма қил,
Кўз бу юришдин очилур, бил муни айни маслаҳат.

Сидқи била ҳабибни севса муҳиб, билур яқин
Борча жафосини - вафо, жумла зарори - манфаат.

Икки жаҳон ибодатидурму Атойи дуняда,
Шоҳи вилоят олина ҳамду саноу манқабат.



Юзунгни, эй малоҳат хони, бир оч,
Тўя кўрсун сени бу мустаҳиқ оч.

Нетай мен ғамзанг илкиндан, ки ҳар дам,
Тегар жонимға кўз кўнглумни олғоч.

Гулистонда чиқар пироханингни,
Саботек ғунча бирла ўйна суймоч.

Бинафша қилса зулфунг бирла даъво,
Эгилди бўйни елдин, кўп еди кож.

Тиларсангким, жаҳон ошуфта бўлғай,
Замоне сунбулунгни гул уза соч.

Қаро сочинг кўнгулга келса дерман,
Қароримға, ки бот бўл бошинг ол қоч!

Атойи севгали оҳу кўзунгни,
Ани сайд этмади ҳеч кўзи қиймоч.



* * *

Эй мусалсал зулфидин жонимда юз минг печ-печ,
Сўрмасанг бир дам бу қулни бори сўрғил кеч-кеч.

Баҳс этар эрди мунажжим сифр оғзинг нуқтасин,
Ҳосили мабҳасни сўрдум, эрса айтур ҳеч-ҳеч.

Кулбаи қўнгул сари келса ғаминг таъзим этиб,
Дерман: "Эй ёри қадимий, хайра мақдам кеч-кеч!"

Гар тиларсанг ҳусн мулкин олсанг икки дуняда,
Ошиқи таҳқиқини тақлидлардин сеч-сеч.

Бу Атойи эртаки мухлис қари қулдур санга,
Не йигитликдур, ки андин ёд этарсен кеч-кеч.



Эй мунаввар оразингдин шамъи ховар ҳар сабоҳ,
Матлаъи ҳусну малоҳатқа юзунгдур ифтитоҳ.

Ул ҳароми кўзларинг бирла лабинг давронида,
Бўлди қон тўкмак ҳалолу бода ичмаклик мубоҳ.

Бўлмаса ушшоқ учун майдин агар жон роҳати,
Демас эрдилар араб нозиклари отини роҳ.

Бандаву ихлосу сидқу шоҳид онлинда сужуд,
Зоҳиду зарқу риёву зуҳду тақвою салоҳ.

Кўргали қад қоматингни йўл юрурда ноз ила,
Тарки масжид айлади бўлди муаззин бе фалоҳ.

Бўлғали зулфунг черики жамъ эй хўблар беки,
Юз туман минг хосса ошиқ кўнглидур қалбу жаноҳ.

Гар ўқур мажлисда хонанда Атойи шеърини,
Зуҳра чанг кўбсор, қилур шамсу қамар завқу чароҳ.



* * *

Ўшал кунким ҳувайдо бўлди арвоҳ,
Саройи "кунту канзан" топти мифтоҳ.

Ёқилди ўртада мушкоти одам,
Вужудунг бўлди ул мушкота мисбоҳ.

Нубувват бобининг қуфлу калиди,
Санга топшурди охир дамда Фаттоҳ.

Тўқуз афлоктин бир тунда ўтгунг,
Зиҳи сайру сулук, эй руҳул арвоҳ.

Бали, сен "раҳматан лилоламин" сен,
Ки қилдинг зоҳиру ботинни ислоҳ.

"Алийюн бобуҳо" сен "шаҳри ҳикмат",
Эшикингнинг гадойимен қил илҳоҳ.

Ки еткай ул эшикинг кавсариндин,
Атойиға дами тўлғанда ақдоҳ.



* * *

Эй бисоти ҳусн ичинда барча хўблардин зиёд,
Йўқму ҳижрон шашдарида бизга васлингдин кушод.

Бу фалак беш кун айирғай бандани сиздин, вале
То абад тобқуси йўқ тағйир азалғи эътиқод.

Чунки топти дарди ишқинг лаззатин ғамгин кўнгул,
Хотиримни баъдазин қилғумдурур ғам бирла шод.

Хатмудур ул юз уза, ё котиби ҳусну жамол,
Сафҳайи гул узра қилди лутф шаҳбайтин савод.

Зоҳидо, ҳуру қусуру Кавсару Туби санга,
Бизга дилбар васлидур дунёву уқбодин мурод.

Барча эл жаннат тилоса, Тангридин маҳшар дами,
Мен жафочи хўбларнинг илкидин фарёду дод.

Ул қаду юзга Атойи муътақидсен дуняда,
Рости, йўқтур санингдек мухлисис пок эътиқод.



* * *

Кел, эй санам, ки бўлди яна навбаҳору ийд
Ким, хуштурур кишига висоли нигору ийд.

Бир лаҳза ол ниқоб юзунгдин қуёш бикин,
Жамъ айла анжуманда гулу лолазору ийд.

Бер журъае бу ташнага лаълинг зилолидин,
Ийде, ки жамъ бўлса майи хушгуюру ийд.

Жон ўйнаин кўзунгнунг ики каъбатина,
Расмедурур қадим ҳамеша қимору ийд.

Жонинг учун Атойиға кўп берма интизор,
Ким, руҳнунг азоби эрур интизору ийд.



* * *

Эй сочинг шаънинда нозил ояти "ҳаблул варид",
Давлати ҳуснунг учун жон дардидур "ҳал мин мазид".

Новаки ғамзанг зиреҳ қилди кўнгуллар жавшанин,
Жон қошинг ёсина қурбон, эй жамолинг моҳи ийд.

Дунёда бас дарбадарлиқ бирла кездук, топмадуқ,
Ганжи васлингға муҳаббат бобидин ўзга калид.

Гар қарорсиз кўзларинг оқ уй ичинда ўйнаса,
Мен келиб чафдин бубакларингга дермен дид-дид.

Пир бўлдум ҳасратингда қайғудин инсофа кел,
Тенгрилик йўқму, йигитсен қилма мундоқ ноумид.

Эй мударрис, мен қародин оқни фарқ айламон,
Лавҳашаллоҳ Боғи Зоғон, ҳаббазо Боғи Сафед.

Севгани усрук кўзунг бирла лабингни жон ила,
Пири майхона Атойи олида бўлди мурид.



Дилбаро, лаълинг майидур оби кавсардин мурод,
Қоматинг сарви дағи тубийи навбардин мурод.

Бир назарда ғорат айлар юз кўнгулни зулм ила,
Кўзларингдур, эй санам, куффори Хайбардин мурод.

Оҳ, бир кун бу қаро бошимға не келтургуси,
Бу кўнгулким, истар ул зулфи муанбардин мурод.

Бори ханжар чекмасун нозук белинг, ғамзанг етар,
Ғар мени ўлтурмак эрса ушбу ханжардин мурод.

Тухмати хушкидурур уммонғаким, дур андадур,
Тишларинг дурдонасидур, луълуи тардин мурод,

Мен талаб устинда ўлгумдур ситамкашлик била,
Ҳар нечаким ҳосил ўлмас сен ситамгардин мурод.

Мен баса мискинмену, сиз ҳусн ила асру ғани,
Айб эмас, кўз тутса мискинлар тавонгардин мурод.

Хўблар меҳру вафосидур, ки ҳечким кўрмади,
Кимиёгарлар деган кибрити аҳмардин мурод.

Номуроде бўл Атойи, дилбарунг йўлиндаким,
Дилбар ўқтур, ошиқи содиққа дилбардин мурод.



* * *

Одамни адамдин, ки Худой айлади мавжуд,
Изҳори жамолинг эди бас ғояти мақсуд.

Оғзингни калом аҳли, ки маъдум ўқурлар,
Дерлар белинг отини маъдуму не мавжуд.

Мен хастани бир олқиш учун сўрғонингиздин,
Сизга не зиён бўлғай, агар бўлса манго суд.

Ўртангай эди нори янгоғинг ўтида кўнглум,
Жон дардина себи зақанинг бўлмаса беҳбуд.

Фирдавсийи Тўсий не шикоят қилур эрди,
Гар хатти Аёз ўлмаса "Шаҳнома"и Маҳмуд.

Соқи кетур ул оташи гулранг, ки хуштур,
Мушкин нафаси субҳ била замзамайи уд.

Шоҳид била бир бўлса Атойиға не таъна,
Ваҳдат йўлида экти гули шоҳиду машҳуд.



* * *

Ўшал сониъки, сунъидин тажаллии жамол айлар,
Юзунг миръоти хуснидин юз изхори камол айлар.

Қаро зулфунг саводидин румузи куфр этиб зоҳир,
Энгингни Мустафо нури, менгингни ҳам Билол айлар.

Халил ўғли бикин қурбон этарга ишқ жонбозин,
Жамолингдин қилиб байрам, қошинг ёсин ҳилол айлар.

Хақиқатта либоси зоҳирийға эътибор ўлса,
Нега Мухтори Ақрамнинг либосин эски шол айлар?

Муҳаббат шарбати гар нўш бирла созвор эрса,
Хусайни Карбалоға не учун қонин зилол айлар?

Жаму Жамшеду Фағфуру Каюковуснунг божин,
Фанилиқ қаҳрамониндин кўзунгни поймол айлар.

Атойи сен киму тавҳиди Ҳақ, ҳаддингни бил ҳайҳот
Ким, онинг ҳамду шукри ақли кулни гунггу лол айлар.



* * *

Ул ки дерлар жумлайи оламда ғолиб ҳусн эрур,
Мунтаҳои восили матлубу толиб ҳусн эрур.

"Аҳсани тақвим" ила "куллун жамилун" сиррини,
Англагон орифга ҳозир бирла ғойиб ҳусн эрур.

"Кунту канзан" пардасинда орифу маъруфнунг,
Рамзини изҳор қилмоқлиққа толиб ҳусн эрур.

Олами афлокда хуршеди оламтобни,
Айлагон султону ҳам шоҳи кавокиб ҳусн эрур.

Миср шаҳринда Зулайхони азиз Юсуф учун,
Хор қилгон ер тубиндин ҳам чиқориб ҳусн эрур,

Қилғучи озадани банда, салотинни гадо,
Бир назарда мазҳари жумла ажойиб ҳусн эрур.

Бу жамолким, Атойи сизда кўрди, баъдазин
Ўзга хўблар не дегай, яъники соҳиб ҳусн эрур.



* * *

Бу пари пайкар санам гўёки маҳзи руҳдур,
Лаъли Хизр оби ҳаёти, қадди умри Нуҳдур.

Кўзлари васфини худ не айтайин ҳар гўшада,
Кўзлари наштарлариндан юз кўнгул мажруҳдур.

Гар гадоёе нозанинлар шоҳидин лутф истаса,
Асру ҳам айб айламанг файз эшики мафтӯҳдур.

Бизни хўблар ишқидин манъ айлама ҳар дам ҳақим
Ақл қавли муфтийи ишқ онлида маржуҳдур.

Ёр Атои кўнглига келса мушавваш бўлма жон,
Суҳбати хилватда бегона азоби руҳдур.



* * *

Ҳар хаста дилким, ул юзи тулун оё боқар,
Тўймас кўзи, куяр тану жони яно боқар.

Топмас юзи гули каби рангину обдор,
Боғу чаманда ҳар неча боди сабо боқар.

Қўймас назарни тўғри манга тенгсаниб, вале
Ўғрин боқарда жон тамурин қиё боқар.

Кўнглумни зулфи силсиласиндин олай десам,
Жонимни олғали қаро кўзи ало боқар.

Ул шаҳсувор бир назар этмай гузар қилур,
Ҳар неча телмуруб сўнгидин бу гадо боқар.

Ошиқларинг каминаси кимдур деса киши,
Бисёр фикр этар, вале, охир манго боқар.

Таъзим этар Атойиға чун пири майфуруш,
Не ғам агар ҳақорат ила порсо, порсо боқар.



* * *

Юзунгдин равзаи ризвон бўлубтур,
Лабингдин чашмаи ҳайвон бўлубтур.

Жамолинг мусҳафининг оятидин,
Ҳадиси Юсуфи Канъон бўлубтур.

Бурун худ бор эди ҳусну жамолинг,
Валекин эмди сад чандон бўлубтур.

Азалда журъае томмиш лабингдин,
Букун оти жаҳонда жон бўлубтур.

Ҳино рангимудур пормоқларингда,
Ё ошиқ ўлтурурда қон бўлубтур?

Мудом ўсрук ётур меҳроб ичинда,
Магар кофир кўзунг тархон бўлубтур?

Қоронғу кечада киш жубба ичра,
Юзунг ою, кўзунг чўлпон бўлубтур.

Таолаллоҳ! Зиҳи шаклу шамойил,
Ки олам ҳуснина ҳайрон бўлубтур.

Атойи моҳрўхлар орзусинда,
Фалактек асру саргардон бўлубтур.



* * *

Ўтарда кўз учидинким, бирор назора қилур,
Хирад чиқар йўлидин, ақлу хуш канора қилур.

Недин кўнгулга севгулукни берди ҳаддин тош,
Ўшал, ки ҳусн эли кўнглини санги хора қилур.

Карашмадин чу кўнгилнинг ярасина бутмас,
Неча юракни жафо тиғи бирла пора қилур.

Кетурса хандаи ширинға лаъли майгунун,
Юз илғи¹ шайх, валини шаробхора қилур.

Атойи сиррини ҳар неча ёшурур элдин.
Қизорта қон ёши, юз ерда ошкора қилур.



¹ Илғи - йилғи (йилғи)

Дилбаро, келгил, ки шавқунгдин қарорим йўқтурур,
Тоқати ҳажру мажоли интизорим йўқтурур.

Эй масиҳим, мен заифи хастадилни бир нафас,
Сўрмасанг, ўлмактин ўзга қору-борим йўқтурур.

Қилча жоним бор, қилай ҳиндуи зулфунга фидо,
Чун бу савдода бегим, моли таворим йўқтурур.

Неча хоки роҳдек кўрсанг, рақиблар кўзида
Ҳақ билур бир зарра кўнглумда ғуборим йўқтурур.

Итларинг чорлар мени кўргач, эшикта айб эмас
Ким, улардин ўзга мушфиқ дўстдорим йўқтурур.

Эл юзинда боқма деб ҳардам юзумга сўйлагил,
Сен билурсен, худ бу ишта ихтиёрим йўқтурур.

Ўлди ҳажрингдин Атойи, эй жафочи сангдил,
Демадинг бир кун манинг ул хоксорим йўқтурур.



* * *

Бақар оҳулайин ҳар ён ўшал икки қаро кўзлар,
Хаданги ғамзасин отмоғ учун гўё қаро кўзлар.

Дилу жон сайди қилмоқта киши кўрмайтурур ҳаргиз,
Мунунгдек нозанин қошлар, анингдек дилрабо кўзлар.

Бу ҳусну шевау шаклу малоҳатни тилаб топмас,
Нечаким нозанинлар ичра ушбу мубтало кўзлар.

Висолинг давлатини шукри лиллаҳким, бу кун топтуқ,
Биҳиштеким, қиёмат маҳшаринда порсо кўзлар.

Атойининг хаёлоту маҳолин кўр, ки хўбларнинг
Вафосизлиқларин билгач, яно меҳру вафо кўзлар.



* Бақар – боқар

* * *

Эй хижил гул оразингдин бўстону боғлар,
Лола рухсоринг фироқи кўйди жонға доғлар.

Ой юзунг шавқинда тунлар то саҳаргаҳ ўлтуруб,
Ёндуруб кўз машъалин, ёштин қуярмен ёғлар.

Зулфунгу қаддингни кўргач, боғбон айтур равон
"Гул яғочи устида кўнмиш ажойиб зоғлар".

Кўзларинг аҳволини сўрғил мени девонадин,
Сўрмагил оқилғаким, ўсрукни билмас соғлар.

Ул қуёш юздин Атойи зарра айрилмас эди,
Гар аёғина фалак солмаса ғамдин боғлар.



Юзунг то пардадин зоҳир бўлубтур,
Санамлар ҳусн даъвосин кўюбтур.

Зиҳи ишрат, санинг ўсрук кўзунгга,
Ки гулзор ичра хуш мажлис тузубтур.

Шакар оғзинг қошинда лаъл конин,
Менгинг ҳиндулари сақлаб турубтур.

Талошмиш ғунча оғзинг бирла торлиқ,
Сабо оғзина-оғзина урубтур.

Ута чиқти бағирдин тири ғамзанг,
Вале пайкони жонда ўлтурубтур.

Фироқингнинг, магарким, жони йўқтур,
Мени сенсиз тирик мундоқ тутубтур.

Атойиға емак-ичмак керакмас,
Ки ҳажринг илкида жондин тўюбтур.



* * *

Эй кўзи жайрон, қаро кирпуклари сайёдлар,
Кофири зулфунг неча қилгай манга бедодлар?
Ҳар замон ғарқи арақтин эзилурлар чун набот,
Лабларингнинг инфиолидин баче қаннодлар.
Ҳар бири турғон еринда қолди ҳайрон бандатек,
Қоматингдин боғ ичинда сарву ҳам шамшодлар.
Қўпмадинг ноз уйқусиндин, эй кўзи чўлпон, даме,
Ҳар саҳар етти фалакка нолау фарёдлар,
Мен нетиб тарки шаробу шоҳид айлайким, манга,
Пири майхона азалдин қилди бу иршодлар.
Сели ишқинг қўймади, ҳамвор қилди ер било,
Сабр кўйинда нечаким, айладим бунёдлар.
Оразу зулфидин ўзга зикру фикринг йўқтурур,
Эй Атойи, қайда борди субҳу шом авродлар.



* * *

Жон улвини адамдин чунки ҳосил қилдилар,
Оғзингиз бирла вужудимни муқобил қилдилар.
Каъбайи васлингға азм этган муҳиб муштоқлар,
Тўшайи меҳнат била қатъи манозил қилдилар.
Зулфунгуз бир торини машшотангиздин ўғрилаб,
Чину Мочин хўблари банди ҳамойил қилдилар.
Кўзларинг не турфа соҳирлардурурким, тез боқиб,
Жумла Кашмир элининг сеҳрини ботил қилдилар.
Кўз йўлиндин ҳар замон юз корвони ғам келур,
Ҳусн эли то кулбайи кўнглумни манзил қилдилар.
Қудсилар "Қолу бало"да хаста кўнглум лавҳидин,
Ой юзунгнунг меҳридин ўзгони зойил қилдилар.
Эй Атойи, саждайи шукр айлагил Яздониға
Ким, сени мақбуллар дардиға қобил қилдилар.



* * *

Бу хусну малоҳат, ки бизинг ёрда бордур,
Ҳошо, ки гулу лолау гулзорда бордур.

Зулфунг кўнгул олур десам, эй жон, ажаб эрмас
Ким, юз кўнгул ошуфтаси ҳар торда бордур.

Ҳар бириси бир доғ қўяр жони ҳазинға,
Ҳар хол, ки ул оразу рухсорда бордур.

Ҳар не тиласа аҳли назар хусн юзиндин,
Жуз меҳру вафо, барчаси ул ёрда бордур.

Не ғам, агар ўлса ғаму ҳижрондин Атойи,
Чун меҳри онинг хотири афгорда бордур.



* * *

Ҳар кўнгулки, жон тилар, ҳам васли жонон орзулар,
Аҳли ишқ олинда мушрикдур, ки имон орзулар.

Шарбате ичмайтурур соҳибназарлар жомидин,
Кимки, хўблар дардига доруву дармон орзулар.

Бовужуди лаъли жонбахшу ўшал ҳурилиқо,
Одам эрмас ул кишиким, оби ҳайвон орзулар.

Чун юзин севди кўнгул зулфу занахдонин тилар,
Оре, Юсуфни севанлар банду зиндон орзулар.

Бир сен эрмассен ҳавоси бирла хору мубтало,
Эй Атойи, ул юзи гулни ҳазорон орзулар.



* * *

Жонимға доғ қўйгучи ул юзда холдур,
Андин умиди марҳаму дору маҳолдур.

Савсан ҳикоят этгали қаддинг ниҳолини,
Сарви чаманға боғ ичида инфиолдур.

Ҳар ким, ки севса сен каби соҳибжамолни,
Соҳибназарлар олида соҳиб камолдур.

Кел, бениқоб чиққил ўюнгдин том устина.
Аҳли замона хўбларини бир уёлдур!

Қўйғил Атойи, бошни санамлар аёғина,
Эмди чи жойи мадрасаву қилу қолдур?



* * *

Жамолинг равзай боғи жинондур,
Лабинг сарчашмайи руҳу равондур.

Сочинг сунбул, юзунг сарви санубар,
Кўзунг наргис, янгофинг арғувондур.

Белинг, оғзинг сўзи ҳар қайда бўлса,
Хаёли нозуку рамзе ниҳондур.

Не ҳожат мунча жавр этмак, равон ол,
Агар мақсуд бу бир қилча жондур.

Неча ғам бўтасинда сизғурурсен,
Санга чун нақдиму қалбим аёндур.

Атойини қиёс этма ўзунгга,
Агар сен ўзга бўлдунг, ул ҳамондур.



* * *

Дилбар фироқида бу кўнгул хастаҳол эрур,
Ҳамрози дарду ҳамдами ранжу малол эрур.

Шаксиз бу кун ўлармен анинг фурқатиндаким,
Жонсиз киши жаҳонда тирилмак маҳол эрур.

Боғу Биҳишту Кавсару Туби, ки дерлар эл,
Ушшоқ мазҳабинда замони висол эрур.

Юсуф юзи, қудуқ зақани бор, сочи расан,
Исо дамию Хизру хат эрни зулол эрур.

Ҳар маърифат, ки шайх ани, "таҳқиқ сўзи" дер,
Билмас муни, ки маънийи ул зулфу хол эрур.

Бир қилча ишқ ҳолатидин топмади вуқуф,
Муфтийи мадраса, ки иши қилу қол эрур.

Ғам кунжида Атойи бикин бўлмаин хароб,
Ғанжи висол истамангизким, хаёл эрур.



Холи мушкинким, ўшул юз - моҳи тобониндадур,
Рашқдин юз доғи ҳасрат лоланинг жониндадур.
Не бало нозук яратмиш Олимул - ғайб оғзини,
"Кунту канзан" рамзи махфиси анинг шониндадур,
Гарчи Юсуфдек букун ҳусну малоҳат Мисрида,
Мўъжизи Исо, валекин лаъли хандониндадур.
Эй мусулмонлар, ажаб айёри кофирдур кўзи,
Форати дин қилмоқ ичра куфри аёниндадур.
Гунча янглиғ нофайи оҳуйи Чин қон боғлади,
Топмади ул бўйи хушким, сунбулистониндадур.
Гаҳ қилур жавру жафо, гаҳ кўргузур меҳру вафо,
Ҳукм онингдур, ҳарне қилса банда фармониндадур.
Юз Атойидек гадойи ўлса, қайтиб боқмағай,
Бу думоғу кибрким, ул ҳусн султониндадур.



* * *

Ширин лаби, ки жон яросиға намак солур,
Жондур ё жони жон, ки кўнгул ичра шак солур,

Таҳқиқий ошиқ ўлғуси тақлийдидин жудо,
Улдам, ки ёр ўтарда ғамдин маҳак солур.

Таън этма муддаи манго бағримни қон кўруб,
Бу ишқдур, ки шери нар анда юрак солур.

Ҳар субҳидам, ки машъали машриқ қилур тулуъ,
Ҳижрон ўтидурур, ки юракка фалак солур.

Севса агар Атойи рақибин ажаб эмас,
"Ким ийясин офизлар, итига сўнгак солур".



* * *

Мушкин хати, ки чашмайи ҳайвон наботидур,
Парвона жон анга, ки тириклик баротидур.

Ул шаҳсувор тиркашининг ўқининг юнги,
Жон қушининг тириклата кесган қанотидур.

Ҳар ким, ки ичмади лаби оби ҳаётидин,
Бир маййитидурурким, онинг ҳайй отидур,

Қўнглумни ўзбак ўлжаси қилди қиё боқиб,
Бу хон уруғи қайси улуснинг қиётидур.

Етмасму бир Атойиға, эй ҳусн ила ғаний,
Кўз учидин назар, ки жамолинг закотидур.



* * *

Тубийи жаннат, ки дерлар қомату болосидур,
Фитнайи даври қамар ҳам наргиси шаҳлосидур.

Бандани ҳажр илкидин қилғон фақиру зору хор,
Гояти нозу такаббур бирла истиғносидур.

Ишқ мулкинда асир этган мўғул ўлжосидек,
Хаста кўнглумни хитойи кўзлари яғмосидур.

Рум элинда бир ажаб ҳинду тушубтур холиким,
Нофайи Чину Хўтан бир камтарин лолосидур.

Хоки роҳидур Атойи, кўйидин манъ этмангиз,
Чун анинг ул бўстону Жаннатул-Маъвосидур.



* * *

Усрук кўзунг, ки жону кўнгулдин кабоби бор,
Ҳар гўшада манинг киби юз минг хароби бор.

Гашти чаман қилурда арақ қилса энгларинг,
Барги гуледурур, ки юзинда гулоби бор.

Хуршеди ховарини юзунг инфиолидин,
Ҳар кун туғорда кўрки, нелар изтироби бор.

Жон комини шакар бикин айлар ачигланиб,
Ширин лабинг, ки канду асалдин итоби бор.

Ҳаққо, қилур эдим бу тўққуз хаймадин видоъ,
Бўйнулма нетайин, қаро зулфунг таноби бор.

Дарёедур кўзум ёши ҳажрингдаким, букун
Юзинда мисли қуббайи гардун ҳубоби бор.

Хўблар эшикида бу гадоеға обрўй,
Хоки юзининг устида чашми пур оби бор.



Эй бегим, ушбу юз, дегул, шамс била қамармудур?
Эй бегим, ушбу сўз, дегул, шаҳд била шакармудур?

Кўз учидин қиё-қиё шева била боқишларинг,
Жон тамурин қиёр учун тифму ё назармудур?

Боди сабо, ки келтурур жонға сочинг насимини,
Шаҳри сабонинг элчиси ҳудҳуди хушхабармудур?

Зулфи муанбарингким, ул кўздин учар узун кеча,
Сарви сиҳининг устида зору абири тармудур?

Зорию нола кам қилай, рост айит, эй посбон,
Итларинга бу ноладин ҳар кеча дардисармудур?

Лаъли лабинг хаёлидин бир гузар айлайн дедим,
Жони азиздин, вале, одамиға гузармудур?

Сўрсанг Атойи ҳолидин нетти, эй подшоҳи ҳусн,
Лутфу карам гадоеға Тенгри учун, зарармудур?



Бу элда бордур икки моҳ пайкар,
Бири қанду, бириси шаҳду шаккар.

Бирининг орази хуршеди тобон,
Бирининг кўзлари куффори Хайбар.

Бирининг зулфу холи донаву дом,
Бирининг қомати сарву санубар.

Бирининг лаблари ёқути сероб,
Бирининг тишлари покиза гавҳар.

Бирининг ғабғабидур себи сиймин,
Бирининг икки бодоми муқашшар.

Бири султони иқлими малоҳат,
Бири ҳусн элида Хоқону қайсар,

Бирининг ғамзаси жарроҳи устод,
Бирининг кирпуги алмос ханжар.

Бирининг икки қошидур янги ой,
Бирининг талъатидур ийди акбар.

Бирига чоқару банда Атойи,
Бирига ходиму доъийи камтар.



* * *

Эй камоли хусн, Юсуфдин жамолинг ёдгор,
Бўлди ҳажрингдин биайниҳ кўзларим Яъқубвор.

Интизорингда агарчи ўртанур жоним, вале
Ўзгаларнинг васлидин хушроқ манга бу интизор.

Бандани ўлтургали ғамзангға не ташвишдур,
Чунки мен сенсиз тирилгандин ўлубмен шармисор.

Қилсалар маҳшарда эл тақвою тоат бирла фахр,
Мен сенинг ишқинг била қилгумдур ул дам ифтихор.

Тенгридин йўқму умидинг, нетти мен маҳрумни,
Ваъдаи васлинг била қилсанг мени уммидвор.

Таънадин жонға нетарсиз "севдунг ул кофирни", деб,
Бу кўнгулдур, эй мусулмонлар, манга не ихтиёр?!

Ҳар замон чиқсанг хиромон эл кўзи тушса санга,
Ғуссадин ул дам Атойининг магар жони чиқор?



* * *

Юзунгни қиблайи аҳбоб дерлар,
Қошингни қиблайи меҳроб дерлар.

Лабингга ташна бўлгон аҳли диллар.
Юзунгни лолайи сероб дерлар.

Хату холингниким, жон нухасидур,
Хатоедур, ки мушки ноб дерлар.

Санинг сиймин танингнинг ҳасратинда,
Кўзумнинг ёшини симоб дерлар.

Мўғул, Чин кўзларинг ёшим кўлини
Йироқдин кўрсалар қувоб дерлар.

Бу ғамдин хаста бўлдумким, халойиқ,
Лабингни шарбати унноб дерлар.

Эшикингни очайин йиғламоқдин,
Ки ёмғур ёғса фатҳи боб дерлар.

Кўнгул нақдин олурда ғамзангизни,
Ажойиб жодуйи қуллоб дерлар.

Атойини қулум дебтур ўшал ой,
Бале, "Кўктин инар алқоб" дерлар.



* * *

Неча жонимға сендин дарду ғамдур?!
Магар меҳринг жафо, лутфунг ситамдур.

Муҳибларға жафо қилмоқ ёзуқсиз,
Муҳаббат йўлида бисёр камдур.

Манга душвор эрур сенсиз тирилмак,
Санга мен бўлмасам, эй жон, не ғамдур?!

Неча жонимға тегдинг ваъда бирла,
Кечар дунё, вафо қил, дам бу дамдур.

Кўзунг, зулфунг била оғзинг ғаминда,
Вужудим ҳосилан айни адамдур.

Гуноҳ қилдим, ки ҳажрингда тирилдим,
Вале мендин гунаҳ, сендин карамдур.

Атойи ушбу йўлда хок бўлса,
Муроди хўблардин бир қадамдур.



* * *

Аё сиймин баданлик, ол менгизлар,
Агар жоним керак, олинг менгизлар.

Ки доим бир навоға етгай эрдим,
Агар ушшоқ қадрин билсангизлар.

.....¹
Масал борким, деганларни денгизлар.

Жафодин юз уюрмас сизни севган,
Валё, ҳам бир йўли ўлтурмангизлар.

Фироқингда кўзум сарчашмасиндин,
Кўрармен ҳар қаён боқсам тенгизлар.

Муҳиблар ишқ хониндин ҳамеша,
Бағир қонин ичиб ҳам ғам енгизлар,

Хиромон ўтса ҳар йўлдин ўшул ой,
Атойи хокин анда истангизлар.



¹ Девонда шу мисранинг ўрни бўш қолдирилган.

* * *

Кўнгул то бўлди зулфунгға гирифтор,
Паришонлиқ манго борғонча ортор.

Кўзунг фикринда кўргузсам мунажжим,
Кўруб айтур, ки мунда бир бало бор.

Хаёли оразинг ҳар кеча ойтек,
Кўзум гирдобида олмоҳи ўйнор.

Сочинг савдосида тунлар уюмен,
Вале не суд чун йўқ бахти бедор,

Агар маҳбуб бор ўлса муҳибқа,
Не ғам гар жумла олам бўлса ағёр.

Фироқингда базе осондур ўлмак,
Вале сенсиз тирилмак, асру душвор.

Атойиға биҳишти жовидондур,
Севар ёри била бир лаҳза дийдор.



* * *

Не деб тўлун ой юзунг ила ҳусн талошур?
Сен ҳусн иласен, чунки қуёшдин доғи машҳур.

Ҳусн ичра қусурун билибон то дами маҳшар,
Ёшунди юзунг хижлатидин жаннат аро ҳур.

Сархушлиғининг айнида юз шеваси бирла,
Ўйнарда кўзунг титраса дегай киши махмур,

Жононайи дилдор баче бор бу улуста,
Лекин кўнгул олмоқ санамо сизга ярошур.

Икки кўзунг устинда қошинг фитнага фитна,
Сарви қадинг устида юзунг нурун ало нур.

Ўйглаб юзунгуздин олайн зулф ниқобин,
Гул яхши очилмас кечалар ёғмаса ёмғур.

Хўблар юзида чунки кўрар Тенгри жамолин,
Гар сажда қилур сизга, Атойиға даводур.



* * *

Мени девона қилғон бир паридур,
Ки инсону малакнинг дилбаридур.

Кўзига мунтазир Зухра саҳарлар,
Юзига субҳи содиқ муштаридур.

Юзи ҳусн ичра Юсуфча туман минг,
Вале зулфи Сулаймон лашкаридур,

Равон бўлса тирилтур юз ўлукни,
Магарким, қомати жон пайкаридур.

Муаттар айлаган жоним димоғин,
Хати мушкину холи анбаридур.

Кўзум ёшини ҳар дам дона-дона,
Сочирғон қанди лаъли тишларидур.

Сени ул сарви дилжў кўзга илмас,
Атойи неча ушбу жавдаридур.



* * *

Кўзунг даври қамар айёрасидур,
Бало афлокининг сайёрасидур.

Агарчи жони ширинимдур оғзинг,
Вале шаккар лабинг жон порасидур.

Кўзум ёшини ҳардам айлаган қон,
Юзунгнунг лоладек рухсорасидур.

Тажалли юзи покиза назарға,
Замоне ой юзунг наззорасидур.

Умидим шишасин васлинг йўлинда,
Ушотқон хира кўнглунг хорасидур.

Гадомен васлинга не чора айлай,
Ки султонлар бу иш бечорасидур.

Атойи ҳолидин сўрғонга айтинг:
"Санамлар кўйининг овворасидур,"



* * *

Хидматингда билмон, эй дилдор, тақсирим недур?
Ким, мани қилдинг мунунгдек зор, тақсирим недур?

Аҳду паймон айладинг аввал иноятлар қилиб,
Бўлдинг охир бир йўли безор, тақсирим недур?

Сен агар ўзга бўлубсен, мен ҳамон қулмен, вале
То абад тобуғда хидматкор, тақсирим недур?

Бо вужудиким, билурсен ёри содиқмен санга,
Ҳар замон дерсен мени ағёр, тақсирим надур?

Ёзғурурсен ким, Атойи, сен фузул қулсен, вале
Жуз умиди давлати дийдор, тақсирим недур?



Ошиқ кишининг хотири ғамнок керактур,
Жон пираҳани дилбар учун чок керактур.

Кўз юзини ёшим била ювай сизни кўрарда,
Ким, пок санамга назари пок керактур.

Қошинг ёйини тур чекайин дер киши менгга
Сар то қадами хоки бикин хок керактур.

Холингни қабул айлади мақбул кўзунгким,
Турк онлида бир ҳиндуйи чолок керактур.

Ҳажр оғусидин жониға етти кўнгул охир,
Лаълингдин анга қатрайи тарёк керактур.

Оқил не билур сурати матбуъингуз, онин
Бу маъниға бир ўзгача идрок керактур.

Ғам баҳрина чўм, қаърина ет, дуртек Атойи,
Дарё юзина чун хасу хошок керактур.



* * *

Дилбар фироқи гарчи азоби алим эрур,
Васли умиди жаннати нозу наим эрур.

Юзи жамоли мусҳафидур, анли фотиҳа,
Қаддию зулфи, оғзи, алиф, лому, мим эрур.

Қилмас тахайюл ул белу қоматтин ўзгани,
Ҳар кимки зеҳни нозику табъи салим эрур.

Ҳиндуйи муқбилдурур ул кўзи қошинда хол,
Ким подшоҳи Руму Хитоға надим эрур.

Инсон не билсун оғзиниким, илми ғайба,
Кимдурки, ғайри Тенгри таъоло алим эрур.

Кўргач рақиб юзини бошланг "ауз" ким,
Хўбларни озғурур, Шайтони ражим эрур.

Солди қулоқ Атойи гадонинг сўзина ёр,
Чун подшоҳи лойиқи дурри ятим эрур.



* * *

Сени бир қомати шамшод ўқурлар,
Ғаминг бирла кўнгулни шод ўқурлар.
Мени рухсори зулфунг зикру фикри,
Халойиқ субҳу шом аврод ўқурлар.
Кўнгуллар қушларин сайд этмак ичра,
Кўзунг шаҳбозини сайёд ўқурлар.
Муҳаббат шаръида хўблар қавлини,
Ниҳоли сарвтек озод ўқурлар.
Насиме ёр куйиндин топилса,
Сулаймон мулкини барбод ўқурлар.
Даме маҳбубсиз ошиқ ҳаётин,
Агар Хизр эрса бе бунёд ўқурлар,
Атойини гадолар ичра мазлум,
Сени шоҳаншаҳи бедод ўқурлар.



Ўртанди гул юзунг ўтидин лолазорлар,
Ёлғуз не лола, балки, ангидек ҳазорлар.

Нахли қадингни кўрса чаман ичра сарвтек,
Бош индуруб тавозеъ этарлар чинорлар.

Зулфу рухунг дуоси манга вирди жон эди,
Ул кунки жамъ эмас эди, лайлу наҳорлар.

Холинг абири қуллуғуна муътариф бўлуб,
Зулфунг чинида бости узун мушкборлар.

Ўлтурса қошу кўзи мени хатм қилғасен,
Пайваста "сод" сурасин эй ҳақгузорлар.

Ҳусн улудурки, бўлса анинг лутфу сийрати,
Суратқа боқса том, дағи бордур нигорлар.

Хўбларки васл лойиқи кўрмас Атойини,
Боре назарни кўз учидин не аёрлар.



Ким кўрди кўзунг ҳасратида мен каби бемор?
Жон ғамзада, бағри тўла қон, кўнгли гирифтор?
Ул кун, ки келиб гашти чаман қилдингу бординг,
Насрин яқосин пора қилиб қолдию гул зор.
Учмоқта юз қатла қиёмат бўлур эрди,
Тубида агар бўлса бу қомат била рафтор.
Васлинг талаб этмай нетайин, Тенгри азалдин
Матлуб яратти сени, мен қулни талабгор.
Ё ишқ балоси манга, ё жаври замона,
Ё ёр жафоси манга, ё гуссايи ағёр?
Ёрим кечаларким, май ичиб оҳ урармен,
Билмас киши сирримни, магар Олими асрор.
Майл этмас Атойи, чаману боғ аро сенсиз,
Жаннатни қачон кўзга илар ошиқи дийдор?



* * *

Юз сари бўлди равон икки кўзумдин жўйбор,
Сарви дилжўюм не бўлди, бир буён қилсанг гузор.

Сен ўшал султони ҳуснсен, ки бўстонлар аро,
Давлатингдин гул эшигин ел очибон, ел очар¹.

Бўлди бағрим сув гамингдин, яхшилик қил, сол суға,
Охир эй гул, хирманни албатта ҳар эккан ўрор.

Қилди жонимга мени ширин лабинг завқи, бале
Бу масалдурким, "киши бол тутса, бормоғин ёлор".

Давлатингдин кўкка етти барча қўларнинг боши,
Ушбу не толийдур, ойим, бизга етсанг тонг отор?

Оғзингизни ҳар неча сўрдум, тиладим топмадим,
Гўйё бу сўз ғалатдурким, "тилоганлар топор".

Зулфунгиздин гар Атойи бошқа кўрса не ажаб
Ким, кўрармен "бир синоғонни яна икки синор".



¹Қўлёзмада "очар". Котиб хато кўчирган бўлса керак. Халқнинг "эшигини ел очиб ел ёпади", иборасига кўра аслида "ёпар" ёзилган бўлиши мумкин.

Сўзласа оғзиндин шакар кўрунур,
Садафи лаълидин гуҳар кўрунур.

Толиъимни юзи била кўрсам,
Кўзу қошинда юз назар кўрунур.

Янги ой қошлари хижолатидин
Ойларда бирор-бирор кўрунур.

Белини ҳар нечаки, синчиласам,
Кўзларимга ҳамин камар кўрунур.

Юзи қошинда тонг эмас тўлун ой.
Агар исторайи саҳар кўрунур.

Манфаатдур манго санам дарди,
Агар эл қошида зарар кўрунур.

Бу Атойи кўзунг хаёлинда,
Доимо масту беҳабар кўрунур.



* * *

Янгоғунг равзанунг жаннат гулидур,
Бўюнг туби, лабинг кавсар елидур.

Кўзунг наргис, юзунг насрину зулфунг
Гулистони Эрамнинг сунбулидур.

Азалдин то абад жон андалиби,
Жамолинг гулшанининг булбулидур.

Сабо доводи зулфунгдин ўтарда,
Сулаймон лашкарининг гулғулидур.

Атойини агар оламға сотсанг,
Сот, эй зоҳид, ки ул хўблар қулидур.



* * *

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклугиндин сув била ютса бўлур.

То магарким, салсабил обина жавлони қила,
Келди жаннат равзасиндин оби кавсар сори ҳур.

Ул иликким, сувдин ориқтур, ювмас они суда,
Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр.

Эмди билдим рост эрмиш, балки кўрдум кўз била,
Улки дерлар сув қизи, гаҳ-гоҳ кўзга кўрунур,

Қошларинг ёсин Атойи кўргали ҳусн ичра тоқ,
Субҳидам меҳробларда сурайи "ёсин" ўқур.



* * *

Лабинг қоним тўкарга ташналабтур,
Дами Исою ўлтурмак ажабтур.

Кўтармак бошни маҳбуб эшикиндин,
Муҳаббат бобида тарки адабтур.

Мени ўлтур, вале қовма қошингдин
Ким, энчу қулни қовмоқ бе сабабтур.

Манга васлинг қачон етсун, билурмен,
Вале ошиқ иши саёю талабтур.

Атойи қулға бир лутф айламассен,
Ҳало, бек ўғли, мунча не ғазабтур?!



Сочинг чун лайлатул-қадру, юзунг чун субҳи содиқтур,
Бу шому субҳунга тун-кун кўнгил жон бирла ошиқтур.

Малоҳат хилъатин хўблар агарчи кийдилар, кўрдук,
Уларға қисқадур, аммо сенинг қаддингға лойиқтур.

Манга сенсиз тирилгандин ўлум юз қатла ортуқроқ,
Бу сўзда Ҳақ билур, кўнглум, тилим бирла мувофиқтур.

Санга менсиз не ғам жоно, ки мантек ошиқинг юз минг,
Вале Узродин айрилмоқ балойи жони Вомиқтур.

Муҳаббат даъвисин қилғон кишининг барча манзилда,
Муҳолифлиқни тарк айлаб, мақоми бенаволиқтур.

Бу кун васлингни тарк айлаб, тилар жаннатни зоҳидлар,
Берурлар насыяга нақдин, бу не нодон халойиқтур?

Атойи, кеч бу дунёдин, алойиқ таркини қилким,
Салоту савми ошиққа, бу кун тарки алойиқтур.



* * *

Сочинг ялдо туни, анлинг саҳардур,
Кўзунг Зухра, юзунг шамсу қамардур

Парисен, ҳусну лутф ичра малак ҳам,
Хатодурким, сени дерлар башардур.

Агарчи куйди жон ишқинг ўтинда,
Кўнгул аҳволи ҳам андин батардур.

Қошинг гар жон тилар, кўз бирла айтай.
Кўзунг кўнглум олур уш дарназардур.

Ўшал гулгун қочар устинда хокий,
Ажаб ҳиндуйи жон олиб қачардур.

Узундур қиссайи зулфунг валекин,
Чу сўз оғзингга етти мухтасардур.

Атойининг қабул эт, қилча жонин,
Агарчи бир муҳаққар моҳазардур.



* * *

Сени хусн ичра ойдин пок дерлар,
Мени меҳринг йўлинда хок дерлар.

Мунажжимлар кўруб ширин юзунгни,
Шарафдин Хисрави афлок дерлар.

Суман пироханингдин рашк элтиб,
Қилур гултек яқосин чок дерлар.

Ушал туркона кўзлар қуллуғинда,
Менгинг ҳиндуларин чолок дерлар.

Сочинг занжирини девонадин сўр,
Ки қилмиш ақл ани идрок дерлар.

Агар бўлса висолингдин умиде,
Фироқинг захрини тарёк дерлар.



* * *

Мархабо ул жонким, анинг сен бикин жонони бор,
Сояйи сарви қадингдин умри жовидони бор.

Мен эмасмен ёлғузун вола кўзунг фаттонина,
Гўшаларда юз менингдек волаву ҳайрони бор.

Оташин лаълингни кўнглум севганиндин ёзғуруб,
Неча куйдурдунг мени, охир кишини жони бор.

Не ажаб, гар бир кун ул тутса ўзин кўктин азиз
Ким, санингтеқ андин ортуқ кўзлари чўлпони бор,

Ҳеч кофар куфрини жамъ этмади иймон ила,
Турфа кофардур кўзунгким, куфр ила иймони бор.

Зулм ила ҳошо буза олғай кўнгул шаҳрин рақиб,
Хосса ул шаҳриким, онинг сен бикин султони бор,

Гарчи йўқ сўздур Атойти, шаккар оғзинг фикрида,
Сориғ олтунтеқ юзинда юз дурри ғалтони бор.



* * *

Наргис кўзунг, ки қошида боғу баҳори бор.
Жону кўнгулни олса мунок ихтиёри бор.

Ҳусну малоҳату караму лутф бобидин,
Юсуфқа бири бўлса, бегим сизда бори бор,

Боғи Эрамда балки, биҳишт ичра бир нафас,
Сенсиз бу банданинг, ки не сабру қарори бор.

Искандари замонадурур, Кайқубоди вақт,
Ҳар кишининг, ки кўнгли тилаган нигори бор.

Босқон изинг тўзини Атойи кўзи учун
Истар, йўлунгда шому саҳар интизори бор.



* * *

Ёз фаслидур вале мен ёрсиз,
Андалиби зормен гулзорсиз.

Кўрмадук гесуларинг занжиридин,
Ҳалқайи зуҳҳодни ...сиз¹

Сарв ўтканма қадин, бе ёр юзи
Бир яғочсен, шеваву рафторсиз.

Сеҳр илмин дарс айтур кўзларинг,
Соҳири Кашмирға гуфторсиз.

Аҳли тақво кўрмайин усрук кўзин,
Айб эмас, гар бўлсангиз ҳушёрсиз.

Ишқ истиғносидурким, бўлмади,
Ёр беағёру гул ҳам хорсиз.

Гар Атойи ўлса сизга қул не кам,
Эй бегим, боқи бўлунг бисёрсиз.



¹ Қўлёзмадан бу сўзни аниқ ўқиб бўлмади, эҳтимол "зуннорсиз" деб ёзилгандир.

Олди кўнглумни манинг бир дилрабо раҳм айламас,
Доми ишқ илгинда қилди мубтало раҳм айламас,

Кофари Хайбар манинг ҳолимни кўрса раҳм этар,
Эй мусулмонлар нетай, ул бевафо раҳм айламас.

Гул юзи шавқинда бағрим гунчадек қон боғлади,
Сунбулиндин бир насиме ҳам сабо раҳм айламас.

Ер чун фарёдинга етмас таҳаммул қил кўнгул,
Додни кимдин тиларсен, подшо раҳм айламас.

Гарчи Юсуфтек бўлубтур, ҳусн мисринда азиз,
Пири Канъонмен, кўзумга тўтиё раҳм айламас.

Оҳларким, сан урарсен ҳар саҳар эй боданўш,
Тенгри раҳм эткай анга, гар порсо раҳм айламас.

....ногаҳ ўлуб тобтинг Атойи ¹

Кўрмадук оламда сентек жониғо раҳм айламас.



¹ Қўлёмзадан шувалиб кетган бу мисрани аниқ ўқиёлмадик.

* * *

Эй азалдин дарди ишқинг бирла жоним ҳамнафас,
Йўқ висолинг давлатидин ўзга кўнглумда ҳавас.

Кўзларинг зулфинг кечасинда кўнгулларни тутар,
Бу не иштурким, кўюбсен элда ўғрини жасас,

Жомайи хони Халил қудси аро кўрмайтурур,
Хатти сабзинг қошида холинг бикин рангин адас.

Биз фироқинг бирла соз эттук, рақибинг васл ила,
Ўтга парвона керак, оре асал ерга магас.

Неча эй жон тўтиси парвоз этарсен ҳар тараф,
Бизга ул шаккар оғиз фикринда ҳолимдур қафас.

Маҳмили жонон равон бўлди, кел, игриш эй кўнгул,
Лайли кўчиндин етар Мажнунға овози жарас.

Эй Атойи тарки дастор айлагилким, дуняда,
Ошиқи авбошқа тожи мурассаъ дурдас.



* * *

Сизингтек хурваш одам топилмас,
Пари юзлук, Масихо дам топилмас.

Янгофингда арақтек қатра-қатра,
Гули насрин уза шабнам топилмас.

Муҳиб бисёрдур сизга, валекин
Бизингтек аҳди мустаҳкам топилмас,

Ғанимат тут жамоли ҳусн даврин,
Масалдурким: "яна бу дам топилмас".

Вафо қилким, йигитлик бўстони,
Ҳамеша тозаву хуррам топилмас.

Фироқингда кўнгулга неча боқсам,
Варойи ранжу дарду ғам топилмас.

Атойи худ қилур васлинг таманно,
Вале, мискинга мулки Жам топилмас.



* * *

Манга сен бўлмасанг жон ҳожат эрмас,
Биҳишту ҳуру ризвон ҳожат эрмас.

Фироқингда кўзум ёши бор эркан,
Баҳору абри найсон ҳожат эрмас.

Юзунгдин шомлар зулфунгни йиғсанг,
Фуруғи моҳи тобон ҳожат эрмас.

Бўюнг сарву, кўзунг наргис, юзунг гул,
Санинг қошингда бўстон ҳожат эрмас.

Агар гашти лаби дарё қилурсен,
Кўзумга кел, ки уммон ҳожат эрмас.

Рақиб бирла мусоҳиб қилма бизни,
Қутурғон итга сағбон ҳожат эрмас,

Атойиға бўсағангда ўрун бер,
Сарою коху айвон ҳожат эрмас.



Ул юзи гулким, бу қулни йил кечар ёд айламас.
Боштин ўюруб, нега бир йўли озод айламас.

Лаълиға жон берганим ғам тоғинда не фойда,
Гарчи Шириндур, вале парвойи Фарҳод айламас.

Зулфидин боди сабо мундоқ, ки касби руҳ этар,
Бу ҳаводинким, тирикликни барбод айламас.

Чун юзунг кўрди, кўзум қилди ватаннинг таркини,
Гулни чун Наврўз топти, ёди Навшод айламас.

Ҳақ таъоло сақласун кўнглин ғаму ташвишдин,
Хотиримни ҳар нечаким, қайғудин шод айламас,

Йўқтурур жавру жафову зулму бедоду ситам
Ким, менинг жонимға ул ҳури паризод айламас,

Ёр жавридин Атойи, юз ўюрма, сабр қил,
Қайси дилбардурким, ул ошиққа бедод айламас?



* * *

Жон қолмади ғамдин, вале жонона инонмас,
Фарёдим эшитмас, дағи афғона инонмас.

Уммон тенгизи бўлди кўзум ёшию, лекин
Ул ҳусн элида қиймати дурдона инонмас,

Ҳар нечаки, кўргузса кўнгул меҳр нишонин,
Жон бўлмағуча олида парвона инонмас.

Кифир кўзи худ раҳм қилиб бир назар этмас,
Зулфи дағи бу ҳоли паришона инонмас.

Дардимни агар ҳазратида шарҳ қилурмен,
Билмасга солиб асру зарифона инонмас.

Зоҳид дема: "занжир сочиндин кўнгул узким".
Оқил сўзига, албата, девона инонмас.

Дединг нафасе аҳдиму паймонима етқум,
Хўблардин Атойи, вале паймона инонмас.



* * *

Пардадин чиқ, бир дам эй хўблар сипехринда қуёш,
"Аҳсани тақвим" сиррин айла бу оламда фош.

Боғбон сарви сиҳининг кести шоҳу баргини,
Не учун индурмади деб тол бўюнг олида бош.

Васф этар эрди сабо гулнинг баче нозик юкин,
Ой юзинг онлида кўрдук, ҳам эмас чандин қумош.

Бир кеча келди хаёлинг хаста кўнглимни сўра,
Жон жасаддин то саҳар қилди кўнгил бирла талош.

Ёр гамин важҳи маийшат қил Атойи дунёда
Ким, будур соҳибназарлар онлида хусни маош.



* * *

Зийнати бўстон юзунг, бас, қилса юз гул алвидо,
Ошиқинг оҳи етар, гар қилди булбул алвидо.

Донайи холингға қуллуқ қилгали бу бандатек,
Ҳинд элидин ихтиёр этти қаранфул¹ алвидо.

Гар қачорингдин қизил гул қочса андин не ажаб,
Қилди зулфунг хижлатидин доғи сунбул алвидо.

Гарчи ғам бирла йигитлик ҳосилин сарф айлади,
Эшикингдин қилмади ушбу кари қул алвидо.

То Атойи боғлади кўнглин сочинг занжирина,
Хотириндин қилдилар сабру таҳаммул алвидо.



¹ Қаранфул - қалампирмунчоқ, майда мих шаклидаги бир хил хушбўй доривор.

Эй дудоқинг холидин бу жони ширинимга доғ,
Раҳмсиз кўнглунгга тоқай ҳоли зоримдин фароғ.
Шоми зулфунгда жамолинг шамъидин бер, партаве,
Бизга ҳам етсунки дерлар, бир чароғдин минг чароғ.
Мен доғи боғу чаманда эл бикин кезгай эдим,
Бўлмаса гесуларинг занжири жон бўйнина боғ.
Бўлажаб бахти ҳумоюн бирла фориғболу хуш,
Кўрмадук зулфунг бикин сарви сиҳи устида доғ.
Ҳақ таъоло ҳусну ҳулқу салтанат берди санга,
Сен билурсен хоҳ лутф эт, хоҳ қил кибру димоғ.
Элчилика зулфи Ҳиндистонга борсанг эй кўнгул,
Бас, узун йўлдур қародин то қароға тут улоғ.
Ул карашма бирлаким, боқти анга усрук кўзунг,
То абад ичмай Атойи бўлмагай бир лаҳза соғ.



Дилбаро лаълинг шароби оби кавсардин латиф,
Қоматинг нахли доғи сарви санубардин латиф.

Сафҳайи ҳуснунг қошинда мунфаил авроқи гул,
Нуқтаи холинг абири мушку анбардин латиф.

Бир нафас оғзингни келтур сўзга ширинлик била
Ким, келур сўз сўзламаклик шаҳду шаккардин латиф.

Сен латофат суйи бирла юғрулубтурсен тамом,
Ўзгаларнинг ҳусни бўлса зебу зевардин латиф.

Юз уза солсанг тараб мушкин сочингни ноз ила,
Гул уза бурқаъ солурсен сунбули тардин латиф.

Истадук оламда умре, ғамгусоре топмадуқ.
Ғам кунинда ёру ҳамдам, жому соғардин латиф.

Ҳажридин етса Атойи ноласи кўкка не айб,
Чун топилмас дунёда ул моҳпайкардин латиф.



Эй подшоҳи кишвари ҳусну жаҳон лутф.
Фархунда гул янгоқинг ила бўстон лутф.

Бу ҳусну, бу латофат ила қоматинг бикин,
Сарви чаманда кўрмади бир боғбон лутф.

Недин тушар аёғинга ҳар дам-бадам сочинг,
Гар хулқи хўб кўрмаса эди, эй жон лутф.

Тафсир бўлди мусҳафи ҳусну жамолинга
Ҳарким, ки қилди дунёда шарҳу баён лутф.

Ўлди Атойи ҳасрат ила интизордин,
Охир не бўлди, бўлмадиму бир замон лутф?



* * *

Соқиё, келтур қадаҳким, бўлди вақти гул латиф,
Наргиси сероб сархуш, нағмаи булбул латиф.

Чортоқи сарв уза қумри қилур гўяндалик,
Дер сўроҳи¹ ҳам арабча, қумрига қулқул² латиф.

Тушса мушкин сочларинг боди сабодин юз уза,
Сочилур гулбарг устинда ажаб сунбул латиф.

Лавҳшаллоҳ ул замонким, бодаи гулгун ичиб,
Оразингда бўлса пайдо, акси май гулгул латиф.

Юз Атойи ўлгай эрди нозанинлар зулмидин,
Бўлмаса адли шаҳаншоҳзодахон Абдуллатиф.



¹ Сўроҳи - узун бўйинли сув ва май идиши, шишаси. -

² Қулқул - шиша идишдан тўкилган сув ё шаробнинг товуши.

* * *

Агар кўнглунг тилар жонимни олмоқ,
Қароқчи кўзларингдин бир қиё боқ.
Жудо бўлғоли мен зулфу юзунгдин,
Кўзумга не қаро кўрунди, не оқ.
Фалак айвонина бош эндурурму,
Қошинг меҳробининг тоқина муштоқ.
Кўрармен боғи жаннат мевасиндин,
Янгоқинг норини юз қатла беҳроқ.
Мени девона айлаб ишва бирла,
Недур ҳардам парилардек яшунмоқ,
Агар учмоқ берса Тенгри сенсиз,
Дегаймен бизга етти, секкиз учмоқ.
Атойи сен киму ул сарви қомат,
Илик етмас не ҳосил қўлни сўнмоқ?!



* * *

Эй сабо, келтур ўшал гулгун қабодин ийдлиқ,
Лола юзлук, сарв бўйлуқ дилрабодин ийдлиқ.

Чунки зулфунгдин манга етмас, билурмен тори мўй,
Бори бўйе қил равон, боди сабодин ийдлиқ.

Идгаҳқа барча эл элтур намозу рўзасин,
Мен қошинг меҳробина элтай дуодин ийдлиқ.

Кўз тутармен ўқ отиб ёзмас кўзингдин мунтазир,
"Бир ўқ от бағрим" деб ул икки ёдин ийдлиқ.

Чунки мен Фарҳоддек ўлдум мазоримда букун,
Не асиф ҳалво ўшал Ширин лиқодин ийдлиқ!

Мағриб олтун шираси узра, кумиш кишти била,
Соқийё, султонға тут, оби бақодин ийдлиқ.

Қил закоти фитр оғзингдин Атойиға равон
Ким, дариф этмас гани ҳаргиз гадодин ийдлиқ.



Хуршеди ховарида юзунгдек жамол йўқ.
Ким бор анга заволу мунга ҳеч завол йўқ.
Наргис кўзунг менгизли Хўтан лозорида,
Ўқ, ё қошинда ўйнагувчи бир ғазол йўқ.
Юзунг қошинда ой, ҳабаший анли доғлиқ.
Қошинг қошинда тўғри турурға ҳилол йўқ.
Жонимни васл учун десам ол, эй қаро кўзум,
Олким, бу сўзда шуъбадаву макру ол йўқ.
Оғзинг, белингни ҳар нечаким, фикр айласам,
Кўнглумда жуз тасавури ваҳму хаёл йўқ.
Маҳбуб учун ўларда манга йўқтурур назир,
Ошиқни ўлтурурда санга ҳаммисол йўқ.
Кўйғил Атойи, мадрасаву хонақоҳни,
Маънида қавли содиқу сўфида ҳол йўқ.



Эй бинойи ҳусн ичинда қошларинг пайваста тоқ,
Йўқтур айвони фалакта бу асосу тумтароқ.

Ул беҳишти Аднким, дерлар висолингдур санинг,
Осимен, сендин йироқ тушган қулунг дўзах фироқ.

Ҳосили мулки Сулаймон Ҳақ билур елдур манга,
Ганжи ҳуснунг қилғоли вайрона кўнглумда висоқ.

Дину дунё, айшу ишрат, молу мулку, иззу жоҳ,
Барча яхшидур вале, дилбар бариндин яхшироқ.

Кўрмадук жуз жоми бода, машраби софи рафиқ,
Топмадуқ ғайри суроҳий, ҳамнишини бенифоқ.

Эй хуш ул соатки, фасли гул, гулситон саҳнида,
Ошику маъшуқу хилват, бош очуқ, ёланг аёқ.

Сен Атойи бирла худ дерсен, рақибингни яраш,
Ит гадойи кўй ила ҳаргиз қилурму иттифоқ?



Эй дўст, менинг дунёда сентек севарим йўқ,
Уқбода дағи ушбу сўзумдин гузарим йўқ.

Васлинг ишини ҳар нечаким фикр қилурмен,
Жуз сояйи лутфу караминг чорагарим йўқ.

Зулфунгу юзунг ҳасратида кечаву кундуз,
Оҳимдин у кун ҳамдами шому саҳарим йўқ,

Ишқинг йўлида ҳар нечаким, ҳажр ўтинда
Ўртанса бағир, ёнса юрак ҳам ёнарим йўқ.

Айб этма агар қилса кўнгул нолаву зоре,
Васлинг ҳавасинда чу манинг зўру зарим йўқ.

Эй ҳусну малоҳат чамани саҳнида товус,
Кўзумдин учарсен, нетайин, болу парим йўқ,

То севдум Атойи киби мастона кўзунгни,
Ақлу хираду боштин, аёқтин хабарим йўқ.



Оҳ ўлтурди фироқ ул гул узоримдин йироқ,
Лола юзлуқ, сарв бўйлуқ, тўғри ёримдин йироқ.

Нола қилсам ҳар замон айб этманг, эй ушшоқким,
Андалиби бенавомен, лозазоримдин йироқ.

Ихтиёр эттим ул ойни икки дунёдин, вале,
Нетайин солди фалак ўз ихтиёримдин йироқ.

Саъй этар зоҳид мени жаннатнинг эски боғина,
Мен борурменму юзунгдек навбаҳоримдин йироқ.

Менда ҳам сабру қарору ақлу ҳуше бор эди,
Не балолиқ ишқ эдиким, солди ёримдин йироқ.

Гар фалак ўлтурса юз қатла мени, ҳеч бок эмас,
Бу ўлумдурким, ўлодурмен нигоримдин йироқ.

Кетмагай ўлсам Атойидек бўюнг сарви учун,
То қиёмат сояйи раҳмат мазоримдин йироқ.



* * *

Бўюнг сарви равондур жонга лойиқ,
Не бир боғу, не бир бўстонга лойиқ.
Не шабнам донасидур тишларингким,
Бўлубтур ғунчайи хандонга лойиқ.
Хаёлингга кўнгулда жон берурмен,
Азиз тўхфа эрур меҳмонга лойиқ.
Менум кўнглумдасен, эй ҳусн ганжи,
Бале, ҳар ганж эрур вайронга лойиқ.
Топилмас жумла оламда менингтеқ,
Гадойи мустаҳиқ эҳсонга лойиқ.
Табибо, дарди сар берма мангоким,
Менинг дардим эмас дармонга лойиқ.
Атойи сўзин, эй султони ҳусн ол,
Ки дерлар: "яхши дурр султонга лойиқ".



* * *

Юзунг хуршиду анлинг субҳи содиқ,
Таоллаллоҳ! Зиҳи, хуш сунъи Холиқ.

Бу не кўздур, бу не кирпук, бу не қош,
Ки чиқти дину иймондин халойиқ.

Лаби Ширин ила Узро узоринг,
Қилур Хусравни чун Фарҳоду Вомиқ.

Манингдек жумлани қул қилғай эрдинг,
Вафо қилсанг бегим, ҳуснунгға лойиқ.

Тилаб тобмас эдим итган кўнгулни,
Сабо зулфунгда ногаҳ берди солиқ.

Ажунда истадим бисёр ҳамдам,
Ғамингтек топмадим ёри мувофиқ.

Назар қилсун десанг ул сарви озод,
Атойи қил равон тарки алойиқ.



* * *

Санингтек ҳусн ила ҳуру пари йўқ,
Лаби қанду асал, бели ари йўқ.

Хўтан оҳуси боқмас боқишингдек,
Юрушунгтек юрур кабки дари йўқ.

Дилороме, ки нозу шева билмас,
Дарахтедур, ки ҳеч баргу бари йўқ.

Таманно қилмасун ул қошу кўзни,
Ўшул бошким, анинг дарди сари йўқ.

Кўнгулнинг юз туман минг ёрасиндин,
Топилмас ер, ки ғамзанг наштари йўқ.

Юзунго ўхшағай худ шоҳи анжум,
Вале зулфунга ўхшар лашкаре йўқ.

Фироқинг ўтида мискин Атойи,
Эрур парвонае болу пари йўқ.



Эй саодат матлаби, ул орази моҳинг санинг,
Ҳусн афлокинда йўқтур мислу ҳамтойинг санинг.

Каъбайи арбоби ҳожат қошларинг меҳробидур.
Қиблайи аҳли муҳаббат хоки даргоҳинг санинг,

Бу латофатким, паритек сендадур, эй рашки хур,
Гўйё боғи Эрамдур саҳни хиргоҳинг санинг.

Гарчи мен туштум жамолингдин ёмон кўзтек йироқ,
Яхшиким, бечора кўнглум борди ҳамроҳинг санинг.

Хоҳ васлинг бирла тиргуз, хоҳ ўлтур ҳажр ила,
Мен ризо бердим нечукким, бўлса дилхоҳинг санинг.

Ҳожат эрмас ҳазратингда арзи ҳожат айламак,
Чун тажалли кўзгусидур таъби огоҳинг санинг.

Не ажаб етсанг Атойи бир тун ул ой васлина
Ким, ўтар етти фалакдин ҳар саҳар оҳинг санинг.



Керакмас сенсизин жону тириклик,
Афаллоҳ, дарди ҳижрону тириклик.

Лаби лаълинг била сарви равонинг,
Бағишлар оби ҳайвону тириклик.

Рақиблар суҳбати жон завқин элтур,
Хуш эрмас, оре, зиндону тириклик.

Ўлармен бўлмасанг бу шаҳру элда,
Юсуфсиз, яъни Канъону тириклик.

Атойи ўлди, сизга боқи бўлсин,
Жаҳонда то абад жону тириклик.



* * *

Ҳусн боғинда юзунгдек варди ҳамро кўрмадук,
Миср мулкинда лабингтек қанду зебо кўрмадук.

Чину Мочину Хўтанда кўзларингтек раҳмсиз,
Бехато қон тўккучи бир турки яғмо кўрмадук.

Қоматинг болосина бордуқ тамошо қилгали,
Бир бало кўрдуқ таолаллоҳ, ки боло кўрмадук.

Бу улуста хўблар кўрдуқ, вале эй ўзбеки.
Дилраболиқта сизингдек шўхи раъно кўрмадук.

Севгали эй сиймтанлик, кўнгли фулодим сени,
Дунёда тиғи жафодин ўзга қатъо кўрмадук.

Нозанинларда вафоу меҳр бор дерлар, вале
Кўп эшиттук биз дағи бу сўзни аммо кўрмадук.

Десалар не айб Атойининг сўзин дурри ятим
Ким, фироқингда анинг ёшича дарё кўрмадук.



* * *

Эй жафо бобинда маҳкам, суст паймоним манинг,
Қолмади сабр эткали ҳажрингда имконим манинг.

Толъимдиндур бу ким, етмас санингдек ойга,
Кўктин ўткан нолаву фарёду афғоним манинг.

Пироҳандин бўлмасун деб, ногаҳ озурда танинг,
Ўзгаларни этаки куйса, куяр жоним манинг.

Келтурай жонимни меҳмон хаёлингга, вале,
Бу муҳаққар тухфани олғайму меҳмоним манинг.

Қондин иймангай мани ўлтурса кофир кўзларинг,
Ким бу кўнглум бўйнигадур Ҳақ билур қоним манинг.

Сурайи "валлайл" у "вашшамс" ўқуғон кундин бери,
Зулфу рухсоринг бўлубтур куфру иймоним манинг.

Остонингда Атойи кимдурур деб сўрсалар,
Дегасен, бир хоки роҳим, бирла яксоним манинг.



* * *

Эй хаёлинг то абад ҳамрозу йўлдошим манинг,
Қайдаким бўлса аёнинг андадур бошим манинг.

Топмасам васлингниким, ул Нўҳ умридур манга,
Ғарқи тўфон айлағай оламини кўз ёшим манинг.

Эй жафочи тошбағирлиқ, раҳм қилмассен манга,
Куйди, ўртанди ғам ўтинда ичим-тошим манинг.

Тупроғимни кўзга қилгайлар малойик тўтиё,
Хоки роҳинг гар кафанда бўлса, йўлдошим манинг.

Ғаҳ-ғаҳи бошинг учун давлат аёқин сўн манга,
Ҳусннинг нуқлу майиндин масту қаллошим манинг.

Лавҳи кўнглумда юзунг нақшиндин ўзга сезмади,
Суратим тасвир қилғон дамда наққошим манинг.

Кўрса қошингни Атойи, бошласа девоналиқ,
Айб қилма, чун янги ойдур дединг қошим манинг.



Олди кўнгулни бир бути айёри шўх шанг
Ким, ки куфр ўгранур кўзидин кофири фаранг.

Куйдурди ишқи ўтинда юз обрўйни,
Номус елга бордию ҳам хок бўлди нанг.

Баҳредурур гами, ки эрур баҳри оташин,
Қилмас таҳаммул анда магар ошиқи наҳанг.

Ширин даҳони лаззатини эл эшитгали,
Олмас киши шакарни дирамға сотилса танг¹.

Ул қошу кўзни севгали бўлдум нишонае
Отса қароқчи ғамзаси новаки хаданг.

Шарҳи гами фироқ қилур ҳар нафасда най,
Ёди замони васл қилур ҳар тузукда жанг.

Қилмас Атойи қоматидек сарфарозлиқ,
Бўлғил қадамда зулфи менгизлик шикаста ранг.



¹ Танг - тор, сиқик, зич.

б) Бир эшак кўтарадиган юк (тўп).

в) Айил, тортки.

* * *

Эй бегим, то бастайи зулфи сиёҳингмен санинг,
Кўз учиндин мубталойи бир нигоҳингмен санинг.

Куллуғунг бирла жаҳон машҳури бўлдум, оқибат,
Демадинг бир кун "қулим, кел, подшоҳингмен", санинг.

Охир, эй сарви хиромоним, ўтарда лутф этиб,
Бир юзумга бос қадамким, хоки роҳингмен санинг.

Гарчи ўлтурдунг мени, сансиз тирилган жирм учун
Ҳашрда мен ҳам бу кўздин шармисорингмен санинг.

Тири оҳиндин Атойининг ҳазар қил, ҳар кеча,
Мен дуойи субҳ ила гарчи, паноҳингмен санинг.



* * *

Юзунг шамъина мен парвоналардек,
Сочинг занжирина девоналардек.

Бўлубтур ганжи васлинг ҳасратида,
Кўнгулнунг кулбаси вайроналардек.

Кўзунг фикринда ишрат пешаларга,
Топилмас гўшайи майхоналардек.

Юзунг давринда Юсуф достонин,
Ўқурлар ому хос афсоналардек.

Азалдин ошнонгизмен, валекин
Бўлубтурмен букун бегоналардек.

Тузоққа илди кўнглум андалибин,
Гулистон ичра холинг доналардек.

Атойи кўнглининг аҳди бутундур,
Агар синдурсангиз паймоналардек.



* * *

Сўр мени бир кунки, кимдур бу гадойи кўйдек,
Ҳасрат ўтинда кўра олмас рақиблар кўйдек.

Сарви девона на деб, ўхшатқай ўзин бўюнга,
Мунтаҳодур Сидра гар бўлса бу раъно бўйдек.

От учун сурттум сумандек хоки роҳин кўзгаким,
Одамига йўқтурур ҳеч нимае обрўйдек.

Кулли ҳолимни мунажжим кўрди айтур оқибат,
Бўлғуси бир шаҳсувор олинда бошинг гўйдек.

Гар қаро зулфунг қошинда боқса сунбулга кўзум,
Кўзларимнинг дийдасин зору зағанлар ўйдек.

Неча куйдургай манинг бу жузви кўнглимни фироқ,
Куйдум, ўртандим, дағи кул бўлди эмди кўйдек.

Эй кўзи жайрон Атойини эшикдин қовғуча,
Бори ўлтур, сол даме, куюнгда эт қуш тўйдек.



Эй латофат субҳидин толиъ ики чўлпон кўзунг,
Гардиши даври қамарда фитнайи даврон кўзунг.
Икки ёдур қошида пайваста минг новак била,
Не ажаб ҳар бир назарда қилса юз қурбон кўзунг.
Қасди жоним қилғали айнул яқин бўлди манга,
Андаким, боқти йироқтин ноз ила пинҳон кўзунг.
Қайсари Рум ой юзунг, мушкин сочинг хоқони Чин,
Шоҳи Ҳиндустон менгинг, султони Туркистон кўзунг.
Гарчи оҳуйи хўтандур, бехато билмон недин,
Чину Мочин лолазоринда қилур сайрон кўзунг.
Чун тикилди бу манинг жонимға олмай қўймағай,
Ғамза бирла юз манингдек жонни олғон кўзунг.
Ҳар нечаким, телмуруб боқса Атойи мустаҳиқ,
Бир назар қилмас анга Тенгри учун эҳсон кўзунг.



Эй хусн ичинда мулкати бе мунтаҳо санинг,
Меҳру вафо менингдиру жавру жафо санинг.

Оғзинг била музойиқа йўқтур жон устида,
Кўнглум уюнг, бошим садақанг мен гадо санинг.

Жон горат айладинг, кўнгул олдинг, соғинмадинг,
Қайси жафонгни чекмадим, эй бевафо санинг.

Ким севди яхши сўзни, куймади, ўрганмади,
Ишқинг ўти туташмади ялғуз манго санинг.

Ўлтур, ўлай қошингда юзунга боқа-боқа,
Бўлсун ҳаёти Хизр ила умри бақо санинг.

Бас ноумид қилди мени васл йўлидин,
Бегоналардек ўтканинг эй ошно санинг.

Жаврунгни худ Атойи вафоча кўрар вале,
Чиққай жафочиликка отинг халқ аро санинг.



Эй биҳишти жовидон бир лаҳза дийдоринг санинг,
Кавсари мой маийн лаъли шакарборинг санинг.

Ўзгаларда зулфу холи бўлса ҳусн асбобидин,
Маҳзи ҳусну лутф эрур боштин-аёқ боринг санинг.

Бир назарда юз кўнгулни сайд этар оҳу кўзунг,
Мен эмасман ёлғузун жоно гирифторинг санинг.

Бахти гумраҳдинмудур, ё Раб, манга маҳрумлуқ,
Ё магар матлубиға етмас талабгоринг санинг.

Жаври ағёр илкидин жонимға еттим, оҳ-оҳ,
Бандадин ёд айласанг, ёро, Худо ёринг санинг.

Эй кўнгул, сен нотавону кўзлари жон олғучи,
Ўлмайин мушкилга осон бўлса душворинг санинг.

Илғамас лаълингни севган Хизру Исодин сани,
Истамас суҳбатни ҳар ким, бўлса беморинг санинг.

Гар кийиклар нофасинда бўлса қондин мушки Чин,
Лолаву гулдин бутубтур, мушки тоторинг санинг.

Ул юзи гулзорнинг кўнглина бир қилмас асар,
Эй Атойи, тош эритган нолае зоринг санинг.



* * *

Севди хўбларни, айирди хонумонимдин кўнгул,
Ўзга не истар манинг бу қилча жонимдин кўнгул.

Оҳ мен жонимға еттим, жавр чекмактин, нетай,
Зарра меҳр узмас ўшул номехрибонимдин кўнгул.

Бу манинг югрук ёшим розимни элга қилди фош,
Ошкоро қилмади сирри ниҳонимдин кўнгул.

Васли ҳажринг қиссасин бир кун санга шарҳ айлагай,
Чунки воқифдур манинг яхши-ямонимдин кўнгул.

Бўлгали безор мендин ой юзунгнунг меҳрида,
Йил кечар, кечмас манинг бир кун гумонимдин кўнгул.

Битисам бўлғай насиҳатномалар юз "Ганжи панж"¹
Ўзга қилмас Хисрави Ширин дахонимдин кўнгул.

Жон берур маҳбуб учун ошик Атойи, неча сен,
Ҳардам айтурсен айирди хонумонимдин кўнгул.



¹ "Панж ганж" - Низомийнинг "Панж ганж" ("Беш ҳазина") номи билан шуҳрат қозонган "Хамса" сига ишора.

* * *

Ҳажринг гаминда бўлди таним пора-пора қил,
Қилча жонимни ол, дағи дардимга чора қил.

Хуснунг сўзин, юз ўтру десам, юз кўрар десанг,
Ол кўзгу, сунъи Ҳақни ўз-ўзинг назора қил.

Таркиби суратингни қилурда фариштага,
Кўнглунгни Тенгри деди: "санги хора қил".

Дерлар юзунгни ой, шайдониким на билгай кўк,
Ул ой қошинда нетай, мени бир ситора қил.

Гар хокий улсам, ул майи лаълинг хаёлидин,
Ғам тоши бирла, шишайи кўнглумни пора қил.

Қон ютканимни ғунча бикин, эй сабо ели,
Бир субҳидам, ҳикоят ушул гулўзора қил.

Тут ғўшае Атойи, санамлар кўзи бикин,
Соҳибназар бўл, аҳли жаҳондин канора қил.



Эй сипехри хусн ичинда, офтоби безавол,
Шеваву нозу карашма илмида соҳиб камол.

Тубийи жаннатга йўқтур, ҳам ниҳоли Сидрада,
Қоматинг сарвидаким, бордур бу ҳадди эътидол.

Бир кўнгул бор эрди менда, ол ила олдинг ани,
Эмди бир жоним қолибтур, гар ярар они ҳам ол.

Сурати Лавҳу Қалам мавжуд бўлмастин бурун,
Зулфунг эрди сарбасар ҳоли паришонимға дол.

Зулфу рухсоринг асири мулки Ҳиндистону Рум,
Хаттингу лаълинг гадою бандаси тутию бол.

Ёғлиқ ўбтум деб лабини даъви қилгон журмидин,
Фута солди бўйнуға торгар бази кўб инфиол.

Васлин ул ойнинг мунажжимдин Атойи сўрмағил
Ким, фалакта йўқтурур андоқ маҳи фархундафол.



* * *

Бу кўзким сендадур, эй зулфи қаттол,
Тушубтур нозанинлар ичра бир ҳол.

Қачонким тири ғамзангни отарсен.
Бу хокий сори ҳам гоҳи назар сол.

Неча йўқсиз эсам оғзинг ғаминда,
Манга зулфунг хаёлидур қаро мол.

Агар ширин лабингға жон тиларсен,
Турушқони маҳал, бот бўл, равон ол.

Юз олтун айладим, тобмон йўлунгда,
Аёгинг тупроғиндин зарра мисқол.

Кўзунг кўнглум олур юз ол бирла,
Билибтур турк экоч, бу мунча кўп ол.

Сабо чавгони зулфиндин ўтарда,
Атойи кўнглидин сўрким, недур ҳол?



* * *

Гарчи сен бўлдунг манго жавр этмакинг бирла масал,
Ҳоша лиллоҳ, тобса меҳрим зарра нуқсону халал.

Бандамен улким, вафо бобинда дерлар беназир,
Сенсен улким, ҳусн важҳиндин ўқурлар бебадал.

Қуллуғунгга ой битик берди хатингни ёзғали,
Мушкитардин сафҳайи жон узра Хаттоги азал.

Фурқатинг худ мушкиледур, бар саре мушкил бу ким,
Йўқтурур васлингдин ўзга қилса ул мушкилни ҳал.

Қилса эл эдгу амаллар жаннати васлинг учун,
Менда жуз фақру ниёзу масканат йўқтур амал.

Бу ҳаётимдин манга хуштур ўлум жононасиз,
Бир карам айлаб мени ҳажр илкидин қутқор ажал.

Эй Атойи, васлининг тадбирида жой ўйноғил
Ким, муҳаббат бобида сигмас фану макру ҳиял.



Андаким, қилди таваққуъ васли жонондин кўнгул,
Бағрини сув айлади, ювди илик жондин кўнгул.

Куйдум, ўртандим, нетай ул қошу кўзни кўргали,
Келтурур юз фитнани бошимға ҳар ёндин кўнгул.

Киргали жон мулки ичра шаҳри яғмо хўблари,
Тинмади бир лаҳзае торожу толондин кўнгул.

Ёд қилмас зулфу рухсору хатингни кўргали,
Лолау насрину сунбул бирла райҳондин кўнгул.

Лаълингиз ёди била гар ўлса ҳижрон чўлида,
Қонёъ бўлсун ичса бирдам оби ҳайвондин кўнгул.

Эл тилар учмоқ борин, лек жоним булбули,
Зулфи савдосинда узмас "Боғи зоғон"дин кўнгул.

Гар Атойини фалак ўлтурса, тупроқ айласа,
То қиёмат ўзга қилмағай Хиёвондин кўнгул.



* * *

Менгларинг мушки Хўтан ё нуқтаи жондур, бегим?
Энгларинг варди Эрам, ё боғи ризвондур, бегим?

Журъае лаълинг майиндин одамилар жон топар,
Айб эмас сўрмоқ, магар ул оби ҳайвондур, бегим?

Ил мени чавғони зулфунг бирла бир дам гўйтек
Ким, фироқинг илкида ҳолим паришондур бегим.

Бу тириклар сониде тутқон хаёлингдур мени,
Йўқ эса, жонсиз тирилмаклик не имкондур, бегим?

Форати ҳижрон элиндин муфлисубечорамен,
Хони васлингдин карам қил, вақти эҳсондур, бегим.

Ҳар неким Юсуф жамолиндин эшиттук сендадур,
Бу Ҳири шаҳри магарким, мулки Канъондур бегим?

Бу Атойи қулни севдунг деб мени ёзғурмағил,
Ул нечук этсун, кўнгул бир бошқа султондур, бегим.



* * *

Аё гулчеҳралик сарви равоним,
Фидо бўлсун санга жону равоним.
Сулаймон мулкидур ҳам Нўҳ умри,
Санинг бирла кечурган бир замоним.
Агар зулфунг учун чопсанг бошимни,
Юз уюрсам манинг бўйнуғга қоним.
Белинга гарчи бир қилча гумон бор,
Вале оғзингда йўқтур ҳеч гумоним.
Жамолинг оятидур ҳусн ичинда,
Не ҳожат бу менинг шарҳу баёним.
Бу дореким, қўяр жонимга ҳажринг,
Ажаб қолғай менинг ному нишоним.
Юзунг меҳринда жон берди Атойи,
Демадинг бир кун: "ўлди меҳрибоним..."



* * *

Бир назар айла бизга, эй ҳусн ила меҳру моҳ ҳам
Ким, сўрар ўз гадойини лутф ила подшоҳ ҳам.

Бўлма баҳори ҳуснунга фарра, ки бу хазони умр,
Боғи ҳаётта не гуле қўйғуси, не гиёҳ ҳам...

Йўл юрусанг сураар эдим юзума хоки роҳни,
Эмди учар кўзумдин ул юришу хоки роҳ ҳам.

Сўндурур эди ҳажр ўтин, чиқса кўнгулдин оҳи сард,
Оҳ,ки қолмади, нетай эмди, мажоли оҳ ҳам...

Соия зулфунгузни сиз тутмангиз ойдин дариф
Ким, икки дунёда анго нисбати давру паноҳ ҳам.



* * *

Алминнату лиллоҳ, ки яна ёрни кўрдум,
Жон ҳамнафаси, маҳрами асрорни кўрдум.
Бахтим, магар уйғонди оғир уйқусиндинким,
Меҳнат ёнгилиб, давлати бедорни кўрдим.
Умрим чамани ичра яна ёз очилди,
Ким, ул бўйи сарву, юзи гулнорни кўрдум.
Зоҳид манга арз айламасун боғу жинонин,
Жаннатни нетай, эмдики дийдорни кўрдум.
Не сабр кўнгул илкида қолди, не таҳаммул,
Қандин мен ушул қомату рафторни кўрдум.
Қон ила бағир не, тикан ур, икки кўзумга,
Сенсиз, не учун лолайи гулзорни кўрдум,
Бутмон десалар ғамзанг ўқининг ёрасиндин,
Бу хаста Атойи киби афғорни кўрдум.



* * *

Аёқинг тупроғи бирла қасамким,
Манга сенсиз пари қайси, санам ким?

Қўнгул матлуби ҳуснунгдур манга бас,
Вафо ё жуду ё зулму ситамким.

Жамолинг партавидур жумла олам,
Куништу дайр, ё Байт ул-ҳарам ким.

Чу йўқтур Вожиби мутлақдин ўзга,
Вужуди мумкину баҳси адамким.

Аҳаддур аслу фаръи жумла аъдод,
Ҳисоби беадад бисёру камким.

Набий қавли била инсондин ўзга,
Маҳалли Аршу Курсию Қалам ким?!

Бу кун куюнгда итлар зумрасинда,
Атойитек азизу муҳтарам ким?!



* * *

Десангким: "жон сипар қилғил, Отойим!"
Турубмен ушмунок, ўлдур, от, ойим!

Кулунгмен сақласанг жоним боринча,
Агар сақламасанг, сен бил, сот ойим!

Неча сархуш эсанг хуснунг майиндин,
Вафо жоми майиндин ҳам тот ойим!

Бақосиздур бу беш кун умри фоний,
Бақойин ой юзунга бот-бот, ойим,

Фалактин ўткарурмен меҳринг ўқин,
Десангким: "қайдасен, оё, Отойим?"



* * *

Эй гаму дардинг санинг икки жаҳондин ҳосилим,
Сен боринда кимга айтай қиссайи дарди дилим?

Тўққуз айвони фалактин бўлди мустағний кўнгул,
То эшикта итларинг бирла бўлубтур манзилим.

Ҳақ таъоло хоки одамни яратмасдин бурун,
Парвариш топти санинг ишқинг била обу гилим.

Эй сочинг мушк айлади зулфунг доми кўнглум қушин,
Тонг елидин ҳал магар бўлғой менинг бу мушкилим?

Лабларинг васфиндин ўзга сўзласам оғзим тўла,
Оби ҳайвон бўлса ул сўз журмидин кесгил тилим.

Қулларингнинг қуллуғин бирла қилурмен ифтихор,
Гар қабул этсанг зиҳи фархунда бахти муқбилим.

Қилди девона Атойи, кўзлари сархуш кўзунг,
Эй лаби лаълу майиндин усруку лояъқилим.



Хаста кўнглумдин хаёлинг бир замон кетмас, бегим,
Нечаким, васлинг этакига кўлум етмас, бегим.

Нетайин, дармонда бўлдум мен бу кўнглум илкида,
Сенсизин ҳеч ерда бир лаҳза қарор этмас, бегим.

Гарчи сен дашном этарсен, мен дуочимен санга,
Ошиқи содиқ жафодин анлини четмас, бегим.

Сен мени таъзим этиб қуллар сонинда тутмагил,
Итларинг хайлинда бўлсам, не манга етмас, бегим,

Таънадин қовмас Атойини эшикингдин рақиб,
Ҳеч гадой ит урса¹ эшикни кўюб кетмас, бегим.



¹ Урса - хурса.

* * *

То кўнгулда оразинг нақшин мусаввар айладим,
Аксидин жон хилватин ҳар дам мунаввар айладим.

Кўп узун тун то саҳаргаҳ сочларинг авсофида,
Мажлиси ошифта дилларни муаттар айладим.

Қанди лаълинг шарбатиндин бер дедим бйр чошне,
Эй афаллоҳ, сен кечургилким, муқаррар айладим.

Бир варақ олтун юзумни хатти-мушкининг учун,
Риштайи сиймин ашким бирла мусаттар айладим.

Ҳар киши аҳди азалда қилди бир ишни қабул,
Мен кўнгулда ой юзунг меҳрин муқаррар айладим.

Нечаким афгон қилурмен толиъим қилмас назар,
Гўйе бахтим қулоғин ноладин кар айладим.

Ўзгалар нафсу ҳаводин қилса хўбларға назар,
Мен Атойитек ўзумни руҳпарвар айладим.



Эй бәсе шайдо кўнгуллар қибласи қошинг, бегим,
Бир назар қил кўз учундин бизга ўз бошинг бегим.

Қилни икки ёрмишу қилмиш азалда бир қалам,
Белингиз тасвирини қилғонда накқошинг бегим.

Сунбулу райҳон сочингиз қўллари дур боғлиқ,
Ҳам тўлун ой эртаки доғлиқ қаро дошинг бегим.

Гар қаро зулфунг учун юз мендек ўлса бок эмас,
Сен тирик бўл то абад бўлсун узун ёшинг бегим.

Кирпиким жоруб этай, юзумни хокандоз ҳам,
Гар қабул этса мени қуллуққа фаррошинг бегим,

Кўргали усрук кўзунгни савмаъа зоҳидлари,
Бўлдилар барча Атойи, масту авбошинг бегим.



* * *

Эй ғаму дардинг санинг пайваста айшу ишратим,
Меҳри васлинг бирла йўғрулди азалда тийнатим.

Ҳар намозимда менинг кофирға исломим агар,
Зулфу холинг қуллуғиндин ўзга бўлса нийятим.

Эшикингда ит мени кўрди, рақибдек қовлади,
Давлатингда кўр не ерга етти иззат-ҳурматим.

Гоҳ-гоҳи эл кўруб ҳуснунгни ҳайрон бўлсалар,
Мен сени кўрган сайин ортар бурунги ҳайратим.

Фурқатингда ўртар эрди бу заиф кўнглумни оҳ,
Оҳ, эмди қолмади, оҳ урғали ҳам қувватим.

"Қил биҳил, ўлсанг Атойи, ҳасратим бирла" дема,
Гар санинг ишқинг била ўлсам, зиҳи хуш давлатим.



Ҳажрингда бегим "оҳ!" дегумдур, дағи ўлгум,
"Ёд айлагил, эй шоҳ!" дегумдур, дағи ўлгум.

Охир дам агар арзаи қил имон десалар, мен,
"Имоним ўшал моҳ!" дегумдур, дағи ўлгум.

Сўрса малакулмавт: "Санга ҳур керак?" деб,
"Йўқ-йўқ, манга дилхоҳ!" дегумдур, дағи ўлгум.

Эй хирмани гул, дунёда сен боқи бўл, ўлсам,
"Бўлсун садақанг гоҳ!" дегумдур, дағи ўлгум.

Жаннатдаким, эл анда бўлур зиндаи жовид,
Сенсиз ани "ғамгоҳ" дегумдур, дағи ўлгум.

Хўблар нечаким, тутмасалар вақти васият,
"Мендин бўлунг огоҳ!" дегумдур, дағи ўлгум.

Ишқингда Атойи ўладур, бўлғуси то ҳашр,
"Руҳи санга ҳамроҳ" дегумдур дағи ўлгум.



Гарчи ўлтурди мени, ғам бирла ҳижронинг бегим,
Тенгри бўлсун қайдаким, бўлсанг, ниғаҳбонинг бегим.

Киприкингнинг ўқлари жонимдин ортуқдур манга,
Бутмасанг бағримни ёр, боқ ушта пайконинг бегим.

Баъдазин гар ойу кун туғмаса йўқтур эҳтиёж,
Қилди оламини мунаввар икки чўлпонинг бегим.

Суратингни бир туё кўрмай, қилурсан қасди жон,
Бас, не маънидин эди кўнглумни олғонинг бегим.

Ақли йўқ ҳайвондурур, ё фаҳму ҳисси йўқ жамод,
Кимки ҳуснунгни кўруб, бўлмаса ҳайронинг бегим.

Моҳитобон ҳар кеча кўктин солур ерга ўзин,
Етгали сархушлуғунгда ерга тобонинг бегим.

Оғзига олмас Атойи, Хисраву Ширин сўзин,
Сўргали лутф айлаб они шаккаристонинг бегим.



Не июятсиз манга, жонони тақсир айладим,
Жонга еттим қайғудин, оёни тақсир айладим.

Баски фикр эттим гуноҳимни, узун тун то сахар,
Тутти кўнглумни ғаму савдони тақсир айладим.

Ақлу ҳушум, зикру фикримда таманно ўзгани
Қилмадим, бир лаҳзайи ҳаққони тақсир айладим.

Сиз ҳамон рухсораси лола бегимсиз, қадди сарв,
Қуллуғунгда мен ҳамон лолони тақсир айладим.

Банданинг ҳаққидағи анвои лутфунгдин бурун,
Эмди йўқтур бири ҳам пайдони тақсир айладим.

Хидматингда ўзгалар аъло маротибқа етиб,
Барчадин бўлди бу қул аднони тақсир айладим.

Дер Атойи ҳасратингда ҳар замон юз оҳ уруб,
Ёд қилмассен мени, ёрони тақсир айладим.



* * *

Қиё боқсанг, аё хўбларға махдум,
Кўяр Ҳинд эли хонин Хисрави Рум.

Нечаким, хуни ноҳақ қилди оғзинг,
Кичикликтин дедилар барча маъсум.

Қани дод, эй малоҳат мулки шоҳи,
Ки ҳажринг зулми қилди бизни мазлум.

Даме, эй илми дилбарлиқта доно,
Бу кўнглум ҳолидин қил зарра маълум.

Не деб, эй раҳми йўқ қаттиқ кўнгуллуқ,
Мазорим бошиға маржуму марҳум?

Каломий сўзламас оғзинг қошинда,
Магарким, лафзу ҳам баҳси маъдум.

Қулоқ солсанг Атойи сўзларига,
Нисор этгай сенга юз дурри манзум.



Қилдим ҳавас лабинг уза ширин наботтин,
Ювдум иликни кавсару оби ҳаёттин.

Оғзингда муъжиз оятини Исо кўруб зиёд,
Биздин қочиб ёшунди кўк ичра уёттин.

Сен ҳусн ила ғанисену мен мустаҳиқ фақир,
Йилларда бир назар манга охир закоттин.

Ҳажринг чўлида сувсаб ўлармен, вале не суд?
Ҳар неча кўз ёшим оқар ортуқ Фироттин.

Маҳбуб васласинда ўқурмен муҳиб сўзи,
Қатъи тааллуқ этмагуча коиноттин.

Зинҳор ишқ ишини ўсал тутма, эй кўнгул,
Осони мушкил эрур анинг мушкилоттин.

Чун сифлалар насиби булубтур ҳар оту тўн учун,
Кел, хирқа кий Атойи, равон бўл Ҳироттин.



* * *

Соқийё, келтур майи гулгун, ки хуш дамдур бу кун,
Олами фархундаи наврӯзи оламдур бу кун.

Накҳати боди сабодин топти ўлганлар ҳаёт,
Ҳаббазо боди сабо, Ийсои Марямдур бу кун.

Қомати гулбун чаманлар саҳнида таъзим учун,
Соқийи гулрух бикин сарв онлида ҳамдур бу кун.

Ер юзинда гулшану боғу баҳору боғча,
Гунбази хазро менгизлик сабзу хуррамдур бу кун,

Ҳар кишигаким муяссардур париваш ёр ила,
Журъае нўш айламас, ҳошоки одамдур бу кун,

Кимгаким бўлса сафоли бирла майдин журъае,
Ушбу тўққуз шишадин кўнглига не ғамдур бу кун.

Салсабилу кавсару моу маин келтурсалар,
Жоми май мажлисда барчадин муқаддамдур бу кун.

Кел, даме майхонанинг байтулҳаромин қил тавоф
Ким, санамлар лаълидин май - оби Замзамдур бу кун.

Эй Атои, бўлма ғофил, бир нафас ҳамдам тила,
Умрни ҳамдам кечурмаклик басы камдур бу кун.



* * *

Оғзингизким, қилди ихё оби ҳайвон суратин,
Бир табассумда адамдин кўргузур жон суратин.

Сиз малаксизким, ўқурлар сизга то зоҳид башар,
Йўқ эса бу важҳ ила ким кўрди инсон суратин.

Қошингизга ўшатайин деб юрур бир ой тамом,
Айлар охир бир ҳилоле моҳи тобон суратин.

Ҳажрингизда кўз ёшимни кўрмагунча сизмади,
Бир мусаввир Дажлаву Жайҳунда уммон суратин.

Ушбу юзни Юсуфи Канъон дегайлар Миср эли,
Кўрсалар чоҳи занахдонинда зиндон суратин.

Эй мусаввир, сизсанг ул Лайли сифатлик шаклини,
Сизгасен онлинда мен Мажнуни ҳайрон суратин.

Йўқтурур икки кўзи кўрса Атойини рақиб,
Худ кўра олмас бале, кофир мусулмон суратин.



Эй, офтоб зарра, юзунг тўлун ойидин,
Бошимга соя қил қаро зулфунг ҳумойидин.
Ҳайраттамен, ки боқмай ўтарсен манинг сори,
Султон аяр бўлурму закот ўз гадойидин.
Ер-кўкни Ҳақ ёротқали бу дори дунёга,
Ҳури санингча келмади жаннат саройидин.
Гул мунфаил десам юзунг олинда, важҳи бор,
Ранги хижолати билинур, хўву чиройидин.
Рустам агар тирилса букун торта олмағай,
Жавре, ки мен чекармен анинг қоши ёйидин.
Каҳҳол тортма сурма била тўтиёниким,
Басдур кўзумга зарра анинг хоки пойидин.
Ул юзи ойдин чу айирдинг жафо била.
Билмон фалак, яна не тиларсен Атойидин?



* * *

Бу субҳ йўлуқти манга бир кўзлари чўлпон,
Туртунчи фалак эрди аморисиға¹ ҳайрон.

Хуршид эди ул машриқи ҳусн эрди муҳофа²,
Юлдуз киби чиб-чеврасида юз маҳи тобон.

Кўрдум қошида баски парилар йиғилибтур,
Дедимки: "Будур, албата Билқису Сулаймон!"

Гулгун отининг наълини кўзгу қилалик деб,
Ҳусн-эли кезарлар йўлида ҳар бири бир ён.

Жайрон кўзининг ҳасратида мискин Атойи,
Тун-кун кезар итлар киби саҳрову биёбон.



¹ *Амори* - одам ташиш учун туя ёки филга ортилган кажава.

² *Муҳофа* - 1. аёлларни ташиб юрадиган, атрофи ўралган кажава.
2. ўлик солиб кўтарадиган тобут.

* * *

Сахар оҳиста ғамдин оҳ дермен,
Киши англомасун ногоҳ дермен.

Ўзумни бир гадойи кўй ўкурмен,
Сени ҳусн ўрдасинда шоҳ дермен.

Сен ул гул хирманисенким, қошингда
Гулистони эрамни коҳ дермен.

Бу йўлсизни кечур, ҳаддимни билмай,
Йўлунгда банда хоки роҳ дермен.

Мен ўлганни лабинг тиргузди лобуд,
Ани Исойи руҳуллоҳ дермен.

Кулунгдур анли доғлиқ моҳи гардун,
Сени бу важҳ ила мен моҳ дермен.

Атойи қул гадойимдур демишсен,
Бегим, лутфунгга "шайъан лиллоҳ" дермен.



* * *

Барча мискину фақиру бекасу бехеш учун,
Боқи тутсун Тенгри сизни хоса мен дарвеш учун.
Ўзни ўлтурмак муслмонлиқдин эрмастур, вале,
Мен ўзумни ўлтурай сен турки кофиркеш учун.
Бо вужуди бу жамол истар вафо сендин кўнгул,
Ваҳ не тадбир айлайин мен бу мажол андеш учун.
Ёдгори ёр эрур бағримдағи решим манинг,
Марҳам эй жарроҳ, қўйма бу ўнголмас реш учун,
Васл нўши дунёда бўлмас Атойи нешсиз,
Жони мажруҳунгни сақла, ошиқ эрсанг нўш учун.



Шаммайи шарҳ айласам тобуғда ҳижрон қиссасин,
Сен дегайсенким, ўқуйдур пири Канъон қиссасин.

Фурқатингда кўз ёшимни қиссахонлар кўргали,
Ўқумаслар мажлиси маҳфилда тўфон қиссасин.

Тўкти қонимни лабинг, мен сўрмадим андин даме,
Чун сўрулмас қозийи ишқ онлинда қон қиссасин.

Сен бути Чин ишқида ҳолимни айб этган киши,
"Мантикут-тайр" ичра кўрсун Шайхи Санъон қиссасин.

Сунбули зулфиндин ўтсанг, эй сабо, Тенгри учун,
Арза қилгайсен Атойининг паришон қиссасин.



* * *

Қайғудин бўлдум адам, ҳеч топмадим ком оғзидин,
Ваҳ не давлаттур буким, жон касб этар жом оғзидин.

Кўзлари юз ҳарф урар ошиқ била ҳар ғамзада,
Билмасун деб сиррин эл чиқмас вале лом оғзидин.

Йўқтурур гул гунчанинг ҳадди табассум қилғоли.
Гар сабо келтурмаса ҳар субҳ пайғом оғзидин.

Чун кичикларнинг гуноҳин Тенгри сўрмас, банда ҳам,
Сўрмайин дермен дуо гар келса дашном оғзидин.

Тошбағирлик хўблар меҳрин Атойи тут ниҳон,
Хос кўнглунгда лабу санг айлайин ом оғзидин.



* * *

Қон боғлади лаълинг ҳавасиндин жигар, эй жон,
Охир кўз учиндин манга бир дам назар, эй жон.

Сен бир тўлун ойсен, не ажабтур санга етмас,
Гардундин ўтар нолаву оҳим саҳар, эй жон.

Оғзингда сўруб билмадук илло, қил учинча,
Белинга тилаб топмадук, илло камар, эй жон.

Ўлган кишини тиргузадур бир нафас ичра,
Исо деган эл лаъли лабингдур магар, эй жон.

Гесу бикин эграшти сени кечаву кундуз,
Оҳим тутуниндин нафасе қил ҳазар, эй жон.

Ширин дудоғинг хидмати на белини боғлаб,
Йиллар югуруб топмади сизни шакар, эй жон,

Жонин манга топшурди, доғи борди Атойи,
Қил тарбиятдин боре ўтарда гузар, эй жон.



* * *

Сенсиз, эй лаби чашмайи ҳайвон, нетайин мен,
Ўртанди фироқинг ўтида жон, нетайин мен.

Қайда борайин, кимга дейин дарди дилимни,
Бўлди жигарим ҳасрат ила қон, нетайин мен.

Поёни бўлур дунёда барча ниманингқи,
Йўқтур бу санинг дардинга дармон, нетайин мен.

Мажнуни гирифтор бикин Лайли ғамида,
Неча кезайин бе сару сомон нетайин мен.

Зулфунгки, узун тунлар анинг фикридадурмен,
Бир шом манга бўлмади меҳмон, нетайин мен.

Кўп жавру жафолар манга қилдинг, вале кўнглунг,
Бўлмас биридин зарра пушаймон, нетайин мен.



* * *

Ҳикоят қиссайи Юсуф юзунг ҳусну жамолиндин,
Масиху Хизр эъжози аён лаълинг зулолиндин.

Не ширин ўғридур оғзинг, олиб кўнглумни туйғунча,
Ёшунди ҳар неча сўрсам, топилмас инфиолиндин.

Жамолинг офтобидур, фалак куйдурмас уштаким,
Илоҳим сақласун даври қамар айнул-камолиндин,

Кўнгул чавғони зулфунгга муқайяд бўлгали чун гўй,
Берурлар Чиндаки гоҳи хабар ошуфта ҳолиндин.

Беҳишти Адн ичиндаким, укарлар шохи Тубини,
Мисоли беш эмастур бир буюнг сарви ниҳолиндин.

Янгоғинг нори ёнинда не турфа сабзадурким, жон,
Неча ёлина ўртайдур ани юз ўту ёлиндин,

Атойи шеъри чун бўлди лабинг вафсинда бас нозик,
Ёйилди сўз бисотида анинг зеҳни камолиндин.



Эй боди сабо, ўтсанг ўшул зулфи дутодин,
Ёд айла мени бастайи занжири балодин.

Рухсораву зулфунгга мени қилди муқайяд,
Мактабда чу фарқ этти кўнгул оқни қародин.

Ҳаргиз қадамингдин қадаре кетмагай эрдим,
Бошимга йироқлиқ нетайин тушти қазодин.

Мен қолдиму ишқинг доғи бир гўшайи кўнглум,
Юз шукр, ки жон дарди сари кетти ародин.

Хуршед бикин дунёни ҳуснунг тутар эрди,
Кўнглунгда агар бўлса эди зарра вафодин.

Ҳар нечаки маҳбуб жафо қилса муҳибнинг,
Йўқтур иши жуз қуллуку таслиму ризодин.

Доруни Атойиға табиб айлама зойеъ,
Хўблар ғамида ўтти анинг дарди даводин.



* * *

Эй кўнгул, тутгил, ўшал соҳибназарлар миллатин,
Кўзга илмаслар фароғаттин Сулаймон мулкатин.

Бода ич, тут гўшае, хўблар кўзидек фориф ул,
Тотма оту тўн учун бу тўққиз айвон миннатин.

Фақр ичинда подшолар бор сипоҳу тахт ила
Ким, урурлар қудсилар кўкда уларнинг навбатин.

Порсо майхораларни хор кўрма асруким,
Тенгридин ўзга киши билмас аларнинг нийятин.

Қозийи ишқ олида ул муҳтасиб қони ҳалол,
Сақлар ўз номусинию, сақламас май ҳурматин.

Эй саховат даъви қилғон жумла ному нанг учун,
Кел, даме майхонада кўргил гадолар ҳимматин.

Гар фалак фарёдинга етмас Атойи кел тила,
Ҳақ таолодин Муҳаммад Жўки султон давлатин.



Уза билмон кўнгулни хўблардин,
Тану жондин азиз маҳбублардин.

Кўнгул то бўлди васлингга гирифтор,
Узулди жумлайи матлублардин.

Лабинг шавқинда ҳар хатким битармен,
Ўқурда қон томар мактублардин.

Кўнгуллар лашкарин султони ишқинг,
Қилур бир ҳамлада мағлублардин.

Халойиқ кўп турур Канъонда, лекин
Сўрунг Юсуф сўзин Яъқублардин.

Мударрис, ориф ўл, қил журм ҳосил,
Неча дафъи важҳу мансублардин.

Чу билдинг оғзидин ваҳдат румузин,
Атойи қатъ қил маҳжублардин.



* * *

Кўзум то кўрди зулфининг камандин,
Кўнгул бўйнуумға солди ишқ бандин.

Сўрар рухсорингизни кўрса савсан:
"Не зебо лоладур?" - деб настариндин.

Не билсун туби севган паст ҳиммат,
Санинг бу қоматинг сарви баландин.

Жамолинг инфиюлиндин қизил гул,
Қаро бошин олиб кетти чамандин.

Агар жон суратин кўрмак тиларсен,
Кўрунг ул танни нозук пираҳандин.

Мени Тенгрим яратса бир катоне,
Ки файз олсам ўшул ширин бадандин.

Атойи ҳуснунг ойин васф қилди,
Малоҳат бирла ким, дегайлар ондин.



* * *

Эй нури дийда, сенсиз анга нур бўлмасун,
Ҳеч кўз жаҳонда берухи Мансур бўлмасун.

Валлоҳ агар хаёлинг учун бўлмаса ватан,
Ҳаргиз кўнгул харобида маъмур бўлмасун.

Жаннатта гар тажаллии ҳуснунгни кўрмасам,
Кавсар суйи сўғолсуну ҳам ҳур бўлмасун.

Жон сурати танингким, эрур жон аросида,
Пайваста Ҳақ амонида ранжур бўлмасун.

Бу ҳусну бу жамолу латофат била сени
Ким, ноз қилмасун деру маъзур бўлмасун.

Кўз ёши бирла боди сабо қилди сиррини фош,
Жаҳд айладим, бу мунчаки машҳур бўлмасун.

Солди кўнгул Атойини хўблар балосина,
Ҳеч кимса кўнгли амрина маъмур бўлмасун.



Бо вужуди оразинг барги сумандин ким десун?
Лоладин ким сўзласун, ҳам настарандин ким десун?
Дунёни тутти санинг хуснунг била дардим сўзи,
Юсуфу Яъқуб ила байтул ҳазандин ким десун?
Лаълингиз бирла дам урмас зарраи саррофи ақл,
Оре яхши бор экан, асли ямондин ким десун?
То висолингдин йироқмен, ёвумас ҳеч ким манга,
Жойе ўлдур, айб эмас, жонсиз бадандин ким десун?
Зулфу холингдин муаттар бўлди олам, баъдазин
Нофайи оҳую тотору Хўтандин ким десун?
Макру фан айлаб мени, сайд этти дерлар эл сени,
Мен азалдин мубталомен, макру фандин ким десун?
Эшикиндаким, шаҳаншоҳларга анда бор йўқ,
Бу Атойидек гадойи беватандин ким десун?



* * *

Бўлғали оғзинг масиҳи ғайб мулкиндин аён,
Хизрнинг оби ҳаёти тортадур зулматда жон.

Гар исиргонсанг юз узра зулфи пуртобингни ёз,
Барги гул устинда хуштур, чатри сунбул соябон.

Йилда бир қатла кўрунур, зарра чиқмас боғдин,
Ўғрилиқ қилғон учун ранги лабингдин арғувон.

Кўр хаёли нозикинким, ўзига ёрлиқ атаб,
Гоҳ оғзингни ўпар, гоҳи иликингни катон.

Эй кўнгул, ул сиймтан васлин қилур бўлсанг ҳавас,
Қил юзунг олтунини ғам бўтасинда имтиҳон.

Қоматинг сарвин агар шамшоди мискин кўрмаса,
Тутмағай эрди уётгин бешайи Мозандарон.

Лаълидин бағринг қонин ҳардам Атойи сўрмаким,
Чун аримас ҳар нечаким, ювсалар қон бирла қон.



* * *

Нечаки, тарк эта билмон санга вафо ҳавосин,
Менинг ҳаққимда қилурсин ҳамин жафо ҳавосин.

Кўнгул сочингни дуода тилар узун тунлар,
Магар, ки раҳмати савдо қилур бало ҳавосин.

Юзунгни кўрдуму қилдим қошинга шукру дуо,
Киши, ки Каъбани кўрса қилур дуо ҳавосин.

Ўшалки, ҳусн элини севди оқибат мендек,
Гар ўлса дард ила қилмас даме даво ҳавосин.

Рақиб кўйида йўл бер манго барҳамантек,
Яна қилур дилу кўнглум калисо ҳавосин.

Ҳасад ер ул кишиким, бу сипеҳри атласпўш,
Кўёр ҳариру, қилур шолу бўриё ҳавосин.

Атойи сен каби султон висолин орзу қилур,
Тафарруж айла, агар марде бу гадо ҳавосин.



* * *

То мусаввар бўлди нақшинг хомайи тақдирдин,
Йиғди хижлатдин илик наққоши Чин тасвирдин.

Бора-бора кўйунгизда бўлди олтундек юзим,
Бор магар тупроғида хосияти иксирдин.

Кўзларингни туш кўруб, сўрсам муаббир дер манга:
"Бу тушунг таъбирини сўр, соҳири Кашмирдин".

Ваҳ не мусҳафдур юзунг ким, кашфи "Кашшоф" айлади,
Хатм қилди, кўргач они дарсу ҳам тафсирдин.

Уйқуға ҳамсоялар муҳтождурлар ҳар кеча,
Баски, тинмасмен фиғону нолайи шабгирдин.

Бу манинг кўнглумдаги ишқ оғриғидур, эй табиб,
Кўй даво тадбириниким, ўтти иш тадбирдин.



Эй сарви ноз, қайси чаман гульзорисен?
Бу шева бирла жону кўнгул ихтиёрисен.

Бу қомату бу юз била Фирдавс боғининг,
Туби ниҳоли бирла гулу лозорисен.

Умредурур, ки сайд бўлубмен камандинга,
Бир сўрмадинг не бўлди, ки кимнинг шикорисен?

Даъво қилур муҳаббати ишқингни оламе,
То қайси бахту толеъи фархунда ёрисен.

Нозук иликларингга нигор эҳтиёж эмас,
Боштин аёқ чу ҳусну латофат нигорисен.

Усрук кўзунг карашмада ҳар лаҳза қон тўкар,
Эй турки шергир, не майдон суворисен.

Дурдек Атойи ҳалкабағўше бўлай десанг,
Қил, кўз ёшингни ҳар дам ул ойнинг нисорисен,



Эй жамолинг равзасиндин мунфаил хулди барин,
Шаккар оғзинг чашмасинда Хизру Исо ҳамнишин.

Хирмани умрумни елга бергусидур оқибат,
Кўзларинг қошинда холинг донаси айнул яқин.

Бир кеча ой бош қўяр олтун бўсоғингга санинг,
Гар инонмаслар далил уш олида нури жабин.

Эл ўлукни ёд этарлар гаҳ-гаҳи такбир ила,
Эй тириклик ҳосили сен мени аввалдай соғин.

Бехато куффор элига дину иймондин берур,
Эҳтироз этмас киши кофир кўзунг яғмосидин.

Рашк элинда қон ютар жоним суроҳидек мудом,
Дам-бадам ўпса пиёла нозанинларнинг лабин.

Чун Атойи топти ёрин, жон ародин чиқ равон,
"Ли мааллоҳ" қурбида ҳожат эмас Рухул Амин.



Эй жафочи, мен сени севдум, ки жонон бўлғасен,
Билмадим, мундоқ вафосиз, душмани жон бўлғасен.

Мурни озурда қилма, хосса ошиқ кўнглини,
Ҳусн мулкинда тиларсанким, Сулаймон бўлғасен.

Қолмади сабру қарорим, оқ уй ичра ҳар замон,
Кўзларимнинг мардумидек неча пинҳон бўлғасен.

Жумла олам қоматингдин ўгранурлар ростлиқ,
Ҳайф эмаским, сен мунунгдек аҳди ёлғон бўлғасен.

Ўлтурурсан бизни, яъни нақди ҳуснум севди деб,
Бу зиёндур қилмағил, охир пушаймон бўлғасен.

Гар мени ҳажр оғриғи ўлтурса ҳам, келмас сўра,
Ногаҳон раҳминг келиб, ҳолимға пазмон бўлғасен.



* * *

Эй турфа парисен, не ажаб одамидурсен,
Хар қайдаки бор жону кўнгул, ҳамдамидурсен.
Кирпикларинг ўқи яра қилган юрагимни,
Бир боқмоқ ила кўз учидин марҳамидурсен.
Кўнглум ўйида ўзгаларга бермагаймен ер,
Чун дуняда сен ушбу ҳарам маҳрамидурсен.
Кўрклуб кишилар илмидурур худ кўнгул олмоқ,
Бу фанда вале, сен барининг аъламидурсен.
Эй ғам, агар ўлтурсанг Атойини ёзуқсиз,
Нетсун, не десун, чун севарининг ғамидурсен.



* * *

Ўшалким, журъе ичти, майи васли нигориндин,
Фалак ичрур анга қонлар базе ҳижрон ҳумориндин.

Не дилбардин вафо бир дам, не ёр ҳамнишин, ҳамдам,
Тугунилди бу дил пурғам, жаҳоннинг қору бориндин.

Нечаким ихтиёр эттим, санга ҳолимни сўзлай деб,
Вале ақлим сени кўргач, кетар ўз ихтиёриндин.

Бўюнгни нахли ҳавосинда чу бўлди ҳимматим оли,
Маозаллоҳ! Ки ёд этсам чаман сарву чинориндин.

Раводур ҳажр хориндин, чу булбул бағри шишланса,
Шикоят бирла тил очған киши ул гулӯзориндин.

Кўнгул зулфунгдин узмен деб қарор этти, кўзунг бирла,
Қарорсун, гар ёнар бўлса ўзи қилған қарориндан.

Юзунг ишқинда жон берди Атойи хори ғам бирла,
Ажаб эрмас, агар бутса, гули раҳмат мазориндин.



* * *

Нечаким, дилбар мени куйдурди ҳижрон норидин,
Ҳоша лиллоҳким, шикоят қилсам онинг соридин.

Ишқ мисринда азиз ўлмас Зулайхотек киши,
Кечмайин Юсуф учун номусу нангу оридин.

Кўзларинг гар тўкса қоним, жон анга бўлсун фидо
Ким, жафо айни вафодур ёрға севган ёридин.

Мен нетай боғи биҳишту қасри хулду ҳурни,
Чун манга бирдам висолинг яхшироқтур боридин.

Ошиқ эрмас ул муҳаввиским, тилар зар бирла васл,
Ошиқ улдурким, висолинг нақдин истар зоридин.

То сабо зулфунг насимин Чин элинда ёйғали,
Мушк савдоси кесилди шаҳри Чин атторидин.

Гар Атойидин муҳаббатнинг нишонин истасанг,
Кирпигинг ўқин чиқорғай сийнайи афгоридин.



* * *

Жонга тегадур жафойи ҳижрон,
Кимдин тилайин давойи ҳижрон.

Йўқтур киши кўз ёшимдин ўзга,
Қилсам анго можаройи ҳижрон.

Ҳижрон демангиз санам фироқин,
Ул ўлмак эрур, чи жойи ҳижрон?

Дўзах сифатин, ки қилди воъиз,
Валлоҳ эмас ул варойи ҳижрон.

Шод эрди кўнгул висоли бирла,
Бўлди ғам илан гадойи ҳижрон.

Ҳар кимни, ки соф васл усуртур,
Махмур этар они лойи ҳижрон.

Ушшоқ ғамин Атойидин сўр,
Дерлар они найнавойи ҳижрон.



* * *

Юзунг хурshedтект тобанда бұлсун,
Жамолинг то абад поянда бұлсун.

Такаллум қил, сочилсун дурри гавҳар,
Табассум қил, жаҳон пурханда бұлсун.

Юзунгдин бурқаъ олғил, бир замоне,
Уёлсун ою кун шарманда бұлсун.

Мени ўлтургали ғамзанг қиличи,
Кўзунгдек кофири бурранда бұлсун.

Пари рухсораларнинг Хисрависен,
Сенингтект жони ширин, қанда бұлсун?

Агар ўлсам тиларман Тенгридин ким,
Ғаминг жонимға, дардинг танда бұлсин.

"Фалоне кулларимдиндур" демушсен,
Атойи, ушбу сўзга банда бұлсун.



* * *

Эй азалдин ҳамнафас дардинг била жони ҳазин,
Ҳожат эрмастур санга арз айламак кўнглум ғамин.

Куфру иймон оятининг шарҳини соҳибназар,
Кўзларинг оқу қаросинда кўрар айнун-яқин.

Нозу шева бирла хўблар дунёда кўптур, вале,
Йўқ санингтеқ шевази пурфитна, нози нозанин,

Хаста кўнглум қошларинг ёсина қурбон бўлғали,
Кўзларинг ҳар гўшадин жон қасдиға қилди камин,

Беқарор эрсам фироқинг дардидин, айб этмаким,
Мен заифи нотавондин сабр қилмоқлик ҳамин,

Эмдиким, лаълинг хаёли бирла ўсрукмен мудом,
Бода гар оби ҳаёт ўлса, керакмас баъдазин.

"Ёр ғамин тарк эт, Атойи!" дерсен, эй носих, вале,
Тарк этарму одаме, ҳаргиз қадимий ҳамдамин!



Эй пари пайкар санам, сен насли одамдинмусен,
Ё малак, ё хур, ё руҳи мужассамдинмусен?

Суратинг Рухул Қудуснинг маънисин қилди аён,
Одамий важҳинда келган исми аъзамдинмусен?

Оразингнинг каъбасин кўрган сафолиқ ҳожилар,
Дедилар, чоҳи занохдонингга Замзамдинмусен?

Ҳажринг ўлтурсанга лаълинг бир нафасда жон берур,
Сўр ониким, муъжизи Исойи Марямдинмусен?

Жон димоғи топти сендин, ошнолиқ бўйини,
Чин ойтқил эй насим, ул зулфи пурхамдинмусен?

Эй муборак не кабутарким, сени эл нома дер,
Кел, кўзимда ошиён қил, ёри маҳрамдинмусен?

Меҳнату ғам бирла умрунг бўлди охир ёр учун,
Эй Атойи, сен мухаммар тийнату ғамдинмусен?



* * *

Сипехри хусн ичинда моҳ сен-сен,
Замона хўбларига шоҳ сен-сен.

Табассум қилса лаълинг жон бағишлар,
Магар Исойи руҳуллоҳ сен-сен.

Агар хуру пари бўлса керакмас,
Манга эй жон, бу кун дилхоҳ сен-сен.

Бу оқ эвда қаро кўзлар баче бор,
Ва лекин фитнайи хиргоҳ сен-сен.

Тириклик ҳосили эй ёр дарди,
Гар ўлсам онда ҳам ҳамроҳ сен-сен,

Кўнгул дардига бир дармон қил эмди,
Чу жоним дардидин огоҳ сен-сен.

Атойи ул юзи гул ҳасратинда,
Тикон бағринда, ранги қоҳ сен-сен.



* * *

Гаминг қўйди кўнгулга ишқ доғин,
Мушавваш айлади ақлим димоғин.

Басе хаста кўнгуллар масканидур,
Қаро зулфунгни сокинрок тароғин.

Юзумга бос қадам сархушлуғунгда,
Тутай илкимга бир давлат аёғин.

Тараҳҳум айлагил, эй қошлари нун,
Ки ҳажринг солди жонга Қоф тоғин.

Эшикинг итлариндин ёд қилсанг,
Бир ул итлар туфайли бизни соғин.

Бўюнг нахлин юрурда кўрса туби,
Солиб қочқай уёттин равза боғин.

Қилибтур ул Масихо жониға қасд,
Атойи қил равон ўлмак яроғин.



* * *

Эй хур, ажаб руҳи мусаввар етилибсен,
Жон олғучи бир одамий пайкар етилибсен.

Бу оразу зулфу қаду қомат, ки санингдур,
Рашки суману сунбулу аръар етилибсен.

Эмди кишида ақлу хирад қолғуси йўқтур,
Бу тавр, ки сен фитначи дилбар етилибсен.

Туби йиғочи эски йиғочтур туман иллик,
Ўхшатман ониким сенга, навбар етилибсен.

Фам тоғида Фарҳод бикин жон берайинким,
Ширин лаб ила маъдани шаккар етилибсен.

Зулфунг черикин юзга солиб икки тарафтин,
Жон ғоратиға кофири Хайбар етилибсен,

Оламда ситамкаш йўқ эди мисли Атойи,
Сен ҳам анга лойиқ не ситамгар етилибсен...



* * *

Эй ғаний хусну жамолинг бирла тахту тождин,
Не аярсен бир қиё боқмоқни мен муҳтождин?

Гар тилар кўнглунг, ки гулгашт айласа бўстон аро,
Кўзларим тахти равондур обнўсу ождин.

"Қоба қавсайн" иттиҳодин қошларинг қилди аён,
Сочларинг худ оятедур лайлатул - меърождин.

Зулфунгиз савдосида жонин фидо қилди кўнгул,
Корвони Чинға, оре, чора йўқтур бождин.

Рост бўл рухтек Атойи ишқ бирла ўйнама,
Ким, ҳарифедур ўтар бир дамда юз лажлождин.



* * *

Агарчи хусн ичинда дилрабосен,
Жафо бобинда ҳам бас мунтаҳосен.

Маозоллоҳ! Вафодин ўзга қилсам,
Манга ҳар нечаким, қилсанг жафо сен.

Недин кофир кўзунгни сочларингдек
Қилурсен қилча жонимга қаросен?

Назар покиза хуштур покларга,
Юзунг ойини ҳар кўздин аё сен.

Санинг бўйнунгга, эй кўнгли вуболим,
Мени зулфина қилдинг мубталосен.

Ҳақиқатда муҳиб маҳбуб бирдур,
Ародин чиққил, эй боди сабо сен.

Қилурсен қомату лаълин тавваққуъ,
Атойи рости ширин гадосен.



* * *

Эй бу кўнглумнинг ҳузури, кўзларимга нур сен,
Давлати ҳуснунгга бўлма асру ҳам мағурсен.

Мен жафо чекмак била оламда худ маъруф эдим,
Ҳайфким, бўлдунг вафосизлиқ била машҳурсен.

Не пари ўхшар санга ҳусн ичра, не инсу малак,
Сен магар жаннат риёзиндин етилган ҳурсен?

Юз уза зулфунг черикин солиб, эй ҳусн лўъбати,
Рум мулкин олғали келдинг, магар Фағфурсен,

Не суюб сендин тўяр кўнглум, не боқиб кўзларим,
Эй жамол ойинаси сен не ажаб манзурсен.

Зулми ҳижрон бирла кўнглум шаҳрини қилдинг хароб,
Кел вилоят зоҳир айлаб, қил яно маъмурсен.

Ақли кулл саргаштадур савдойи зулфунг илкида,
Гар Атойи бўлса Мажнун, тут они маъзур сен.



* * *

Бўюнғ нахле, ки рашк элтур, бәсе сарви равон андин,
Дариф этмас манинг кўнглум, тану жону равон андин.

Чаманда кўзларим, баски юзунг шавқида қон йиғлар.
Бўлур ҳар субҳидам рангин гулу ҳам арғувон андин.

Эшикта тўкма қонимни, йироқ сол, итларинг ичсун,
Ки ногаҳ бўлмасун олуда пок ул остон андин.

Вафо килмасмусанг, ғамгин кўнгулга лутф этиб гаҳ-гаҳ.
Не бўлғай ваъдаи қилсанг, ки бўлғай шодмон андин.

Жамолинг равзасин воъиз, битиб, васф айласун алҳақ,
Эрур бир мухтасар гулшан, биҳишти жовидон андин.

Сабо, юз аҳли дил кўнгли ўшал зулф ичра боғлиқтур,
Нега густохлиқ бирла ўтарсен ҳар замон андин?

Ўтарда кўз учидин бир Атойи бирла савдо қил,
Чун, эй ҳусн элининг моҳи, сенга йўқтур зиён андин.



* * *

Неча эй дилбар, жафо бобин риоят қилғасен,
Жаврни ҳуснунг бикин, беҳадду ғоят қилғасен.

Банданинг не ҳадди бор васлинг таманно қилғали,
Сен магар, лутфу карам бирла иноят қилғасен.

Эй сабо, қилсанг ўшал мушкул салосилдин гузар,
Мендин ул девона кўнглумга ҳикоят қилғасен.

Воъизо, чун кўрдунг ул ойнинг камоли ҳуснини,
Айб агар Юсуф жамолиндин ривоят қилғасен.

Бир нафас йўқтурки, бўлсанг ёр дардидин жудо,
Эй Атойи, неча бахтингдин шикоят қилғасен.



* * *

Эй сочинг занжирининг саргаштаси аҳли жунун,
Кўзларинг нозу карашма фанларинда зуфунун.

Нечаким, кўрдум юзунг, қошинг таманносинда фол,
Сафҳайи аввалда чиқти, сурайи "вашшамс" у "нун",

Ой юзунг нақши мусаввар эрди кўнглум эвида,
Гунбади афлокни бунёд қилмастин бурун.

Банди зулфунгни паришон айла қошинг олида
Ким, янги ой кўзга равшанроқ кўрунур кечкурун.

Чўнг ўз ҳаддимни билмай, севдум ул султонни мен,
Ҳар бало келса бошимға, ложарам сўндум бўюн.

Кимки гулрухларни севса, хорлиқ тортар, вале,
Гул юзунг шавқинда йўқтур мен бикин хору забун.

Васлинга билгач, Атойининг илик қисқалигин,
Марҳамат қилсанг, Худой учун бегим ёшинг узун.



* * *

Сени мен англадим, бевафо эмиштуксен,
Кўнгулга офату, жонға бало эмиштуксен,
Бу мунча жонлар олиб, тўймадинг халойиқдин,
Эй ҳусн боби, не кўзи қаро эмиштуксен?!
Азалда не гунаҳ эттинг кўнгул, ки хўблардин
Бу мунча меҳнату ғамза сазо эмиштуксен
Ғаҳи, ки босса аёғин юзумга, ноз ила дер:
"Аёғим оғриди, не буриё эмиштуксен!"
Юзига кўп тика боқсам, манга кулуб айтур:
"Атойи, не кўзи тўймас гадо эмиштуксен?!"



* * *

Эй менглари мушку, энги лола, кўзи оҳу,
Зулфунг ғамида тутти кўнгулни қаро қайғу.

Эй, вой, қачон шоми фироқинг тонги отгай,
Ким бўлди манга ушбу ёруқ дунё қоронғу.

Кўнглум киму тўлғошмақ илондек сочинга оҳ,
Не суд қилур эмди, чу билмай едим оғу?

Баҳс этса шакарнай лабингиз бирла сўроли,
Оғзинг била торлиқ талошур писта не ёрғу.

Гар домани васли сари қўл сўнсанг Атойи,
Бағрингни су айла, дағи жонингдин илик ю.



* * *

Менгиз ё равзайи ризонмудур бу?

Оғиз ё гунчайи хандонмудур бу?

Қароқчи кўзларин ким, кўрса айтур:

"Ажаб айёри Туркистонмудур бу?"

Чиқар ҳар лаҳза юз минг шева бирла,

Малойиқ хўйлуқ инсонмудур бу?

Жаҳонни тутти Юсуфдек жамоли,

Малоҳат Мисрида султонмудур бу?

Хатиким, сафҳаи гул узра кўрунур,

Губори хатму ё райҳонмудур бу?

Мудаввар гўйи сиймин ё зинаҳдон?

Муанбар зулф ё чавгонмудур бу?

Атойини кўруб, кўйинда айтур:

"Ҳам ул мискини саргардонмудур бу?"



* * *

Манга жавр айлар ул дилбар ҳамеша,
Сучук тилдин ачиқ сўзлар ҳамеша.

Кезиб хуршеди ховар уйдин-уйга,
Юзундин шуълайи истар ҳамеша.

Кўзи қошиндин ўқ-ёни кетормас,
Кўнгуллар қушларин овлар ҳамеша.

Насими зулфидин юз рашк элтиб,
Ўзин ўтқа солур анбар ҳамеша.

Вафосиз сарвқоматлар ғаминдин,
Кўнгул япроқлайин тебрар ҳамеша.

Ажабтур, ўзлари севган кишини,
Жафо бирла синар хўблар ҳамеша,

Атойи шеъридин лаззат қилур касб,
Ўшал лаб васфида шаккар ҳамеша.



Хати мушкин, ки дур жон бирла ҳамроҳ.
Хизрдур оби ҳайвон бирла ҳамроҳ.

Сочик ёз ёмғури қилдим ёшимни,
Булутдек моҳи тобон бирла ҳамроҳ.

Қароси кўзларингнинг оқи бирла,
Ажаб куфредур имон бирла ҳамроҳ.

Хаёлинг бўлди меҳмоним, не бўлғай,
Висолинг бўлса меҳмон бирла ҳамроҳ.

Ўқ отсанг, бу кўнгул юз ёрасиндин,
Борур ҳар пора пайкон бирла ҳамроҳ.

Табибо, сўрма ҳолимни, қи бўлмас,
Муҳаббат дарди дармон бирла ҳамроҳ.

Рикобингда Атойи ушбу йўлда,
Эрур мўре Сулаймон бирла ҳамроҳ.



Сўзунгдек шаккар, оғзингдин сутуда,
Адамдин келгани йўқтур вужуда.

Лабинг оби ҳаёти узра ё Раб,
Бинафша аксидур, ё мушки суда¹.

Хатинг таҳрир этарда котиби ҳусн,
Манинг оҳим ўтидин олди дуда².

Кўзунг кирпик ўқин отмоқ тилар дод,
Йўлуқтум мен, қони тўлған қобуда³.

Жамолинг каъбасинда фарз бўлди,
Қошинг меҳробида келмак сужуда.

Уларким, сизни меҳри оз дерлар,
Мени дерлар вафода озмуда.

Атойи бағрини кўнглию кўзи,
Тутарлар гоҳ ўтга, гоҳ сувда.



¹ *Суда* - эзилган.

² *Дуда* - куя, қурум, ис, куйинди.

³ *Қоб* - камоннинг кўл билан ушланадиган ўрта еридан бир учигача бўлган оралиқ, масофа.

Баҳор ўлди, кел эй гулрух, гулистонлар сари кеза,
Жамолинг нақши аксидин гулу гулзорни беза.

Агар ийманмайин наргис юзунгга ўтрутек боқса,
Буюр, савсан қиличи бирла чопсун икки хунреза.

Уётқондин қизил гул кўнглаки ғарқи арақ бўлсун,
Юзи гулшан сари гулгун қиё боғин беза-беза.

Сочиқ сочсун қизил олтун, кумиш гул бирла ушқуфа,
Сабо дарвешлар янглиғ қилиб йўлунгда дарюза.

Кўруб гулни юзунг ёдида ҳар субҳ айласам афғон,
Тараҳҳум айла булбулдек мени мискин саҳархеда,

Мақоми майкада хуштур, ҳижоз оҳангини паст эт,
Мухолиф қавлина боқма, тузуб эгрини тиргуза.

Атойини гар ўлтурсанг, ўшал ойдин кўнгул узмас,
Фалак сен ҳам неча қилдинг бу мунглуғ бирла истеза.



* * *

Аё султон малоҳат кишварида,
Кулунгдур ой ила кун зарҳарида.
Юзунг мажмуайи ҳуснедурурким,
Ўқурлар гулни андин бир жариди.
Қани жоду кўзунгдек номусулмон,
Хитойи Чину Мочин кофарида.
Топилмас ҳусн боғинда бўюнгдек,
Ниҳоли ноз бирла парварида.
Сочинг занжирина девона бўлғай,
Агар ақлу хирад бўлса ерида.
Рақиб уйин сўрарсиз: "қай сари!" деб,
Жаҳаннам тўрида, таҳтус - сарида.
Атойи бўлди чун суҳбат шарҳини
Ҳузури қолмади шаҳри Ҳирида.



Эй юзи Кабъа, висолинг ҳажр зулминдин паноҳ,
Қошларинг меҳробидур аҳли назарга қиблагоҳ.
Чун тушубсен ҳусн бирла хўблар ичра ғариб,
Мен ғариб аҳволина дил кўз учундин бир нигоҳ.
Тиби зулфунгдин кетурса турбатимға ел абир,
Ўқуғой арвоҳи қудсий: "таййабаллоҳу сароҳ!"
Ҳуснунга дарди дилимдек қилди меҳримни зиёд,
Чашмайи хуршеднинг ёниндағи меҳри гиёҳ.
Оҳ, агар бўлса гуноҳ хўбларни севмак уқбида,
Дуняда қилмайдурур ҳеч кимса мендин кўп гуноҳ,
Сифр алифтек қомату оғзингни кўргандин бери
Йўқтур авродим манинг шому саҳар жуз оҳ-оҳ.
Хоки роҳингда ўтарда суртгали сориг юзин,
Пок динлар йўлида бўлди Атойи рў ба роҳ.



* * *

Жоним садақа ул кўзи бемор санамға,
Боштин уюруб гесуларин солса қадамға.
Каъба ҳарами деб эшиги сайди бўлубмен,
Кофир кўзи не деб ўқ отар сайди ҳарамға,
Мим оғзи била зулфу қади лом алифидин.
Эй вой, нетай, хаста кўнгул қолди аламға.
Мен жавр ила сиздин юз ўюргумму, валекин,
Хадде керак охир, севарим, жавру ситамға.
Бу дамки, латофат улусин ҳусн ила олдинг,
Лутф айла, ки етмас киши албатта бу дамға,
Холу хатингиз меҳрини жон лавҳина ёздим.
Ул дам, ки азал котиби эл¹ сўнди қаламға
Кел, сўр бир оғиз хаста Атойини, бегимким,
Лаълинг ғами бирла борадур мулки адамға.



¹ Эл - ал (қўл).

* * *

Анингким, сен бикин манзури бўлса,
Ярар хоки раҳи кўз нури бўлса.

Карам хуштур, бале қўрқлук кишидин,
Нечаким, хуснининг мағрури бўлса.

Вафосиз дилрабодин Тенгри безор,
Агар хусн ичра жаннат ҳури бўлса.

Ўшалким, севмаса бир сиймтанни,
Гадоедур, гар олтун қўри бўлса,

Жаҳон туттунг жафода, гар Атоғи,
Вафода дунёнинг машҳури бўлса.



* * *

Кўзунг айёрина қулмен камина,
Агарчи қасд этар жоним камина.

Висолингдин хаёле етса бизга,
Жамолининг, камолининг камина.

Агар машшотадин бир тор узулса,
Улай жон риштасин, зулфинг камина.

Ҳилоди икки бўлди орзудин,
Уёти ўхшапон қошинг камина.

Замони пойбўсунгга етай деб,
Тушар ҳар кеча ой кўктин замина.

Рақибингни жувонмарг айласун Ҳақ,
Ҳавола қилмишам эрлар дамина.

Яратмиш, меҳнату ғамлиқ яратқон,
Атойини парирухлар ғамина.



Ё Раб, мени ул сарви хиромондин айирма,
Булбулни ўшул боғу гулистондин айирма.

Маҳбуб фироқи била ўлтурма муҳибни,
Муштоқ баданни нафаси жондин айирма.

Мажнун сўзини Лайли қабиласида сўзла,
Яъқуб кўзин Юсуфи Канъондин айирма,

Ошиқ кишилар пайрави мен ҳуснига муштоқ,
Ул кони карам, маъдани эҳсондин айирма,

Мақсудунг агар, чарх, менинг ўлмаким эрса,
Ўлтур мени олинда, вале ондин айирма.

Жонимга манинг ҳажр, агар қасд қилибсен,
Жонимдин ойирғил, вале жонондин айирма.

Жамъияти хотир тиласанг Ҳақдин, Атойи,
Бўюнгни ўшул зулфи паришондин айирма.



* * *

Ҳар қачон тушса қаро зулфунг паришон кўнглума,
Ҳасрату гамдин бўлур жон бермак, осон кўнглума.

Меҳрингиз хаттин юмас бир лаҳзайи жон лавҳидин,
Ҳар неча таълим этармен ушбу нодон кўнглума.

Чун муқаррардур, ки сен ҳусну малоҳат ганжисен,
Айб эмас гар лутф этиб келсанг бу вайрон кўнглума.

Байтул-аҳзон айладим кўнглум уйин Яъқубтек,
Қил назар Юсуф менгизлиқ байтул-аҳзон кўнглума.

Сув бўлур бағрим уёттин бо вужуди лаълингиз,
Келса ногаҳ салсабилу оби ҳайвон кўнглума.

Кирпикинг новакларин ҳар неча оттинг ўтқара
Бори, қолди ёдгоринг захми пайкон кўнглума.

Зулм ила қон айлайин дер ёр Атойи кўнглини,
Келмаса адли Аловуддавла султон кўнглума.



* * *

Лаби лаълинг учун эй кўнгли хора,
Ёшим қон бўлди ғамдин бора-бора.
Санинг усрук кўзунг орзусунда,
Қилур жон шишасин ғам пора-пора.
Муҳаббат мушкилотин ҳал қилурға,
Топилмас дарди дилдин, ўзга чора.
Агар юз пора қилса жонға ҳажринг,
Кўнгилни бермагаймен, ўзга ёра.
Муваҳҳидларға сирри "кунту канзан",
Табассум ила бўлсун ошкора.
Ҳақиқаттин хабар тут, эй мударрис,
Неча баҳсу, мажозу истиора.
Салотинға висолинг даст бермас,
Атойиға текарму, жуз назора?



* * *

Яна толеъ карам қилди, қовуштум дилситонимға,
Таолаллоҳ! Зиҳи давлат, туман шукрона жонимға.

Магар оҳи саҳар бирла дуойи субҳ асар қилди,
Йўқ эрса, қасд этиб эрди фалак бир журъа қонимға.

Ажаб булбул эдим ҳайрон, гулистонидин айрилғон,
Биҳамдиллоҳи валминна, эриштим гулситонимға.

Сани кўрмай агар ўлсам, фаришта келса хокимда,
Таҳаммул қилмайин кетгай, манинг оҳу фиғонимға.

Фироқингда жафоларким, қатиқ жонлиғ кўнгил кўрди,
Ҳаёти умрида келмайдурур эрди гумонимға.

Ҳаёти Хизру умри Нуҳу ҳам Жамшиднинг мулкин,
Тенг этмасмен санинг бирла кечурган бир замонимға.

Атойи дўстлардин илтимос айларким, ўлганда,
Дуое, кўрсангиз қаддин қилинг руҳи равонимға.



* * *

Юзунгдин ранг олур, насрину лола,
Кўзунгдин мунфаил юз минг ғазола.

Табассум айлаким, бисёр хуштур,
Чаманда ғунчайи хандону жола.

Бу кун худ қоматинг шавқинда ўлдум,
Қиёматта тилай, додимни ҳола.

Сочинг не турфа давлатлик, илондур,
Кумиш ганжи уза ётур узола.

Қўпар фитна, борур олам иликтин,
Хиромон юрусанг қўл сола-сола.

Не тонг, саргашта бўлсам, гўй янглиқ,
Сочинг савдосидин қолдим бу ҳола.

Фалакка етти ул ой эшитмас,
Атойи неча бу фарёду нола.



* * *

Сабо агар гузар этсанг ҳабиб ҳазратида,
Бу хаста ҳолини арз эт, табиб ҳазратида.

Рақиб таъна қилур бизни бенасиб дебон,
Жафоси бизга не етмас насиб ҳазратида.

Қарорсун ушбу манинг толеъим, ки ҳасрат ила,
Бошим оқардию бўлмон қариб ҳазратида.

Ҳарими Каъбада итга ҳаромдур кирмак,
Не мунча маҳрам ўлубтур рақиб ҳазратида.

Ниқоб олурда юзунгдин Атойини келтур,
Ки гул очилса керак андалиб ҳазратида.



* * *

Кирдинг тушума субҳидам, алминнату лиллоҳ,
Толё яна қилди карам, алминнату лиллоҳ.

Хайёти азал ҳусн тўнин титгали сизга,
Ўлтурмас анга гарди ғам, алминнату лиллоҳ.

Қад ё қиласан, оҳ ўқини отса муҳиблар,
Тегмас санга бори алам, алминнату лиллоҳ.

Лаълинг ўти куйдурди вужудимни валекин,
Оғзинг киби, қилди адам, алминнату лиллоҳ.

Ҳажр оғриғида лутф қилиб, хайли хаёлинг,
Хуш сурди мени, дамбадам, алминнату лиллоҳ.

Қуллуққа қабул айладингиз, ушбу гадони,
Эй шоҳи жаҳони муҳтарам, алминнату лиллоҳ.

Ишқинг йўлида бўлди Атойиға баробар,
Лутфу ситаму мадҳу зам, алминнату лиллоҳ.



* * *

Нечаким кездим висолинг орзусинда, оҳ-оҳ,
Топмадим васлингга бирдам мен ёмон гумроҳ роҳ.
Фурқатинг ичрур манга бағрим қонин май ўрнида,
Айш ила ичкан кечоларни соғинсам гоҳ-гоҳ.
Тотқали лаъли лабингнинг шаккарин жон тўтиси,
Ҳар замон тотирғониб, дер қанда бўлса "тоҳ-тоҳ!"
Сен агар рух кўрсатур бўлсанг бисоти ҳусн аро,
Ўзга ҳўбларга дегайлар ҳар замон эл"шоҳ-шоҳ!"
Ул ҳилоли қошларингга ўхшатай деб ўзини,
Бадр ўзин кўргил не ерга еткурур ҳар моҳ-моҳ.
Сен рақибнинг итлигин кўрким, кўра олмай келур
Гар кўруб сориг юзумни айтур эрсанг "коҳ-коҳ"
Эй Атойи, гар кўзунг Яъқуб янглиғ кўрмаса,
Ёнма ул Юсуф йўлиндин, десалар минг "чоҳ-чоҳ".



* * *

Ё Раб, ул оразмидур ё лола ар-ар устина?
Ё шақойиқ баргидур сарви санубар устина?

Юз уза солсанг тараб мушкий сочингни, энгларинг
Ёсаминдурким, тушубтур сунбули тар устина.

Лаъли серобингиз узра бу зумуррад сабзалар,
Тўтийи гўё қўнубтур қанду шаккар устина,

Кўзларинг етмасмуди жонимни ғорат қилғали,
Барсарі ҳиндуйи холунг келди кофар устина.

Ҳусн ганжидур юзунг, гесуларинг соқлар они,
Ваҳ не афсунлаб борай, у икки аждар устина.

Кирпигинг жарроҳина борса жароҳатлиқ кўнгул,
Марҳаме бермас урур ништарни ништар устина.

Гарчи булбулдур Атойи ҳусни васфинда, вале,
Қуш учурмас ул пари пайкар ситамгар устина.



* * *

Юзунгни кўрдум эй жон, шукри лиллоҳ,
Севунди жони пазмон, шукри лиллоҳ.

Умидим бўстонида юзунгдин,
Очилди юз гулистон, шукри лиллоҳ.

Этурган Юсуфин Яъқуб топти,
Тузулди мулки Канъон, шукри лиллоҳ.

Висолинг офтоби, бўлди толиъ,
Туганди шомии ҳижрон, шукри лиллоҳ.

Фироқинг чўлида ташна кўнгулга,
Йўлуқти оби ҳайвон, шукри лиллоҳ.

Тузулди даври дилбар соқи бўлди,
Мувофиқ бўлди даврон, шукри лиллоҳ.

Атойи ҳаққида ҳар неки дерлар,
Демаслар "аҳди ёлғон", шукри лиллоҳ.



Ёреки ўлтурур мени, ҳижрон қиронида,
Ҳар қайда бўлса Тенгри таъоло амонида.

Фам тавбасинда сизғурубон имтиҳон этар,
Билмон, не фикри бор яна бу имтиҳонида.

Кирпики найзаси била сафларни синдурур,
Ё Раб, не муъжизедурур анинг синонида.

Тарсо, Масиҳ мазҳабини тарк этар эди,
Гар кўрса эрди лаълини Исо замонида.

Ҳайротда маҳв бўлди, кўруб ақли ҳўрдадон,
Сўзларда, тишлари дуррини лаъл конида.

Ул қаро кўзунг туё кўрмай равомудур,
Бошим оқарди айни йигитлик авонида.

Қолсун десанг Атойи ўзунгдин жаҳонда от,
Оттек югургил, ул кўзи оҳу инонида.



* * *

Гарчиким, кўздин солибсан журми амдодин мени,
Кўз учиндин бори манъ этма тамошодин мени.

Ҳар кеча то субҳидам, зулфунг хаёли уйқуға,
Бир нафас қўймас ғаму ташвишу савдодин мени.

Бўсағангда кўктирар эрди бошим лутфунг била,
Ерга чолдинг шишадек айвони минодин мени,

Бўлди дарё кўз ёшим, ҳажрингда бир васлинг сари,
Ғайри лутфунг, ким кечургай ушбу дарёдин мени.

Дунокун бир файласуф, оқиле кўрган киши,
Илғай олмайдур букун Мажнуни шайдодин мени.

Кўзларингдек баски туттум гўша узлат қофида,
Фард эта олмайдурурлар зарра Анқодин мени.

Бўлса жаннатта Атойи сенсизин қилғай фиғон,
Солдилар дўзахқа деб, Фирдавси аълодин мени.



Шаҳо, бизга назар қилсанг не бўлди?
Гадони муътабар қилсанг не бўлди?
Кўнгул юз порадура гулғунча янглиқ,
Саботек бир гузар қилсанг не бўлди?
Қаро бахтим бикин ҳижрон кечасин,
Висолингдин саҳар қилсанг не бўлди?
Боқиб ўсрук кўзунгдин носихимни,
Манингтеқ беҳабар қилсанг не бўлди?
Ўтар оҳим ўқи тўққуз фалактин,
Вафо бирла сипар қилсанг не бўлди?
Балоедура рақиб, охир балодин,
Худой учун ҳазар қилсанг не бўлди?
Кетурди маҳозар жонин Атойи,
Қабули моҳазар қилсанг не бўлди?



* * *

Ҳажрингда ғаму ҳасрат куйдурди бaсе бизни,
Фарёд, ки ёд этмас фарёдрaсе бизни,

Яъқуб бикин бўлдук ғам кулбасида маҳзун,
Эй Юсуфи Исодам, сўр бир нафaсе бизни.

То боғлади бўйнуми ул зулфи Қаробоғи,
Кўз ёшида ғарқ айлар ҳардам Араси¹ бизни.

Қўймас сучук уйқуға оғзинг қошида холинг,
Ҳеч уйқуға қўйгайму андоқ мағaсе бизни.

Сўз баҳрида чун дурлар ғавс эттук Атойитек,
Ғар кўрмаса эл не ғам, миқдори хaсе бизни.



¹ Арас - Озарбайжондаги бир анҳорнинг номи.

* * *

Янгоғинг рангу олиндин мадад ҳой,
Сақоқинг фитна холиндин мадад ҳой.

Кўзунгдин сеҳр учун юз истионат,
Балога макру олиндин мадад ҳой.

Сочинг зулмотида ҳайрон кўнгулга,
Юзунг фархунда фолиндин мадад ҳой.

Бузулди умри боқий ҳажр элинда,
Бўюнг сарви ниҳолиндин мадад ҳой.

"Сақоҳум раббуҳум" жоминдин ичган,
Тилар лаълинг зилолиндин мадад ҳой.

Сабо келтурмаса зулфунг насимин,
Ҳири боди шамолиндин мадад ҳой.

Белинг, оғзинг хаёлу нуктасинда,
Атойи қилу қолиндин мадад ҳой.



* * *

Эй лолайи Фирдавс юзунг бирла мубоҳи,
Хуснунг киби меҳрим юзунга номутаноҳи.

Қил мулку малоҳатда нидойи "лиманил мулк?"
Чун бўлди мусаллам санга эй ҳусн эли шоҳи.

Оҳуйи Хўтан бирла Хитони хижил айлар,
Наргисларининг зулфи сари тушса нигоҳи.

Султони жамол ўлғали сен, кўнглум уюсин,
Гоҳ ўлжа қилур, гаҳ талар ул зулфи сиёҳи.

Зулфунг сифатин ёзмоқ учун хаста Атойи,
Икки кўзининг ҳуққасида қилди сиёҳи.



* * *

Эй, малоҳат, боғининг бир сарви гулрухсораси,
Кашфи анвори тажаллидур юзунг наззораси.

Оразинг олинда ойин неча арз этгай фалак,
Бир урус қул беш эмасдур хисрави сайёраси.

Лаъли жонбахшингдин айру йўқтур эй Исо нафас,
Ошиқи бечоранинг ўлмактин ўзга чораси,

Жаннати аълода кўнгли заррае қилмас қарор,
Кимки, бўлди нозанинлар кўйининг аввораси.

Кўз учидин туйғуча урди Атойи жониға,
Новаки дилдўзни ул ғамзайи айёраси.



* * *

Ҳар тунки, қилсам ул бубаки фитна ёдини,
Юрман¹ ёшимдин икки кўзумнинг саводини.

Бўлсун ҳаром, кўнглума дарду муҳаббатинг,
Жаврунгин ўзга агар қилсам эътиқодини.

Зулфунг хаёли бўлғали бошимга соябон,
Илмон кўзумга тожи сари Кайқубодини.

Васл истасанг кўнгул йўлида хокироқ бўл,
Ким, аҳли диллар анда топибтур муродини.

Эй подшоҳи мулку малоҳат, Худой учун,
Бер, лутф этиб, Атойи мазлум додини.



¹ Юрман - юварман.

Эй манинг қасдимга қўйғон зулфитек қаттолни,
Неча саргардон тутарсен, мен паришонҳолни.

Бир қиё боқмоқ била юз минг кўнгул сайдинг бўлур,
Эй қаро кўз, кимдин ўграндинг бу мунча олни?

Кўзларим дарёсидин ҳардам хаёлинг кечкали,
Кирпикимнинг хаслариндин боғламишмен солни.

Қанди лаълингнинг наботин кўргали жон тўтиси,
Йиғмади парвоздин бир лаҳза пару болни.

Кўзга илмас молу мулку дунёнинг озодаи
Ким, ичар маҳбуб элиндин жоми моло-молни.

Ишқ рамзидин агар бир қилча фаҳм этса фақиҳ,
Тарк этар эрди қамуқ фатвою қилу қолни.

Ўлгали етти Атойи қул фироқинг илгидин,
Бир даме, охир не бўлди, сўр бегим аҳволни.



Эй қадинг Туби ниҳоли, вей юзунг жаннат гули,
Нофайи Чину Хўтан ҳиндуйи зулфунгунг қули.
Хотири жамъи халойиқни паришон айлади,
Тонг елиндин доғилиб, гул узра зулфунг сунбули.
Гар ниқоб олсанг юзунгдин, нола қилсам не ажаб
Ким, гул очилса бўлур пайваста булбул фулғули.
Қон ютармен ғайрат илкиндин суроҳитек мудом,
Сув ичарда дам-бадам, лаълингни ўпса қулқули.
Юз туман, минг ғам била қилди Атойини асир,
Зулфи Ҳиндустон савдосинда моҳи Кобули.



* * *

Кўнгул олдинг бегим, ёшурмоғинг не?
Жафони ҳаддин ошурмоғинг не?

Рақибларга қилур лаълинг табассум,
Қонимни ғуссадин тошурмоғинг не?

Кўнгил шишасида меҳринг майидур.
Жафо бирла анга тош урмоғинг не?

Юрурда енг била оғзингни тутма,
Нимаким, йўқ турур, ёшурмоғинг не?

Атойи, ерга ел зулфин тегурмас,
Қаро ерга сенинг бош урмоғинг не?



* * *

Дилбаро шаккар лабингнинг тўтиги жон бандаси,
Ийсийи Марям гадои оби ҳайвон бандаси.

Салтанат даъви қилур бор ичра не озодалиқ,
Бўлғали нахли қадингнинг сарви бўстон бандаси.

Қул бўлай қош ўйнатиб, кўз учидин боқмоғинга
Ким, жаҳон аҳли бўлур пайваста эҳсон бандаси.

Гар Ироқ аҳли етса, хоки роҳинг гардинин,
Тўтиё бўлғай, куҳилға қул Сифаҳон бандаси.

Гар бути Чини юзунга ўхшаса филжумлае,
Не ажаб гар бўлсалар фасбону¹ раҳбон бандаси.

Ҳужжати хат бирла зулфунг қилди собит даъвисин,
Токи сунбул сўнди бўйнинин, бўлди райҳон бандаси.

Эй Атойи, гарчи сен, даъви қилурсен қуллуғин,
Мурға тегмас, вале бўлғай Сулаймон бандаси.



¹ Ушбу сўзни шартли равишда ўқидик.

* * *

Хони васлингдин, нигоро, бенаво қилдинг мени,
Куй бакўю дарбадарлардек гадо қилдинг мени.

Қолмади оламда бир жавру жафо мен кўрмаган,
То жамолингдин ямон кўздек жудо қилдинг мени.

Эй жафочи чун қилурсен охира бегоналик,
Не учун аввал ўзунгга ошно қилдинг мени.

Эй кўнгул, севма дедим, хўбларни севдунг оқибат,
Бир балолиқнинг элинда мубтало қилдинг мени.

Гар Атойитек сени севдум, гуноҳе қилмадим
Ким, мунигдек бастайи банду бало қилдинг мени.



Нофайи зулфунг хаёли бирла эй Чин лўъбати,
Қайғудин қон айлади бағримни савдо заҳмати.

Мен нетай боғи беҳишту Хизр умринким, манга,
Лабларингдур оби ҳайвон бирла Кавсар шарбати.

Гарчи суннат бўлса хўблар қошида қон айламак,
Фарзи айн ўлди кўзунгиздин, аларнинг суннати.

Севса эл Туби ниҳолин, мен севай қадингниким,
Хушдурур дарвеш кишининг, бўлса олий ҳиммати.

Ё висолингдин карам қил, ё мени ўлтур равон
Ким, керакмас* сенсизин валлоҳ манга жон миннати.

Ул жафоларким кўнгул кўрди юзунгдин дунёда,
Кўрмасун кофирлар илкиндин, Муҳаммад уммати.

Қилмағай сажда Атойи, Каъбанинг меҳробина,
Бўлмагунча кўнглида ул қошу кўзнинг нийяти.



* Котиб "коф" ҳарфининг илмоқчасини ташлаб кетганлиги гуфайли қўлёзмада бу сўз "киролмас" тарзида ёзилиб қолган.

* * *

Унутти бир йўли ул ёри бевафо бизни,
Фироқи дарди била қилди мубтало бизни.

Муродим икки жаҳонда будурки, гаҳ-гоҳи,
Ўтарда кўз учидин қилса марҳабо бизни.

Муҳаббатингда кўнгул чунки бўлди ўқтек рост,
Айирма эмди ўзунгдин, эй қоши ё бизни.

Чу қисмати азалидур шароби ноб ичмак,
Не мунча ёзғурадур шайхи порсо бизни.

Рақиб жонини тандин жудо-жудо қилсун,
Айирди зулм ила маҳбубдин жудо бизни.

Киши жаҳонда ризо бирла тарки жон этмас,
Магарки сендин айирғай, бегим, қазо бизни.

Итинг Атойиға тунлар ачигланиб айтур:
"Сучук уюқлағоли қўйғил, эй гадо, бизни!"



* * *

Алминнату лиллоҳ! Яна кўрдук юзунгузни,
Эшитти қулоқ дурри Адантек сўзунгузни.

Ойнинг не, муфаттон кўзи бор, не қаро қоши,
Ўхшатмағосиз ул фалакига ўзунгузни.

Қассоми азал ҳусну малоҳат улошурда,
Ортуқ яратибтур барисиндин тузунгузни.

Кеш жубба ҳарорат кетурур, кийдангиз они,
Остек танингиз узра ёйинг қундузунгузни.

Эй юзи қамар, қилмас Атойиға мувофиқ,
Даврони фалак ҳажри била юлдузунгузни.



Эй дами Ийсойи Марям, чашмайи Ҳайвон лаби,
Қошларинг меҳроби Каъба, чоҳи Замзам ғабғаби.

Юзунг ўзра кўзларинг сайёраси кўргач ҳақим,
Дедиким, ой олида туғмиш саодат кавкаби.

Шеваву нозу карашма маъдани эрди магар,
Сизга таълим айлаган, Ширин муаллим мактаби.

Нешини нўш ўрнида кўрмактуру дам сақламак,
Лаълингиз ёдинда қон ичган муҳиблар машраби.

Сиз рақиблар мазҳабин тутманг бегимким, хуш эмас,
Аҳраманлар миллати бирла Сулаймон мазҳаби.

Оҳуйи жаннат ипори бирла йўғрулмиш тамом
Ким, кучарсен хурни ушбу ҳамойил ашҳаби.

Қил Атойи кўзларингга сурма олтун тупроғин,
Қайси йўлдинким, ўтар сиймтаннинг маркаби.



* * *

Эй талъати манзари илоҳи,
Ҳусн элининг энчу подшоҳи.

Бу ҳусн ила ҳур, ё парисен,
Инсон сени билмади камоҳи.

Йўқ даври қамарда зулфунгузтек,
Девона кўнгулларнинг паноҳи,

Қудрат қалами учиндин ул хол,
Ой узра тошбтурур сиёҳи.

Юз пора қилур кўнгилни гултек,
Ул наргиси шўхнунг нигоҳи.

Оҳим тутуниндин асрағил, сен,
Ойнайи ҳуснини Илоҳи.

Бир отмас Атойиға юзунгдин,
Ҳижрон тунининг, ки субҳгоҳи.



* * *

Жаҳондин телба кўнглумнинг бор эрди хуш табарроси,
Ўзун андишага солди нетай, зулфунг таманноси.

Агар учмоқ боғинда муяссар бўлмаса васлинг,
Манга дўзах эрур валлоҳ, анинг Фирдавси аълоси.

Бу не юздур, бу не кўздур, бу не ширин шакар сўздур,
Ки йўқтур Руму, Чину, Миср элинда мислу ҳамтоси.

Киши кўрмайдурур ҳаргиз кўзунг сайёдитек хуне,
Ки кетмас.қошидин бир дам анинг ул турфа ўқ-ёси.

Агар кўк тўн кийиб чиқсанг хиромон, эй юзи ойим,
Бўлур ул дам равон сориқ юзумдин Нил дарёси.

Йиғиб Чин лашкари солса муғулона кўзунг юзга,
Чиғатой бирла ўзбакни олур торожу яғмоси.

Атойи хослиқ даъво қилурсен яхшилар сиррин,
Кўнгилда сақлаким, асру ёмондур ом ғавғоси.



* * *

Эй сочинг занжирининг ақлу хирад девонаси,
Қиссайи "Лайлию Мажнун" камтарин афсонаси.

Ер била ҳамвор бўлди сели ҳижрон илгидин,
Ганжи ҳуснинг орзусида бу кўнгул вайронаси.

Кўп киши даъво қилур шамъи жамолинг меҳрини,
Йўқ яна мендек, ёнар бир ичкуяр парвонаси.

Ишрату шоди била гулзор ичинда ўлтурур,
Ҳиндуйи соҳиб саодатдур ўшал менг донаси.

Ошнолиқ даъвосин собит қилур ишқинг била.
Кимки ақлу ҳушдин мутлақ бўлур бегонаси.

Бодайи ҳуснунг била мағрур бўлма асруким,
Оқибат ғам шарбатин ичрур фалак паймонаси.

Хорлиқ ҳаддин ошибтур, илтифот эт гаҳ-гаҳи,
Эй Атойининг азизроқ жонидин жононаси.



* * *

Кўргали сен кўзлари сайёра, юзи моҳни,
Ҳар саҳар етти фалактин ўткарурмен оҳни.

Шаҳсувори ҳусн сен-сен, мен йўлунгда хоки роҳ,
Лутф этиб ердин кўтар бирдам бу хоки роҳни.

Эй кўнгул, гар чиқса жонинг шавқида оздур ҳануз,
Сен гадога ким деди, сев деб анингдек шоҳни?

Анбари соро не ҳожат, нофайи тотор ҳам,
Чун муаттар қилди зулфунг хаймаву хиргоҳни,

Қаҳрабо қилдим юзумни рашк элиндин кўргали,
Йўл юруда домани покингда барги коҳни.

Жаннати аъло кўнгулдин чиқти хулду қасри ҳур,
То санинг кўюнгда қилдим жою манзилгоҳни.

Бу Атойитек гадоёе кўрмадук ҳиммат баланд
Ким, санинг сарви қадингдин қилди шайълиллоҳни.



* * *

Жамолинг равзанинг боғи жинони,
Лабинг оби ҳаёти жовидони.
Юзинг моҳиятин Тенгри билур бас,
Не ҳадди ақл эрур шарҳу баёни.
Табассум қил, ки бўлсун зарра зоҳир,
Муҳаббат аҳлининг рамзи ниҳони.
Кўрар ул юзу кўзнинг толеъинда,
Мунажжим ой ила Зуҳра қирони.
Муаззин кўргали раъно қадингни,
Унутти "қомат"у "ҳайи ало"ни.
Жаму Искандару Жамшиду Жўна,
Эшикингнинг камина посбони.
Атойиға иноят қил, ки шаҳлар,
Сурарлар гоҳ-гоҳи ҳам гадони.



Кўзларингким, қасду жону ғорати дин айлади,
Бир назарда юз туман ошиқни мискин айлади,
Тонг ели сочинг насиминдин Хўтан иқлимина,
Шаммайе элтиб шикасти нофайи Чин айлади.

Кимга айтай мен бу ҳижрон аччиғин ким, ҳар кеча
Заҳри ғам бирла манинг жонимға не қийн айлади¹.

Шукр учун қил бир тараҳҳум, бизга ул Тенгри учун
Ким, сени ҳусн эли шоҳи, бизни ғамгин айлади.

Жон берай лаълингғаким, Фарҳоди мискин оқибат,
Жони ширинин фидойи ишқи Ширин айлади.

Зулфи мушкинин тарарда, кўрдум, ул оҳу қароқ,
Сунбули тардин ниқоби барги насрин айлади.

Моҳрухлар меҳридин худ ўзга ёзуқ қилмади,
Бас фалак мунча Атойи, бирла не кийн айлади?



¹ Қийн - қийин.

* * *

Икки лаълина қачонким, дурж этар ёқутини,
Чашмайи ҳайвон ичинда кўргузур жон қутини.

Ҳурлар Кавсар шаробин ичмагайлар равзада,
Лабларинг жоми майининг топсалар сарқутини.

Чоҳи Бобилтек қилиб ғам гўшасин соҳир кўзунг,
Шева бирла мубтало қилди кўнгул Ҳорутини.

Хизрнинг суйин яшурди шаккар оғзинг шарбати,
Сабзайи лаъли лабинг ҳам сабзи хат ёқутини.

Ўлгали етти Атойи, ул қаду қомат учун,
Қилғасиз сарву санубардин анинг тобутини.



* * *

Ё Раб, ул оразмидур, ё офтоби ховвари,
Ҳуснина ҳуру малак, жон бирла бўлмиш муштари.

Хизри фаррухпаймудур, ул юз уза ё хатмудур
Ким, ёзибтур сафҳайи жонға азал котиблари,

Менгмудур, ё нуқтаи анбарму ё фулфулмудур,
Энгмудур, ё лолайи нуъмон, дурру аҳмари.

Кўзму ё офатмудур, ё фитнайи даври қамар,
Сўзму ё дурри Адан, ё Миср элининг шаккари.

Лабмудур, ё Исийи Марямму ё оби ҳаёт,
Қадму ё жону равон, ё руҳи қудси пайкари.

Сочму ё сунбулму ё ганж устида ётур илон,
Ё келибдур Рум элига Чину Мочин лашкари.

Қошму ё қавси қузаҳ, ё Каъбанинг меҳробиму,
Ё ҳилоли ийдтур, ё тоқи Кисро манзари.

Ё Раб, ул ғабғабмудур, ё себи сиймин сарв уза,
Ким, Масиҳо оғзининг эъжозидин бўлмиш бари.

Эй Атойи бу санинг шеърингму ё лўлуи тар,
Ё қилибсен сеҳри найранжоту сайд этсанг пари.



* * *

Кўнглум ҳаво қилур яна ул зулфи хам сари,
Бошлагусидурур мени ташвишу ғам сари.

Чун боғламас вужуд бирор сўрмоқ оғзидин,
Мен хаста неча жаҳл қилайин адам сари?

Зоҳид юзунгни кўргали, эй Каъбайи жамол,
Юзин ўюрди қибла саридин санам сари.

Бўлсун ҳаром лаълинг учун қонлар ичганим,
Гар илтифот килса кўнгул жоми Жам сари.

Кўймас ҳароми кўзлари айёрлиқ била,
Майхонадин кишини Ҳарими Ҳарам сари.

Бисёр қуллуғумни манинг еткур, эй сабо,
Борсанг ўшал жафоси ўкуш, меҳри кам сари.

Сочинг аёғинг олинда бош қўйғонин кўруб,
Сажда қилур Атойи, доғи ул қадам сари.



Икки кўзиким, сеҳр иладур Сомири сони,
Ҳар гўшада бор, зулфи бикин юз нигарони.
Ким кўрди фалак гардишида қошу кўзитек,
Икки янги ой, бир тўлун ой бирла қирони.
Кўрса юзининг нақшини Мажнун бўлур эрди,
Зулфи чинининг силсиласи бандина Мони.
Гўёки Хизр оби ҳаёт узра экибтур,
Лаъли дабининг устидаги меҳри гиёни,
Жон маҳрам эмас, ошиқи маъшуқ аросинда,
Маҳрам қила олмон, санга мен боди сабони.
Ошиқ кишилар кўнглини булбул бикин овла
Ким, гул чоғидек боқию гул ҳусни авони.
Меҳрингни агар ушбу Атойидин аёсанг,
Боре аяма, дарду ғаминг бирла жафони.



* * *

Эй кўрк ховарида кўзи Зухра, юзи ой,
Хони жамоли хуснунга, шоҳи фалак гадой.

Айнулҳаёт оғзинг уза сабзае Хизртек
Искандар кўнгулга букун бўлди раҳнамой.

Кўнглумки, ақлу сабру хирад бирла бой эди,
Ишқинг бир ўйинда жамъини берди бой.

Очсанг юзунгни, оқса кўзум ёши не ажаб,
Чун сел оқар ҳамеша, агар ёз очилса сой.

Оҳ, улдамеки сархушу сен натъи ноз уза,
Мен ўпгали аёфинги тутсам, десангки бой.

Не бор фалакта раҳму не сенда вафоу меҳр,
Эй дўст, мен бу толеъ ила қай сари борой.

Олғай магар, Атойини ҳижрон иликидин,
Лутфу алову давлату дин, сояи Худой.



То бениқоб кўргали ул ҳусн шоҳини,
Илмон кўзумга зарра фалак меҳру моҳини.

Зулфини юзга солди кўнгил мулкин олғоли,
Йиғди магарки, Чину Хўтаннинг сипоҳини.

Тахмир этарда тийнати одамни қудсилар,
Келтурди Жабраил анинг хоки роҳини.

Наргисга боқти деб мени ёзғурди кўзлари,
Усрук•киши билурму кишининг гуноҳини?

Ҳар гўшадин кўнгулга тикилур бало ўқи,
Ёд этсам ул қароқчи қароқинг¹ нигоҳини.

"Меҳригиё" дерлар они, топмади нетай,
Эктим кўнгулга меҳру муҳаббат гиёҳини.

Сиррингни жонда сақлар Атойи, валекин оҳ,
Беихтиёр чиқса, нечук этсун оҳини?



¹ Қўлёзмада "қароқингнинг" ёзилган. Биз вазн тақозосига кўра "қароқинг" деб ўқидик.

* * *

Анингки, бўлса санингтеқ нигори сарви қади,
Инояти азалидур, саодати абади.

Ажабки, саъй ила еткай этакингга иликим,
Магарки қўлдағай они иноятинг мадади.

Юзунгда обиди асном кўрса Ҳақ нурин,
Килиб сужуд, дегай ё санамни, ё самади.

Не деб десун киши, таркибини аносирдин,
Ки маҳзи руҳи қудсдур, санинг танинг жасади.

Қошингда ўзга кишини қачон кўра олсун,
Атойиким, ўзидин ёт ўлур ўзига жиди.



* * *

Кўнгил висол ила офатни кўрмагантек эди,
Йироқлик ичра масофатни кўрмагантек эди.

Фироқ лашкари ногаҳ қилди жонга ҳужум,
Йўқ эрса, фитнайи офатни кўрмагантек эди,

Юзунгни кўрмайин айёми ҳусни Юсуфдин,
Жамол ичинда изофатни кўрмагантек эди.

Кўзум манинг санга тўш бўлмағунча, хўбларнинг,
Юзинда нури латофатни кўрмагантек эди.

Атойи сўзлари лутфиға етмағунча киши,
Камоли зеҳну зарофатни кўрмагантек эди.



* * *

Эй бегим, сен қилмаған жонға жафойи қолмади,
Зулму бедоду гаму ранжу балойи қолмади.

Хўблар жавру жафосин, менму тортармен мудом,
Ё жаҳонда мандин ўзга мубталойи қолмади.

Хизр гўё муъжизин хаттингға бердиким, букун
Оби ҳайвонға жуз андин раҳнамойи қолмади.

Тишларинг, эрнингни чун кўрди мубассир жавҳарий,
Деди: "Дурру лаълға, эмди баҳойи қолмади".

Оби чашмимға рақибинг раҳм қилгондин бери,
Итларинг бирла эшикта можаройи қолмади.

То қошинг меҳробини кўрди азиз жонинг учун,
Бу дуогўйунг ўқумагон дуойи қолмади.

Билгасен, улдам Атойи қадрини, эй султони ҳусн
Ким, дегайлар ул фалон мискин гадойи қолмади.



* * *

Боғи биҳишт равзайи ҳуснунг кинояти,
Оби ҳаёт шаккари лаълинг ривояти.

Васлингдур ул, ки жондур анга қиймату баҳо,
Ҳуснунгдур ул, ки йўқтур анинг ҳадду ғояти.

Ҳусн элининг суюрғолини чун улоштилар,
Бўлди санингки, ҳар бири кўнглум вилояти.

Лаълингға сим алиф киби бормоқни келтуруб,
Дерсен, ки нуқтадур, бале хаттинг ниҳояти.

Солмон назарни ўзга санамлар жамолина,
Бўлди манго чу гўшайи чашминг инояти.

То подшоҳ бўлғоли сен ҳусн Мисрида,
Афсона бўлди Юсуфи Канъон ҳикояти.

Сўфи Атойи ҳолатини ўтканур, вале
Ишқ ишидур кишига азалдин ҳидояти.



* * *

Эй қўйғучи кўнгулға ғами ишқ доғини,
Зулфунг мушавваш айлади жоним димоғини.

Боқсун бўюнгни туби ниҳолин кўрай деган,
Кўрсун юзунгни орзулағон равза боғини.

"Нунул-қалам" румузини қошингдин онглағон,
Илмас кўзига нуқтача юз Қоф тоғини.

Маҳзи равону руҳ турур қадду қоматинг,
Ҳар неча синчилар киши боштин аёғини.

Талпинди ҳар тараф била қушдек кўнгил, вале
Жон бўйнидин айирмади зулфунг тузоғини.

Ичсун майи муфарриҳи гулранги ғамзудой,
Бу даврда ким истаса хотир фароғини.

Сочи бикин Атойи бошинг қўй аёғина,
Ёнсун десанг қошингда саодат чароғини.



* * *

Эй бегим, ийд ўлди, кел бир лаҳза сайрон қилғали,
Ийдгаҳ халқин менингдек жумла ҳайрон қилғали.
Барча қурбонлик қилурлар ийд учун, мен хастадил,
Келтурубтурмен санга жонимни қурбон қилғоли.
Боғламайдур ҳусн элинда тоқи меъмори азал,
Қошларингдек то бинойи тўққуз айвон қилғали.
Хотиримдин қилди форат дину дунё фикрини,
То хаёлингни кўнгул мулкинда султон қилғали.
Сарв бўйлуқларга йўқтур эътимодим, росте,
Ул сочи мушкин хито-чин ваъда ялғон қилғали,
Ёз фаслидур, вале мен ёр васлиндин йироқ,
Не юзим бирла борай мен гашти бўстон қилғали.
Гўйдек бўлди Атойи ҳар тараф саргашта ҳол,
Ул санамлар шаҳсувори азми чавгон қилғали.



* * *

Хазонтек айлади бахтим, бу йил фасли баҳоримни,
Ки ҳижронға мубаддал қилди ногаҳ, васли ёримни.

Бош олиб телба итлардек, рақиблар жавридин кеттим,
Чу билдим итча ҳам йўқтур, эшикта эътиборимни.

Саманд наълин ўпгайсен, туман таъзим ила мендин,
Ўтарда кўрсанг эй боди сабо, гулгунсуворимни.

Янгоғинг лолазорининг ғамида баски, бўлдум зор,
Чаманда бағри қон бўлди, эшитиб лола зоримни.

Бели, оғзи сирин, ҳар не ёримдин ёшурур эрдим,
Тўкулсун қони, фош этти улусқа ашкборимни.

Бу хокидин ёзуғсиз гар ғубори бўлса кўнглида,
Фироқи шукру лиллоҳ, қўймади гарду ғуборимни.

Атойиға етар буким, келиб итлоридан сўрса,
Эшикта билдингизму деб, манинг ул хоксоримни.



* * *

Эй лаблари шаҳду шакару Миср наботи,
Юсуф киби ширин ҳаракоту саканоти.

Чун ҳусну жамолинг тиламай сен садақангдин,
Етмасму гадоларға бирор ҳусн закоти.

Сўзларда кўруб, лаълинг дер сайрафийи ҳусн,
Бу лаълда бор хосияти оби ҳаёти.

Уммону муҳиту шату Жайхун, тенгизни,
Ёшурди фироқингда кўзум ёши Фироти.

Ҳар лаҳза қилур сажда Атойи бўсағангға,
Чун улдур анинг Каъбасию ҳам Арафоти.



* * *

Куяр жоним нетай дилхоҳ унутти,
Кўнгул аҳволидин огоҳ унутти.

Фалакка етса оҳим не ажабким,
Мени ул Зуҳра кўзлук моҳ унутти.

Қани бир мушфиқеким, ёд берса,
Гадойи мухлисин ул шоҳ унутти.

Бу қулға бор экан бисёр лутфи,
Не камлик бўлдимки, ногоҳ унутти.

Не йўлсиз келди мендинким, мунингдек
Азалдин жон ила ҳамроҳ унутти.

Фироқингда манга тасбиҳ бўлди,
Бу сўзким: "оҳ унутти, оҳ унутти!"

Атойи хайма ур мулки адамда,
Чу сендин ул бути хиргоҳ унутти.



Эй камоли дилраболиқ боғининг сарви қади,
Бир замон васлинг ҳаёти Хизру, умри сармади.
Бир кеча ойни юзунгининг қуллариндиндур дедим,
Ушбу сўзни, ой худ фил ҳол кўктин қармади.
Оразинг бирла латофат, даъви қилғон важҳидин
Гул, гаҳи урди сабоким, барг янглиқ титради.
Мен дағи бир остонингга юзум суртгай эдим,
Гар гадоларға муяссар бўлса шаҳлар маснади.
Басти зулфунгни манинг бўйнуғиға занжир айлади,
Тийнатим тахмир қилган, ҳуллада қудрат яди.
Котиби қудрат, хатинг таҳрир этарда гул уза,
Нуқтайи холинг магар ногаҳ қаламдин сачради.
Бар тариққим урар, ғамзанг қиличин кўзларинг.
Бор санингдур ҳар бири, ҳусну малоҳат сарҳади.
Доми зулфунг донасиндин, жон қушин сақлай дедим,
Ақлу ҳушим хирманин, охир муҳаббат ўртади.
Чун қадинг ишқинда жон берди Атоғи дунёда,
Оли ҳимматлар зиёратгоҳи бўлғай марқади.



* * *

Эй бегим, шаҳду шакар ширин сўзунгнунг бандаси,
Оҳуйи Чину Хўтан, икки кўзинг шармандаси.

Эй малоҳат кишварининг хисрави ғам тоғида,
Бизни Фарҳод айлади ширин дудоқинг хандаси.

Жон яқосин пора айлайким, манга бермас илик,
Ул бадандин пираҳаннинг толеъи фархундаси.

Соѐи зулфунг манинг бошимға бўлсун мустадом
Ким, ғаниматтур кишига умринунг пояндаси.

Лаълингиз берса Атойининг муродин жон олиб,
Эл дегайлар дуняда сизни анинг жонандаси.



* * *

Ҳар кимки, боқди ул кўзи айни бало сари,
Дардидин ўлди, боқмади бир дам даво сари.

Ҳуснунг закоти, қил назар, эй подшоҳи ҳусн,
Кўз учидин ўтарда, бу мискин гадо сари.

Не бўлгай эй жафочи, бирарда назар қилиб.
Қилсанг гузар маҳаллайи меҳру вафо сари.

Фарҳодтек ғамини, сабо ҳажр тоғида
Борсанг дегайсен, ул бути Ширин лиқо сари,

Ҳар тири ғамки, чархи фалак шастидин чиқар,
Ёзмай келур ҳамиша мен мубтало сари.

Зулфунг ғаминда бўлди нишона қаро бошим,
Отқил, хадангги ғамзани ушбу қаро сари.

Оғзинг ғаминда тортар Атойини ҳар нафас,
Йўқ қайғу бирла аҳли адамдек фано сари.



* * *

Эй кўнгул, асру севарсен, турфа кўзу қошни,
Оқибат хўблар йўлинда ўйнагунгдур бошни.

Бўлмағай ҳаргиз муқайяд, маънисиз сурат била,
Нозанинлар нақшида кўрган киши наққошни.

Умри жовидон берурда, Хизрға оби ҳаёт,
Шарбати лаъли лабингдин олди қатра чошни.

Неча йиғлай ҳасратингда пири Канъони бикин,
Раҳм қил, охир йигитсен, кўр, кўзумда ёшни.

Мунфаил қилди кузум ёши била кирпикларим,
Остонангда баса саққову ҳам фаррошни.

Гар сўра олмон отингни, афв қилсунким фалак,
Ногаҳон солди йироқ мандин ўшул қўлдошни.

Раҳмсиз қаттиқ кўнгуллуқ ёрға қилмас асар,
Бу санинг оҳинг Атойиким, эридур тошни.



* * *

Ало, эй хусни хулқу лутф бойи,
Фалак султони ой - юзунг гадойи.
Сочингдур анбари жаннат, ани мен,
Хато қилдим, дедим, мушки Хитойи.
Бу кун султони мулку хусн, сен-сен,
Далили давлат уш зулфунг хумойи.
Хаёли ҳолингиздин холи эрмас,
Замоне, бу кўнгул хилват саройи.
Юзунгга бўлғали қул, банда янглиқ,
Муборакдур ҳамиша байрам ойи.
Мену бир буриёву шишаи май,
Бор эй зоҳид, сену зуҳду риёни.
Ясат шамшоди наврасдин жиноза¹,
Бўюнг шавқинда жон берса Атойи.



¹ Жиноза - тобут.

Эй кўзунг сайди Хўтан гулзорининг оҳулари,
Анбару мушку хито-холу хатинг ҳиндулари.

Кўзларимтек ёшини ҳасратда уммон айлади,
Риштайи жон бирла тизган тишларинг инжулари.

Гар боши кўкка етар, ой бир ҳабаш қулдур санга,
Ҳар киши туймас мунинг, уш юзида билгулари.

Муъжизи Мусо қошинда бўлди Фиръавн аҳлитек,
Кўзларинг онлинда Кашмир элининг жодулари.

Гар саройи жаннатул Маъвода маскан айласанг,
Саҳнида жоруб бўлғай, ҳурлар гесулари.

Пиставу фундуқ талошур, ўхшамоқ тор оғзинга,
Мағзи йўқлуқдин эрур, йўқ нимада ёрғулари.

Йиғлатур қон ёш Атойи кўзларин юз ноз ила,
Бодайи гулгун ичарда, гунчадек кулгулари.



* * *

Ало, эй давлати васлинг, кўнгул матлуби мақсуди,
Сўзунгдур шаккари Мисрий, дудоқинг қанди Маҳмуди.
Телим зуҳҳоду обидни, магар гумроҳ бўлсун деб,
Яратти сен юзи ойни, еру кўкнингги маъбуди.
Ўшал соатки, сен туғдунг, мунажжим толеъинг кўргач,
Дедиким: "Ошиқ ўлтурмок турур, албатта мавлуди".
Табиблар манъ этарлар, хасталарни мевадин аммо,
Бўлубтур ҳаста кўнглумнунг янгоғинг норина пуди.
Жамолинг нурина одам ҳуснинда кўруб Шайтон,
Чу сажда қилмади, бўлди ҳамиша Тенгри мардуди.
Сени хўблар шаҳи дерлар, гадоларға қил инъоми
Ким, асру айб эрур валлоҳ, шаҳиким бўлмаса жуди.
Чу ошиқ бағри қонидин, суғординг тиғи ғамзангни,
Атойи жону кўнглидин, ҳам ул лаҳза илик юди.



* * *

Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,
Гул очилди, гулистон вақти бўлди.

Қилай нола, боқиб гулдек юзунгга,
Чу булбулларға афғон вақти бўлди,

Гулу булбул бикин гулбунлар ичра,
Нишоту айши пинҳон вақти бўлди.

Уқуб гул бахтини мажлисда ҳар дам,
Бўлуб сархуш, гулафшон вақти бўлди.

Туруб маҳбуб олида муҳибға,
Чу гул чоки гирибон вақти бўлди.

Муғанниларға булбуллар бикин зор,
Ҳазорон навъи илҳон вақти бўлди.

Бу дамким, гул қилур булбулға алтоф,
Атойиға ҳам эҳсон вақти бўлди.



Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди?
Вей тишлари дурру гуҳарим, нетти, не бўлди?

Кўнглум куяриндин санга мен панд берурмен,
Эй марҳами жону жигарим, нетти, не бўлди?

Сен бор экан ўзга кишига назар этсам,
Чиксун бу менинг дийдаларим, нетти, не бўлди?

Гаҳ жавр ила ўлтур мени, гаҳ ноз ила, сендин
Ҳаққо, ки менинг йўқ гузарим, нетти, не бўлди?

Эй лўбати Ширин, сени Фарҳод менгизлик,
Оламға ёйилди севарим, нетти, не бўлди?

Умрумни сенинг қуллуғунга сарф қилибмен,
Эй ўз қулидин беҳабарим, нетти, не бўлди?

Бир зарра сучук сўзни Атойидин аярсен,
Эй лаблари шаҳду шакарим, нетти, не бўлди?



* * *

Ҳар кимки, кўнглин ул сочи пурхамға боғлади,
Саргашта бўлди, жонини ҳам ғамға боғлади.

Лаъли хавосидур, ки улукни тирик қилур,
Тарсо бу сўзни Ийсойи Марямға боғлади.

Ҳайратқа қолди ақлким, ул шўх сеҳр этиб,
Олди камарни йўқ нимадин, кумға боғлади.

Хуршид чашмаси қошида сабзайи хизиртек,
Эй билмасун деб, ўзини Замзамға боғлади.

Анқодурур жаҳонда вафо, булбули фақир,
Билмай, кўнгулни гули хуррамға боғлади.

Ер, кўк таҳаммул айламаган ишқ амонатин,
Жони ҳазини хастайи одамға боғлади.

Бўлди Атойи сўзи жаҳоннинг мусаллами,
То кўнглин ул жамоли мусалламға боғлади.



Юзунгдин гар йироқ солсам назарни,
Нетармен кўзда бу нури басарни?

Лабингни қанда кўрмишким, уёттин
Ёшурди банд ичинда найшакарни.

Сени хуршед ўқуғондин ажабтур,
Ки султон бирла тенг дер дарбадарни.

Фариб эрур гадони сўрмоқ, эй шоҳ,
Сўрарлар жумла олам мўътабарни.

Бўюн сўнсам ғамингга айб эмаским,
Забун айлар муҳаббат шери нарни.

Рақибу зоҳид оҳимдин, куярлар,
Бале, ўт кўйдурур ҳар хушку тарни.

Атойи севди жондин қоматингни,
Севар Ҳақ бим йўлида ростларни.



* * *

Жамолингдур бу ҳаста жон умиди,
Ки гулдур булбулу бўстон умиди.

Гаҳи маржон тўкар, гаҳ дурри макнун,
Кўзумдин ул лабу дандон умиди.

Сочар юлдуз бикин тунлар юзумда,
Ёшимни ул ики чўлпон умиди.

Мени саргашта қилди гўй янглиғ,
Хами зулфунгдағи чавгон умиди.

Иноят қилки, бордур бу гадонинг,
Бошинда хидмати султон умиди.

Бу қул юз қатла ғамдин ўлгай эрди,
Бегиндин бўлмаса эҳсон умиди.

Атойи дардиға эй жон табиби,
Висолингдин эрур дармон умиди.



Эй мужассам руҳдин лаълингдатур Исо дами,
Хуснунга ошиқ фалак, ҳайрон пари, қул одами.

Бу қамар давриндағи ошуфта дил ушшоқнинг,
Шоми зулфунгдур "алайкум биссаводил аъзами".

Ўлтурур, доғи адам айлар мени холи лабинг,
Бовужудиким, эрур жони азизим ҳамдами.

Не ажаб жарроҳ эрур ғамзангким, онинг қошида,
Йўқтурур наштардин ўзга хасталарға марҳами.

Ойу кундин ҳуснунгуз бисёр эрур эй кошки,
Бўлғай эрди кўнглунгузнунг зарра аҳди маҳками.

Ушбу юзнунг олида ёлғуз тутулмас тўлун ой,
Ҳам эрур пайваста қошингдин янги ойнинг хами.

Гарчи оламда пари рухсоралар кўптур вале,
Бор Атойининг сизинг бирла бир ўзга олами.



* * *

Эй висолинг лаззати умру тириклик ҳосили,
Бўлмадинг бир ҳажр ила ўлган муҳиблар мойили.
Гар манга ойдур юзунг, ҳусн ичра аммо кўзларинг,
Шеваву нозу карашма илминингдур комили.
Қил назар, ҳирмон шамойил нораводур кўзлара,
Бўлмасун маҳрум эшикингдин бошимнинг сояси.
Сен пари ишқинда гар девона бўлсам қилма айб
Ким, хуш эрмас одамнинг асру ҳам кўп оқили.
Сақладим хунхорлиқ бирла кўнгулни муддати,
Шукри лиллоҳ бўлди охир дарди ишқинг қобили.
Юз уюрғай дер мени сендин рақибинг жавр ила,
Ҳақ билур муҳмалдур онинг бир хаёли ботили.
Ҳоша лиллаҳким Атойи, ўлса ҳам ўлдум дегай,
Чунки сен Исо нафас жононадурсан қотили.



* * *

Қачонким ўйнаса ул подшоҳ гўй,
Ўқур чавғонина юз минг дуоғўй.
Фигони зор этар саргашталардек,
Агар чавғонидин бўлса жудо гўй.
Зиҳи давлат, ки айлар кўзларига,
Сумандек хоки роҳин тўтиё гўй.
Бўлур ердин оғирроқ эл қошинда,
Вале, қуштек учар еткач санго гўй.
Ниҳоли гулмудур чавғонингизким,
Кезар теграсида мисли сабо гўй.
Бошинда бўлмаса бир ишқ ҳоли,
Мунунгдек бўлмас эрди мубтало гўй.
Атойитек магар хўблар қулидур
Ким, асру кўб чекар жавру жафо гўй.



* * *

Кўнглумни олғали зулфунг каманди,
Паришон бўлди ғамдин банд-банди.

Неча дафъи хумор этмас кўзунгким,
Лаби лаълингдатур Мажнун қанди.

Мулойимдур бўюнғ мадҳин ўқурда,
Мақоми "рост", оҳанги баланди.

Манга дармон ҳамин бас, буки дерлар,
Санингдек марҳами жон дардманди.

Не нисбат сарвға қаддинг биланким,
Эрур ул боғбонларнинг лаванди.

Ангаким, ишқ ҳоли бўлди ғолиб,
Асар қилмас насиҳатгўй панди.

Атойи шеърининг лутфини билса,
"Латофатнома"дин кечгай Хўжандий.



Гарчи қобил кўрмадинг жоно висолингға мени,
Қил суфориш, боре раҳм айлаб хаёлингға мени.

Гунбади чархи фалак қандилини ёндурғучи,
Айлади парвонайи шамъи жамолингға мени.

Лойиқ эрмас эрди дому донға кўнглум қуши,
Кўзларинг сайд эттилартек зулфу холингға мени,

Меваи беҳбудлуқ кўрмай висолинг боридин,
Нор янгоқинг солди сўнмас ўту ёлингға мени.

Ваъдаға қилғум вафо дегунча ёлғон сўз била,
Бир йўли бутгил дегил амри маҳолингға мени.

Эй малоҳатгўй, ман саргаштадурмен зулфидин,
Билмайин қилма қиёс осуда ҳолингға мени.

Дер Атойи ул ҳуснғаким, қуяр бол ирнига,
Жони ширинимға еткур, боғла болингға мени.



* * *

Ғамдин ўртанди кўнгул, айламансан шод ани,
Ғанжи ишқингдур бузулди, қилмадинг обод ани.

Ростлиқа боқса қадинг, ишқида бўстон аро,
Сарв бир тўғри қулунгдур, тик дер эл озодни.

Асру кўп ичти магар, ҳуснунг майин усрук кўзунг,
Уйғата олмас бу мунча нолаву фарёд ани.

Шевада қошинг, кўзунг шогирдидур билмон нега,
Юқори ўлтуратур ўзиндин ўшал устодни.

Бўлди қошингдин жудо ёйтак Атойининг бўйи,
Ё сен ўқ, ўлтур ўзунг, ё қил бирорда ёд ани.



Оғзининг фикринда кўнглум боре пайдо бўлмади,
Зулфидин бошимда жуз ташвиши савдо бўлмади.

Гул юзиндин мунфаил насрин Ирам бўстонида,
Қоматиндин Тубийи Фирдавс аъло бўлмади.

Лолатек рухсорасинда анбарин холи учун,
Нофайи мушки Хутан йўқтурки лоло бўлмади.

Лаълининг Исо дами тарсочининг зунноридан,
Қолмади бир зоҳиди обидки тарсо бўлмади.

Зеҳни нозиклар муаммо истилоҳин тузгали,
Оғзитек мушкилкушо ҳаргиз муаммо бўлмади.

Украна олмас рақиби бирла ул илми вафо,
Оре бе хуршеди тобон, зарра, пайдо бўлмади.

Ёрсиз мунглуғ Атойининг вужудидур адам,
Кимки нодонға мусоҳиб бўлди доно бўлмади.



* * *

Қилча жонимға ўшал зулфи қаро қасд айлади,
Ул ало кўзлар дағи кўнглум оло қасд айлади.

Гул юзунгдек тозаву рангину софу обдор,
Топмади, гулшанда ҳар неча сабо қасд айлади.

Қош ёсин тортиб кўзунг, ҳардам юракни ёрғунг,
Ҳар хадангким отти, бағримни яро қасд айлади.

Гар балокаш айлади зулфунг учун кўнглум мени,
Айб эмаским, ул дағи ногаҳ бало қасд айлади.

Ақли кулл фаҳм этмаган, белинг хаёли нозукин,
Аҳсаналлоҳким магар, бас мунтаҳо қасд айлади.

Ҳар кўнгулким, тутмади жоду кўзунгдин гўшае,
Гўшалардин жонига юз минг бало қасд айлади.

Кўз била ёшин Атойи парвариш қилди вале,
Фош қилди розин охир ҳам анго қасд айлади.



* * *

Андаким катми адамдин қили Ҳақ¹ пайдо мени,
Зарратек оғзинг хаёли айлади шайдо мени.

Ёнғамен шамъи жамолинг олида парвонатек,
Ёнмағаймен ҳар нечаким, қилмасанг парво мени.

Ҳар нафас жоним олур ул икки жоду сеҳр этиб,
Тиргузур ҳар дам-бадам, бу лаъли руҳафзо мени.

Сақладим сиррингни йиллар, жону кўнглумда вале,
Кўз ёшим оҳим била қилди бу кун расво мени.

Эй сочинг куфру, юзунг иймон, фироқингда мени,
Раҳм қилгай кўрса габру кофиру тарсо мени.

Қош ёсиндин кўзунг, ҳар бир хадангиким отар,
Ё нишон айлар бағирни, ё юракни, ё мени.

Эй Атойи, бу хаёли хомдур сандин, десанг
Ким, даме ёд этгай ул сиймин бадан раъно мени.

* * *

Тамматул китоб. Девони шайхзода

Атойи аҳсаналлоҳу авоқибаҳ.

(Таржимаси: Девони шайхзода Атойи китоби тугади.

Аллоҳ унинг оқибатини (охиратини) обод қилсин).



¹ Қўлёзмада "пайдо" сўзи "Ҳақ" сўзидан олдин ёзилган. Шубҳасиз бу котибнинг хатоси, чунки "пайдо", "шайдо" "парво" каби сўзлар қофиядаш бўлиб, "мени" радифидан олдин келиши керак.



А

Арғувон - арғавон - баҳорда очиладиган қизил гулли бир дарахт.

Асру - жуда кўп, ортик, бениҳоя, талай, ғоят.

Атласпўш - атлас кийимлик, атлас кийган.

Афлок - фалаклар, осмонлар (бирл. фалак).

Аёлғу - ўлан, ашула, ялла, куй, мақом, оҳанг.

Ашк - кўз ёши.

Ашҳаб - оқимтир, кулранг тус ва шу ранглардаги от, бўз от.

Ақдоҳ - кадаҳлар, пиёлалар (бирл. кадаҳ).

Уқбида - охиратда, қиёматда.

Аҳад - бир, ягона. Худо, Тангри.

Аҳлан ва саҳлан - "хуш келибсиз, яхши келибсиз, марҳамат!" каби яхши тилакларни ифодалайдиган сўзлар.

Аҳмар - қизилроқ, қизғиш, қизил.

Б

Бад - ёмон, ярамас, ёвуз, ёқимсиз.

Бадр - ўн тўрт кечалик тўлишган ой, тўлин ой. Бадри мунир - нур сочиб турган тўлан ой.

Биҳамдиллоҳ - Худога шукр, Худога ҳамду санолар бўлсин.

Биру бор - Аллоҳнинг бирлиги ва борлигини ифодаловчи ибора

Билол - Муҳаммад алайҳиссалом даврида масжидда азон айтадиган, товуши ниҳоятда кучли бўлган ҳабаш саҳоба.

Бар саре - бошга, бошда.

Байтул Ҳаром, Байтул Ҳарам - Макка шаҳридаги Каъба деб аталган машҳур зиёратгоҳни шу номлар билан юритадилар.

Бут - бут, санам, севгили, маъшуқа. Бути айёр - айёр, алдамчи, гўзал.

Тасаввуф истилоҳида* мақсад ва матлабдир; бошқа бир сифатлар билан солиқ қалбида зоҳир бўлувчи но- зик маънолар.

Бўса - Т.и. руҳнинг жисм билан лаззатланиши ва да- вомли мувоқаба.

Бўса, канор ва ғамза - Т.и. солиқнинг нисбати ва да- ражасига кўра воқеъ бўлувчи файз ва ботиний жазбол.

Бурранда - кесувчи, ўткир нарса.

Бани одам - Ҳазрат Одам алайҳиссалом ва Ҳавво она- миздан тарқалган зурриётлар. Одам болалари, одам авлоди, инсонлар.

Бараҳман, барҳаман - оташпарастлар ибодатхонаси- нинг руҳоний бошлиғи.

Барот - оқлик қоғози, подшоҳ томонидан берилган халоскорлик ёрлиғи, ҳижрий ҳисоб билан сак- кизинчи ой "шаъбон".

Баста - боғлиқ, банд, боғланган.

Беҳбудлиқ - яхшилик, гўзаллик.

Бикин - каби, ...дек, ... ўхшаш, сингари.

Биҳил - кечиш, гуноҳни баҳридан ўтиш. Биҳил қилмоқ - гуноҳни баҳридан ўтиш.

Боб - эшик, фатҳи боб - эшикни очиш.

Бор - юк, ҳосил, мева, бор, карра, ижозат, қабул, са- рой, қаср.

Ботил - бекор, беҳуда, нораво.

Бурқаб - парда, ниқоб.

Бўбак (бубак) - кўз қорачиғи.

Басе - кўп, жуда кўп, кўп мартаба, ғоят, шу қадар.

Буъди макон - узоқ ер, жой узоқлиғи.

Баҳр - дарё, катта дарё, денгиз. Шейрда вазн, ўлчов маъносида.

Биҳишт - жаннат, энг гўзал боғ.

Ботин - ички томон, ич, кўнгил (зоҳирнинг зидди).

Бот - "ботмоқ" феълининг ўзағи, тез, шитоб, тезликда.

Бош индурмак - таъзим қилмоқ, қойил қилмоқ, пи- санда қилмоқ.

Бурё - бўйра, бордон.

* Бундан кейин қайси сўз изоҳи олдида "Т.и." ҳарфлари қўйилган бўлса "Тасаввуф истилоҳида" деб ўқилсин.

В

- Вабол, вубол** - айб, гуноҳ, увол, огирлик, қийинчилик.
- Важҳ** - юз, бет, чехра; важ, сабаб, баҳона, йўл; хизмат ҳақи, маблағ, нақдина пул. Т.и. Ҳақ зотининг, файз еткарувчилик жиҳати.
- Ваҳдат, ваҳдоният** - Бирлик, танҳолик, ягоналик. Аллоҳ таолонинг ягоналиги; воҳид - тенги, шериги йўқ ягона Зот, асмой ҳуснодан бири.
- Ваҳдат майи** - Аллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатига эриштирадиган илоҳий май.
- Васл** - бирикиш, ёрга етишиш, эришиш, қўшилиш. Т.и. зуҳур ва шуюн (даража, ҳол) орасида восита бўлувчи ҳақиқий ваҳдат.
- Висол** - Т.и. ваҳдат мақоми. Тариқат машойихларининг сўзики, "Манозил ул-вусли ло юқтаъу абад ул-абад фил умрил касирид дунявий" (Маъноси: Васл манзилларини абадул абад дағал дунёвий умрда босиб ўтиб бўлмайди)
- Важҳи маош** - тирикчилик манбаи, тирикчилик учун зарур нарса.
- Воло** - баланд, юқори, улуғ, катта; ипақдан тўқилган майин мато.
- Ве** - ва, э!
- Вей** - ва, эй!
- Вужуд** - Т.и. Ҳақ вужудига айтилади. Вужудни нафй ва исбот қилиш - Ҳар лаҳзада бу табиий вужудни инкор қилмоқ ва Маъбуди ҳақиқийни исбот қилмоқдир. Вужудни инкор қилиш йўлларнинг энг яқинроғи ихтиёрдан ва ортиқча амаллардан кечиш орқали амалга ошади. Тариқатда махсус "нафйи исбот" зикри мавжуд.

Г

- Габру кофирбачча** - Т.и. ваҳдат оламидаги садоқат-дурким, қалб юзи мутлақо мосиводан юз ўгириб, фано зулматидан жой олган бўлади.
- Гарми (иссиқлик)** - Т.и. муҳаббат ҳароратига айтилади.

Гесу (ўрилган соч) - ўрилган соч, кокил. Т.и. соликни галаб йўлида Ҳаққа етқарадиган ип-арқон; Висол ва боғланишни талаб қилиш йўли бўлиб, ғайб оламидан иборат бўлган мутлақ жамол ва Ҳақ дийдоридир.

Гулгун чехра - Т.и. комил ориф қалбида порловчи мутлақ тажаллий; уйқу ё беҳушлиқда моддадан ташқарида бўлган тажаллиёт.

Гавҳар (гуҳар) - инжу, дур, ёқут, олмос каби қимматбаҳо тош, асл, насл-насаб, келиб чиқиш, асосий хусусият, материя, моҳият, аслият маъно, туб, асос. Тасаввуфда асл жавҳар Тангри таолодир. Гавҳар деганда илоҳий маърифат тушунчаси ҳам англашилади.

Гарди пой - оёқ чанги-ғубори. Сўфийлар ўз жисмларини чангга тенглаштирганлар.

Гардун - фалак, осмон, кўк.

Гирубаст - таъзим кўрсатиш, кўнгил олиш, мафтун этиш.

Гўй - тўпга ўхшаш ҳар бир юмалок нарса, тўп, шар, "чавгон" ўйинида ўртага қўйиб, от устида учи эгри узун таёқ билан ўйналадиган кичкина ёғоч тўп.

Гўянда - ашулачи, куйчи.

Д

Дайру харобот - Т.и. маъно олами ва комил орифнинг ботинидир.

Дарвиш - нафснинг ҳавойи орзуларидан қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган, дунёвий лаззатларни тарк этиб ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи.

Даҳан (оғиз) - Т.и. хафий сирри-махфий сир. Инсоннинг фаҳм ва ваҳмидин пок ва муқаддас бўлган мутакаллимлик сифатидир. Калом (сўз)нинг асрор ва нозик маъноларига ишора қилиниб, оғиз тор ва кичикликда зарра ва нуқтага ташбиҳ қилинади.

Дил (қалб) - орифлар тилида илоҳий сирлар макони ва махзани бўлган қалбдир. Ва яна "нафси нотиқа" маъносида ҳам келади. Руҳ ва нафс орасидаги му-

жаррад нуроний жавҳардир. Ҳақимлар уни нафси нотиқа дейдилар. қалб икки хил маънода қўлланади: 1. Инсон сийнасининг чап томонидаги аъзоси. 2. Инсоннинг чап сийнасидан икки бармоқ пастда жойлашган руҳоний латифа бўлиб, раҳмоний файз, нур нозил бўладиган, тажаллига мазҳар жойдир. Таасаввуфдаги "Дил назаргоҳи Ҳақ" деган таъриф ёки "Мўъминнинг қалби - Аллоҳнинг Арши" деган ҳадис, шунингдек "Ер-осмонга сифмадим, мўъминнинг қалбига сифдим" деган ҳадиси қудсийлар инсон қалбининг илоҳийлиги ва имкониятларининг чексизлигидан дарак беради. Бироқ илоҳий таважжуҳ, зикр, фикр ва саодатлар билангина бу қалбнинг сир-саноат ва имкониятлари юзага чиқади. Суфийлар қалб деганда айнан шу руҳоний латифани назарда тутганлар.

Дилбар - кўнгил олувчи. Орифлар тилида тажаллиёт вақтида кўнгилни нуроний қиладиган нарсага дилбар дейилади.

Дилдор - дилга ором берувчи, кўнгил оловчи, кўнгилли, севгили, маҳбуба, ёр. Т.и. Аллоҳ, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ва улуф зотлардан киноя.

Дод - инсоф, адолат, ёрдам тилаш.

Дашном - сўқиш, қарғиш, айбини бўйнига қўйиб уялтириш.

Дегул - эмас.

Доғи - тағин, яна, ҳамда.

Дўст - кўнгилга яқин киши. ёр. Т.и. Баъзан Аллоҳ, Муҳаммад алайҳиссалом ва муршиди комилларга ҳам дўст деб мурожаат этилади.

Дурр, дур - инжу, марварид.

Доғилмоқ - тарқалмоқ, сочилмоқ, таралмоқ.

Дурафшон - дур сочувчи, мажозан: ажойиб шеър тувчи, гўзал сўзловчи.

Дарюза - тиламчилик, сўраш, тилаш.

Дилжўй - кўнгил оловчи, кўнгилга тасалли берувчи, эркаловчи, кўнгил сўровчи.

Ё

Ёзи - чўл, дашт, саҳро.

Ёзуғ, ёзуқ - гуноҳ, айб, айбдорлик.

Ёнмоқ - тавба қилмоқ, қайтмоқ, ўт олмоқ.

Ёрғу - ҳукм чиқариш, келиштириш, жазолаш; қаршилиқ кўрсатиш, уришиш, молни олиб сақлаш, ҳимоя, қабул.

Ж

Жалол - Улуғлик, азамат. Аллоҳнинг буюклик, иззат, кибриё ва қаҳрга далолат қиладиган васфлари.

Жамол - Ҳусн, гўзаллик; юз, бет. Т.и. маъшукнинг ошиқдан эҳтиёжсизлиги туфайли камолини зоҳир қилмоққа айтилади. Маъшук, ишқ ва ошиқликдан эҳтиёжсизлик изҳор қилганда, ошиқнинг ўзлиги ва ғурурини йўқ қилиши, ожизлик изҳор этишидир. Ва яна Худованднинг лутф ва раҳмат сифатлари. Ҳақнинг тажаллиси. Ошиқнинг кучли рағбат ва талабига кўра, маъшукнинг манзурга лутфан камолини зоҳир қилмоқ. Жамол - Аллоҳнинг лутф-эҳсон ва марҳаматига далолат қиладиган васфлари. Ҳақнинг лутфу эҳсон бирла қилган тажаллиси; жамоли илоҳий.

Жон - инсон руҳи, раҳмоний нафас ва Ҳақ тажаллиётидир. Ва яна воҳидият ва жабарут оламида илоҳий тажаллидан зоҳир бўлган аъёни собита ва ҳақиқатдир.

Жом - қадах, май пиёласи. Т.и. маърифат бодасидан тўла, орифнинг дил ва аҳзоли. Баъзилар жомбадан, жисм баданни тозаловчи, софловчидир, дейдилар, зеро комил ориф илоҳий бода жомидан ичади ва тавҳиддан сармаст бўлади. Соғар, суроҳи ва мино атамалари ҳам ориф қалбини англади. Бу қалб-хумхона, майхона ва майқада иборалари билан ҳам таъбир қилинади. Мастлик деганда, ишқнинг чулғаб олиши, ботиний ва зоҳирий сифатлар, маърифат сархушлигига фарқ бўлиш назарда тутилади.

--- **Жоми жаҳоннамо** - Т.и. комил инсон ва Ҳақ эранларининг ботини.

Жоми Жам (Жамшид) жоми жаҳоннамо - Жамшид жоми. Манбаларда ёзилишича, Таҳмураспнинг ўғли Жамшид қадимий Эроннинг пешодийлар сулоласининг 4-ҳукмдори бўлган. 700 ёки 1000 йилга яқин яшаб, инсонларга зарур кўп нарсаларни ўйлаб топган. Жумладан, қурол-аслаҳа ясаган, бинолар ва ҳаммом қурган. Одамларга либос тикиш, кемасозлик, табибликни ўргатган, наврўз байрамини жорий қилган. Гавҳар ясашни ўйлаб топган ва гавҳарли тахт ясаган. Бу тахт Жамшид тахти, Жамшид маркаби, Жамшид чодир, Жамшид курсиси каби номлар билан аталган. Шунингдек, Жамшид "жоми жаҳоннамо" - жаҳонни кўрсатувчи жом ҳам ихтиро қилиб, унга назар солиш билан жаҳондаги воқеаларни кўриб турар эмиш. Бу жом Кайхисравга сўнгра Дорога ўтган экан. Саъдий Шерозий ҳам "Гулистон" асаридан биринчи бўлиб тўн тиккан ва қўлига узук таққан киши Жамшид эканлигини айтган.

Алишер Навоий эса "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асаридан Жамшид салтанатининг тараққиёти ва таназзули ҳақида маълумот берган.

Ирфоний адабиётдаги "жом шароби" илоҳий сирларни ошкор қилиши билан "жоми жаҳоннамо"га қиёс қилинган. Мутасаввифлар ғайб асридан воқиф қалбни ҳам "жоми жам"га ўхшатишган. Солик бу "жоми жаҳоннамо" қалбига назар солиб, унинг сирларидан оғоҳ бўлади ҳамда қалбини ғурур ва ўзлигидан халос этиб, дўст ишқи билан лиммо-лим тўлдиради.

Жовид - мангу, абадий.

Жониб - тараф, томон.

Жоруб - супурги.

Журъа - қатра, бир ютум, бир қултум.

Жуз - ўзга, бошқа.

Журм - гуноҳ, жиноят.

Жўйбор - ариқ.

- Забун** - ожиз, нотавон, бечора, кучсиз, мағлуб, енгилган.
- Завқ** - хурсандлик, шодлик; лаззат, маза, кайф. Т.и. ишқ лаззати ва унинг ошиқда мавжудлиги. Муҳаббат чақмоғининг порлаши пайтида солиқнинг Ҳақни зоҳир ва мушоҳада қилишидаги илк ҳолат ва даржаси. Бу мушоҳада-мушоҳада қилувчининг завқ ва машрабига кўра юксак ё паст даржада бўлади. Завқ қанчалик бўзуқ хилт, аралашмалардан соф бўлса, мушоҳада этилувчи зотни идрок қилиш, васл ҳаловатини туйиш ва кўриш лаззати шу қадар мусаффо ва тотлироқ бўлади.
- Закот** - Моли нисобга етган мусулмонлардан уларнинг умумий бойлигининг қирқдан бири миқдориди ҳар йили олинадиган диний солиқ. Закот фақир, мискин ва муҳтожларга берилади.
- Занах, зақан, занаҳдон** - бақбақа, сақоқ, энгак. Т.и. илоҳий тажаллига мулоҳаза ила назар солиш лаҳзаси. Жамол мушоҳадаси бўлган лаззат мақоми.
- Зарҳарида** - пулга сотиб олинган нарса.
- Зариф** - зийрак, хуштабъ, нозикфаҳм, хушчақчақ.
- Зикр** - эслаш, тилга олиш, ёд этиш. Сўфийликда зикр тил, кўнгил ва руҳ билан бажарилади. Зикр икки хил: ошкор ва махфий бўлади. Мутасаввифлар фикрича, тоат-ибодат билан машғул бўлиш, Аллоҳ, пайғамбар ва муршиди комилларни ёд этиш ҳам зикрнинг бир туридир. Зикрсиз тасаввуф бўлмайди.
- Зиҳи** - яхши, жойида, гўзал, ажойиб. Бирор нарсанинг ғоят гўзал ва яхшилигидан ҳаяжонланиш. Қандай яхши! Қандай гўзал!
- Зойил** - ботувчи, йўқ бўлувчи, ўчадиган.
- Зулф** - Аёлларнинг икки чеккасидан тушиб турган кокиллари. Зулфнинг тасаввуф адабиётида бир қанча маънолари бор. Жалолий тажалли ва тариқат мушкilotлари; мутлақ жамол ваҳдатининг тўсилишига сабаб бўладиган жамолий тажалли ва жалолий сифат; зулф-яширин моҳиятдурким уни англаш

ва идрок қилишга ҳеч ким қодир эмас; оламнинг фаройиб суратлари; йўқлик олами. Зулф бу - ваҳдат мартабаси ва Аллоҳ таолонинг зотидурки, унинг сир-саноатига етмоқ мумкин эмас. Шунингдек, зулф қудрат ва жамол тажаллисининг сифати бўлиб, у ваҳдатга тўсиқдир. Ва сўфийлар истилоҳида зулф тугал, бўлак нарсалар - ақл ва ҳис билан идрок қилинадиган нарсалар, арвоҳлар ва жисмлар, жавҳар ва аразларнинг даража-мақомлари имкониятидан киноятдур.

Шунингдек зулф - куфр зулматидан ҳам киноя. Тасаввуфда зулфнинг узунлиги, беқарорлиги, гажаклиги, хамлиги, паришонлигининг ҳам ўзига хос маънолари бор. Айтайлик, зулфнинг хамлиги-илоҳий асрор демак. Унинг узунлиги - борлиқ мавжудотнинг кенлиги. Беқарорлиги оламнинг ўзгарувчанлиги ва ҳоказо.

XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган туркигўй шоиримиз мавлоно Атоийи бир байтида:

*Ҳар маърифатки, шайх ани таҳқиқ сўзи дер,
Билмас муники маънийи ул-зулфу хол эрур, -*

деб ёзганда тасаввуфдаги "зулфу хол" атамаларининг илоҳий маърифат ва ҳақиқатларга ишора қилувчи рамзий маънолари борлигин таъкидлайди.

Зулф гажаги - Илоҳий сирларнинг махфийлиги; тариқат мушкулотлари; шаҳодат (кўз билан кўриладиган, мавжуд) оламда илоҳий асрорнинг пинҳонлиги.

Зуннор - мусулмон давлатларида яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир. Т.и. соликнинг дин ва яқин (ишонч, эътиқод) йўлида садоқат ва яқдиллик билан итоат этиши; нафснинг итоат ва фармонбардорлиги ва риёзат аҳли қошида хизмат қилиш.

Зоҳид - дунёвий ишлардан юз қайтариб, тоат-ибодат билан машғул бўлган киши. Баъзи зоҳидлар шариатнинг зоҳирини ушлаб, ботинидан беҳабар бўлгани учун ҳам танқидга нишон бўлган.

И

- Иксир** - мис, қалай каби қиммати паст маъданларни олтинга айлантириш ҳамда барча касалликларни дафъ қилиш хосиятига эга деб ишонилган фаразий кимё "илми". Т.и. камолга эришган улуғ зот (пир) нинг назари, таъсири. Фавқулодда таъсир кучига эга бўлган нарсалар: масалан, ишқ, ошиқлик.
- Иллик** - йиллик.
- Илик** - қўл, суяк (суяк илиги).
- Илҳоқ** - қатъий ундаш, қистов, бирор ишни ижро этишга қаттиқ зўрлаш.
- Инфиол** - хижолат тортиш, уялиш, бирор нарсадан таъсирланиб тортиниб туриш.
- Истиқомат** - тўғри, дурустлик. Диний амрларга тўла риоя қилиш, қайтариқлардан қочиш ҳолатидаги давомийлик. Яхши ва гўзал одатларнинг сарф қилинган ҳаракатлар натижасида иккинчи бора габиат ҳолига келтирилиши. Ақлга ва динга кўра ҳаракат қилиш, ҳеч нарсани Аллоҳнинг иродасидан устун қўймаслик.
- Ишва** - аёлларнинг нозли, мафтун этувчи ҳаракати. Т.и. жамолий тажалли.
- Ишқ** - кўнгил бериш, жондан севиш. Тасаввуфда Ҳақнинг зуҳурига сабаб бўладиган дастлабки сифат. Аллоҳга бўлган ишқ "ҳақиқий" Аллоҳ яратган нарсаларга бўлган ишқ "мажозий" дейилади.
- Исирғанмоқ** - иссиқламоқ, қизимоқ.
- Ишратпеша** - шодлик ва хурсандлик бахш этувчи, хушвақтлик келтирувчи.
- Иҳё** - тирилтириш, жонлантириш.
- Иҳтироз** - сақланиш, эҳтиётланиш.

Й

- Йилон** - илон.
- Йўқ эрса** - йўқса, бўлмаса.

К

Калисо - насронийлар ибодатхонаси, черков. Т.и. ҳайвоний оламни айтадилар.

Камол - етишганлик, қусурсиз ва камчилкисиз бўлиш, Камол-и мутлақ; Илоҳий камол; Инсон-и комил: валий, муршид, намуна инсон, ўрнак инсон, қутб, ғавс, ғавс-и аъзам, қутбул-ақтаб.

Кабк - каклик, кабки дари - тоғ каклиги.

Каъб - тўпиқ суяги.

Каъбат - болалар ўйнайдиган ошиқ.

Каннора (канора) - қирғоқ, чет. Қучоқ. Канора тутмоқ - четламоқ, ўзни олиб қочмоқ, холи бўлмоқ.

Карам - яхшилик, олижаноблик, эҳсон, марҳамат, сасхийлик.

Катон - канопадан тўқилган кийимлик.

Кибрит - олтингугурт, гугурт. Кибрити аҳмар - кимёгарлар тушунчасида қандайдир бир фавқулодда ғаъсир кучга эга бўлган мавҳум модда, тош (қизил тош).

Кеш, киш - териси пўстин, ёқа ва телпака ишлатиладиган қора тусли ҳайвон (қундузнинг бир тури), қора пўстин, қундуз пўстин.

"...Кунту канзан..." - ҳадиси қудсийдан олинган ибора. Ушбу ҳадиснинг тўла таржимаси шундай: "Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам айдилар: "Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло айди: "Мен бир гўшаи қаноатда ёшуруғлуғ ганж эрдим. Мани Тангрилигимни ҳеч ким билмас эрди. Ўз қудрагимни билдирмакни дўст тутиб, қамуғ оламни халқ қилдим. Мени бирлигимга иқрор қилсунлар деб". (Рабғузий. "Қасисул анбиёи туркий". Тошкент, 1898. 3-бет.)

Куффор - динсиз, ишонмовчи, инкор этувчи, ғайри дин. Мажозан: раҳмсиз, раҳмсиз севгили.

Ком - танглай, мурод, мақсад.

Кофиркеш - кофир қилиғли, кофирсимон, кофирфеъл.

Кох - сомон, сомон чўпи.

Куҳл - сурма.

Куй - Кўча, йўл; маҳалла, қишлоқ.

Кўнгил - "Дил гўё (гапирувчи) бўлиши учун жидду жаҳд қилмоқ керак, дил гўё бўлгач, у ҳеч ўлмай-диган ҳаётга етган бўлади". Байт:

*Ҳаргиз намирад он, ки дилаш зинда шуд ба ишқ,
Сабт аст бар жаридан олам ишқи давоми мо.*

(Ҳофиз Шерозий)

(Дили ишқ билан тирик бўлган киши ҳеч қачон ўлмайди, Олам рўзномасига бизнинг доимий ишқимиз шундай деб ёзилган).

Дил зикр билан гўё бўлганда ҳам, тил билан зикр айтишдан ҳам қолмаслик керак...

"Банда сирининг Ҳақ субҳонаҳудан бошқа нарсалардан поклигининг белгиси шуки, одамларнинг адашувини ҳам тўғри деб ҳисоблайди".

Ҳожамиз қуддиса сирруҳдан сўрадилар: "Ейиш пайтида ҳар бир аъзо бир ишга машғул, дил бу пайтда нима билан машғулдир?" Жавоб бердилар: "Ҳақ субҳонаҳу зикри билан". Буюрдилар: "Зикр айтишдан мақсад "ла илаҳа иллаллоҳ" эмас, балки сабабдан сабабгача бориш ва неъматни сабабчидан деб билишдир".

(*"Баҳоуддин Балогардон"* китобидан)

Кухқан - тоғ қазувчи (Фарҳоднинг лақаби).

Л

Лаб - Т.и. мавжудотга вужудий файз еткарувчи раҳмоний нафас; лабдан мақсад калом (сўз)дир ва раҳмоний нафасга ҳам ишорадурким, ашёлар вужудига файз бағишлайди. Лаб-жонни қувватлантирувчидурким, шариат тилида "нафхи руҳ" дейилади. Шунингдек, лаб - ошиқларни файз ва хурсандчилик билан сийлаш; илоҳий оламидан нозил бўлган сўзлар пайғамбарларга фаришта орқали, валиларга илҳом орқали нозил бўлади.

Лаби лаъл - Т.и. маъшуқ каломининг ботиний маъноси. Лаби лаъл - аҳволнинг софлиги ва нозиклиги

ҳамда ҳусну жамол гўзалликлари зикрини қамраб олган сўзлар.

Лаби ширин - Т.и. идрок қилинадиган бевосита но-зил бўлган сўзлар. Ҳадиси қудсий ва воридоти ғайбийлар каби.

Лиқо (юз, чеҳра, кўриниш) - маъшуқ зуҳур этади ва ошиқ у эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Лутф - Т.и. мураса, мадад ва тин олиш билан маъшуғнинг ошиқни тарбият қилишидир. Токи у (ошиқ) жамолнинг нур ва товланишига тўла қувват ҳосил қилсин.

Лавҳашаллоҳ (асли ло авҳашаҳуллоҳ) - Аллоҳи таоло уни ваҳшатга солмасин, қўрқитмасин! Бу сўз ғазалларда ҳайрат, таҳсин ва офаринни ифода-лаш учун ҳам ишлатилади.

Лайлатул меърож - Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожга кўтарилган кечалари.

Раҳматан лил оламин - Ҳазрат пайғамбаримизнинг "оламларга раҳмат" бўлиб юборилганлик сифати. Аллоҳу таоло Қуръони каримда "(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), дарҳақиқат, Биз сени барча оламларга раҳмат қилиб юбордик" деб башорат берган (Анбиё сураси, 107-оят).

Лоло - ярқироқ; қул, банда, ғулум.

Ло яъқил - ақлдан озган, эсини йўқотган, ҳушсиз.

Латиф - юмшоқ, мулойим, гўзал, келишган, ёқимли.

Лаъл - қизил рангли тош, мажозан: қип-қизил лаб, севгилининг қизил лаби. Қизил сиёҳ билан ёзилган хат.

Лиманил-мулк - Мулк кимга тегишли? Бу иборада Қуръон оятига ишора бор. Яъни, "Лиманил мулкул явм. Лиллоҳил воҳидил қаҳҳор - Улар (бандалар) ташқари чиқсалар (қабрлардан) ўша кун (қиёматда) бирорта ишлар ҳам Аллоҳу таолодан махфий қолмайди. (Яъни, Аллоҳу таоло бандаларнинг барча ишларини билади ва" ҳисоб-китоб қилади). Ана шу кун Аллоҳ: "Бу куннинг мулки (подшоҳлиги, ҳисоб-китоби, бошқаришлиги) кимга тегишли?" - деб хитоб қилади! Бандалар бир

овоздан: "Бу куннинг мулки ягона ва қаҳрли Аллоҳгагина тегишлидир", - деб жавоб берадилар. (Қаранг: Ғофир сураси, 16-оят).

Луъбат - ўйинчоқ, қўғирчоқ, найранг, гўзал.

Луълу - гавҳар.

Лиллоҳ - Худо учун, азбаройи Худо.

М

Мабҳас - мубоҳаса қилинадиган, орага ташланадиган масала, мавзу; китоб ёки рисоладаги бўлим.

Магас - чивин, пашша.

Мадид - чўзилган, чўзиқ, узоққа тортилган, давомли.

Мадҳ - мақтов, мақташ.

Мажоз - ўзининг туб маъносида ишлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш орқали бошқа маънода ишлатилган сўз, метафора, аллегория. Ҳақиқий эмас.

Маин - оқадиган, оқар. Мои маин - оқар сув.

Май - ичкилик, бода, шароб. Т.и. илоҳий ишқни билдиради.

Май жоми - Т.и. маърифат бодасидан тўла шайхнинг қалби.

Майхона - Т.и. илоҳий ишқ бериладиган жой, хонақоҳ, пир ҳузури. Завқ, шавқ ва илоҳий маърифат тўла орифнинг ботинидир. Ва лоҳут олами маъносида ҳам келган. Майхона-мушоҳада ила матлубга воқиф бўлишини истаган, ҳақиқий маҳбуб ишқига гирифтор бўлган, ҳақиқат бодасидан сармаст, яқдил ва сафоли дўстларнинг тўпландиган жойи. Майхона деганда пири муршиднинг хонақоҳи ҳам тушунилади.

Маъжун - дориворлар йиғиндисидан ясалган кайф берувчи қуюқ дори, аралашма, аралаш-қуралаш.

Майит - ўлик.

Малакул-мавт - жонни оловчи фаришта - Азроил алайҳиссалом.

Манқабат - яхши хислат, кишининг яхши хислатларини кўрсатадиган асар.

Машҳуд - кўзга кўринган, мушоҳада этилган.

- Маржум** - тошбўрон бўлган, қувилган, Шайтони лаъиннинг сифати.
- Марҳум** - раҳм этилган, раҳматли (ўлган кишига нисбатан қўлланилади).
- Маозаллоҳ** - Худо паноҳ берсин! Худо сақласин! каби мазмунларда қўлланилади.
- Масканат** - бечоралик, фақирлик, мискинлик.
- Марғуб** - ёқимли, севимли, маъкул.
- Майл** - Т.и. ошиқнинг ҳушёрлик ва шуур билан ўз аслига қайтиши. (Бу ҳолат ўсимликларнинг табиий аслига қайтишига ўхшамайди).
- Масти хароб** - Т.и. маҳбуб ишқида ошиқнинг фарқ бўлиши; Бу ҳолатда дил тамоман истифроқ ҳолатида бўлиб, шуурни ҳаётий зарурий нарсалардан халос этади ва вуслат мартабасига етаради.
- Маърифат** - билиш, таниш, билим. Т.и. кашф ва илҳом билан ҳосил бўлган воситасиз билим, маънавий ва ички тажриба билан ўрганиладиган илм, тасаввуфий ирфон. "Тавҳид поғонасига тездагина етса бўлади, аммо маърифат поғонасига етиш қийин. Бир дарвишнинг оёғига тикан қадалса уни қаердан эканини билмоқ керак". ("Баҳоуддин Балогардон" китобидан). Маърифат - инсоннинг ўзини ва Раббини таниши. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, инсон фақатгина маърифатуллоҳ орқали саодатга эришади. Яъни, маърифат бир нур бўлиб, имон аҳли шу маърифат нурлари орқали Аллоҳга яқинлашадилар. Имом Ғаззолийнинг ёзишича, соғлом қалб фақатгина зикруллоҳ ва маърифатуллоҳдан завқ олади. Чунки маърифат соҳилсиз, тубсиз бир денгиз бўлиб, ҳикмат озуғидир. Шу боис яссавийликда маърифатни эгалламаган солиқ ишқ мартабасига юксала олмайди. Маърифатни ирфон ҳам дейдилар. Ирфон - Аллоҳнинг эҳсонни бўлганидан сўфийлар ирфонни илмдан устун қўйганлар
- Маҳбуб ва санам** - Т.и. севикли зот; тажаллининг сифотий суратда зоҳир бўлишидаги ҳақиқати руҳийдир.

- Мосиво** - Т.и. мосиваллох; Аллоҳдан бошқа ҳар нарса, махлуқот, мумкинот, ҳодисот.
- Мазҳар** - зоҳир бўлиш вақти ва макони; (пайдо) бўлиш, чиқиш ўрни; кўриниш. Т.и. бир нарсанинг зуҳур этадиган ери, ашё ва модда - Аллоҳнинг сифат, исм ва феълларининг мазҳаридир.
- Мақом** - диний ахлоқ ва феъл-атвор, мақом ирода билан қўлга киритилади, риёзат ва мужоҳада билан топилади: малака, босқич, палла, маънарий мавқе. Етти мақом: 1. Тавба. 2. Вараъ. 3. Зухд. 4. Фақр. 5. Сабр. 6. Таваккул. 7. Ризо.
- Мижа (мижгон) киприк** - адабиётшунослиқда найза, ўқ ва камоннинг учларига ташбиҳ қилинади ва маъшуқнинг нозу каршмаси билан ошиқ кўксига санчилади. Истилоҳда солиқнинг вилоятига, ҳол ва мартабасига ҳижоб бўлганни айтурлар. Орифнинг амаларни сусткашлик билан бажариши ва унга басират назари билан боқмаслиги.
- Миён (бел)** - Т.и. ошиқни маъшуқ жамолидан тўсиб гуришига сабаб бўлган боқий ва мавжуд турган аломатлар, таъсирлар.
- Миёни борик (нозик бел)** - Т.и. бошқа монелик ва ҳижоблар бартараф бўлган вақтда, солиқ вужудининг ҳижобига ишора қилинади.
- Муштоқ** - орифларга кўра, Ҳақ дийдорини тўла, кучли шавқ билан кутиш.
- Мўй (соч)** - Т.и. ҳақиқат, моҳиятни зоҳир қилмоқ; талаб йўли; ва яна орифнинг "ҳаблул матин" и - мустаҳкам арқони, яъни Қуръони карим.
- Муршид** - иршод қилувчи, пир, шайх. "Саййид Амир Кулол қуддиса сирруҳнинг тилларидан кўп ўтар эдики, ҳузур (ҳозирлик) ва ғайбат (ғойиблик) да ҳам толибнинг руҳоният қуши бир соҳибдавлатнинг тарбияти орқали башарият тухумидан чиқиши зарур. Шундан сўнг бу қушнинг учиб борадиган жойини ҳазрати Илоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди"; "Ихтиёр бизда, агар хоҳласак толибга жазба орқали таъсир қиламиз, агар хоҳласак сулук орқали таъсир қиламиз. Муршид (пир) бу

- ҳозик табиб муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони қилади".

"Сухбатимизга етишадиган гуруҳларнинг баъзилари шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи бор, аммо халақит берувчи хасу хашаклар туфайли ўсолмайди, бизга эса уни поклаш лозим. Баъзилари шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи йўқ, бизга эса уни пайдо қилишимиз лозим." ("Баҳоуддин Балогардон" китобидан).

Мурид - камолот йўлини ирода қилиб, комил бир шайхга байъат қилган солиқ.

Муршид ва мурид - Азим Хожа эшон ҳикматларидан бирида ёзади:

*Муршид бўлган суҳбат тутур мурид бирлан,
Ошно этар илму ҳикмат, тавҳид бирлан.*

"Муршид ҳар куни толибнинг ҳолидан хабардор бўлиши, фаросат ёки сўраб-суриштириш билан унинг аҳволини билиб туриши зарур";

"Муршид толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби уч ҳолидин хабардор бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади".

"Ҳар бир машойихнинг ойнасида икки томон бор, бизнинг ойнамизда олти томон. Қирқ йилдирки биз ойнадорлик қиламиз, вужудимиз ойнаси ҳеч қачон хато қилган эмас. Ҳар вақт сенинг кўнглингдан нимаики ўтса, биз уни бехато кўрамиз" ("Баҳоуддин Балогардон" китобидан).

Мурид ва муршид - "Толиб амал қилиши зарур бўлган шароитлардан бири шуки, у Ҳақ таъоло дўстларидан бўлган бир дўст билан ҳамсуҳбат бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур. Сухбат замонини ўзининг ўтмиш замони билан солиштириб кўрсин, нуқсондан камол сари кетаётганини ўзида мушоҳада қилса, бу азизнинг суҳбагида мулозаматда бўлишни ўзи учун фарзи айн ҳисобласин".

"Агар толиб (мурид) муқтадо (пир)га етишиш

ишида қийинчиликка дуч келса, то бунинг сири очилгунча сабру тоқати етгунча чидасин. Агар у мубтадий (сулукни бошлаган) бўлса, пирга савол қилиши мумкин. Агар мутаваккит (сулук ўртасида) бўлса баъзан савол қилсин. Баъзи машойихлар: "Ас сўфийю ғайри махлуқ" дейдилар. Бу иборанинг маъноси шуки, баъзи вақтда сўфийда бир сифат ва ҳолат бўладики, у мазкур ҳолатда ўзида бўлмайди. Бу сўз ўша ҳолатга нисбатан айтилган, ваҳоланки сўфи аслида махлуқдир".

"Авлиёлар ҳузурида мурид ўз аҳволини яшириши жуда қийин, чунки муршид валоят султони бўлиб, одамларнинг ҳолига ҳокимдир. Агар муршиднинг ўзи йўл бермаса, ҳеч ким унинг сифати ва ҳолидан огоҳ бўлолмайди. Агар унинг ҳақида кўнгилдан ёки оғиздан бирор гап ўтса, бунда катта хатар бор, гўё бу кўнгилда пинҳон бир олов кабидир. ("Баҳоуддин Балогардон" китобидан)

Матбуъ - маъқул, кишининг таъбига ёқадиган лойиқ келадиган, мувофиқ.

Мубоҳи - фахрланувчи, керилувчи, хурсанд бўлувчи.

Мақол - сўз, нутқ, ҳикматли бирор-бир жумла.

Мақом - жой, ўрин, турар жой, даража; босқич, музикада асосий куй, оҳанг.

Маҳак - ишқалаш йўли билан кумуш ва олтинларнинг софлигини аниқлайдиган тош.

Маҳз - холис, соф, тоза, нуқул, фақат, фақатгина, ёлғиз.

Маҳжуб - пардаланган, ўралган, бекинган.

Мағфур - мағфират этилган, гуноҳи кечирилган.

Мусҳаф - Қуръони карим.

Матлаъ - чиқадиган жой, қуёшнинг чиқиш жойи, шеърий асарнинг аввалги икки мисраси, бошламаси.

Мақдам - қадам қўйилган жой ва пайт; бирор жойдан қайтиш; қадам қўйиш, қадам етказиш; бир жойдан иккинчи жойга бориш, келиш.

Менг - бет, юз, чеҳра.

Мишкот - қандил.

Мисбоҳ - чирок, машғал.

- Мифтоҳ** - калид.
- Моҳазар** - кўз олдида турган нақд ва тайёр нарса.
- Мубоҳ** - ижозат берилган, қилса ҳам, қилмаса ҳам бўлаверади диний маросим, амаллар.
- Муддаи** - даъвогар, даъво қилувчи, рақиб.
- Мунок** - мана, худди мана.
- Мулкати жам** - Жамшид мулки, мамлакати.
- Мунтаҳи** - бирор нарсанинг охири чети, сўнги.
- Муориз** - қарши турувчи, тортишувчи, мунозара қилувчи.
- Мусаввар** - суратланган, тасвирланган, хаёлда тасвир этилган.
- Мусалсал** - бир-бирига занжирга ўхшаб уланган, кети узилмас даражада сираланган; занжир шаклидаги.
- Мушавваш** - ташвишли, бесаранжом, паришон.
- Мушрик** - шериклик исбот қилувчи, ширк келтирувчи, даҳрий, кофир.
- Муштарий** - сотиб олувчи, харидор, Юпитер планетаси.
- Муқайяд** - боғланган, уланган, банд этилган.
- Мухаммар** - ачиган, турушланган, ошган хамир; юғурилган.
- Мушарраҳ** - шарҳ этилган, тушунтирилган.
- Муқашшар (арабча қишр)** - пўстандан олинган. Пўсти тозаланган.
- Муътаяқид** - эътиқод қилувчи, ишонувчи, ихлос қилувчи.
- Мушк** - қора тусли ва хуш исли нарса, мажозан: сочининг қоралиги ва ҳиди; кўзнинг гавҳари (қорачиғи), тим қора.
- Мушки тар** - янги тоза мушк.
- Муъжиз** - ожизлантирувчи, ҳайратга солувчи; фасоҳат ва балоғатда энг юксак даражадаги сўз; мўжиза.
- Мўф** - мажусий, оташпараст, ўтга чўқинувчи; мажозан: майфуруш.
- Муф дайри** - майхона, ичкиликхона, ўтга топинувчилар ибодатхонаси. Пири муфон - майхоначи. Тасаввуфда ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг сифатлари.

Мўр - чумоли, қумурсқа. Мўру малах - чумоли ва чигиртка.

Муҳиб - севувчи, дўст тутувчи.

Н

Набот - ўсимлик, наввот.

Навбар - янги етилган мева, янги етилган ўсимлик.

Наврас - янги ўсган, янги етилган, ёш, ўсмир.

Найранжот - (найрангнинг арабилашган формаси) - найранглар, макру ҳийлалар, кўзбойлашлар, ҳар хил сеҳру афсун, суратлар.

Насрин - оқ гул.

Нафс - шахс, вужуд, гавда, тан; кишида турли маънавий орзу-ҳавасга бўлган табиий майл, истак. Т.и. инсоннинг вужудидаги ўзлик бўлиб, золим, ғаддор, калтабин, беақлдор. Нафси амморанинг чегара билмас шаҳвати, ҳавойи орзу-истаклари инсонни гуноҳ ишлар қилишга буюради. Нафсига бўйсунган кишининг нафси ақлга эмас, Шайтонга итоат қилади. Шу боис нафсни ислоҳ қилиш учун мутасаввифлар тақвода, доимий Ҳақ зикрида бўлишни тавсия қилишган

Нафс - қулнинг ёмон ва гуноҳ бўлган ҳол ва одатлари, ҳайвоний орзулар, нафс-и аммора, рух, инсоний рух, қалб. "Атвор-и сабъа": нафснинг ва руҳнинг етти вазияти, етти шакли ва ҳолати бўлиб, улар қуйидагилардир:

Нафси аммора - ёмон ва гуноҳ бўлган ишларни қилишга буюрадиган нафс, ҳайвоний нафс, "Шубҳасиз, нафс ёмонликка буюради" (Қаранг: "Юсуф" сураси, 53-оят)

Нафси лаввома - маломат қиладиган, койийдиган ва ёмонлайдиган нафс. Ёмон ва гуноҳ иш қилганининг ўша иши туфайли уни маломат қиладиган, ҳисобга тортадиган нафс, виждон азоби. Қилган ёмонлик натижасида пушаймон бўладиган, тавба қиладиган ва узр сўрайдиган нафс (Қаранг: "Қиёмат" сураси, 2-оят).

Нафси мулҳима - илҳом ва кашфга мазҳар бўлган нафс. Ниманинг яхши ва савобли, ниманинг ёмон ва гуноҳ эканлигини илҳом орқали биладиган ва ўшанга кўра ҳаракат этадиган, виждон овозини эшитадиган ва тинглайдиган нафс. (Қаранг: "Шамс" сураси, 7-8-оятлар).

Нафси мутмаинна - қаноатланган, ҳузур ва сукунга қовушган, фазилатларга ўралган, илоҳий феълларнинг тажалилларига мазҳар бўлган нафс. (Қаранг: "Наҳл" сураси, 106-оят, "Фажр" сураси, 27-оят).

Нафси розийя - ўз шахсий иродаси ва истагидан воз кечган, жалолӣ ва жамолий тажаллиларни кўнгилхушлик билан кутиб оладиган, қазо ва тақдирнинг ҳар қандай кўринишини мутлақо розӣлик билан қаршилайдиган, ачинмайдиган, шикоят қилмайдиган, "Лутфинг ҳам хуш қаҳринг ҳам хуш", дея оладиган ва ризо мақомига эришган нафс (Қаранг: "Моида" сураси, 191-оят, "Фажр" сураси, 28-оят).

Нафси марзийя - Аллоҳ рози бўлган нафс. "Розияллоҳу анҳум". Бу мақомда Аллоҳ розий, банда марзийядур. ўзаро ризо ҳолати (Қаранг: "Фажр" сураси 27-30, "Баййина" сураси, 8-оят).

Нафси комила ёки "нафси закийя" ёки "нафси сафийя" - барча камол сифатларини қозониб, инсонларни иршод қилиш мақомига юксалган комил, тоза ва соф нафс, инсон-и комил сифати (Қаранг: "Шамс" сураси, 9-оят).

Нафс - жон, руҳ. а) Нафси табиий ёки "Руҳи жамодий": Жонсиз моддани бир ерда тутадиган ва тарқаб кетишига моне бўлган қувват ва камол. б) Нафси наботий ёки "Руҳи наботий": Ўсимликсимон озикланиши ва кўпайишини таъминлайдиган қувват ва камол. в) Нафси ҳайвоний ёки "Руҳи наботий": Ҳайвонларнинг ҳис ва иродали ҳаракат соҳиби бўлишларни таъминлайдиган қувват ва камол. г) Нафси инсоний, нафси нотиқа

ёки "Руҳи инсоний", руҳи манфуқ; Аллоҳга нисбат берилган ва Аллоҳ томонидан уфурилган руҳ, латифаи Раббонийа, ақл, қалб, сир: инсонга ўйлаш, муҳокама қувватини ва камолини берадиган маънавий жавҳар.

Нафс - "бу қавм улуғларининг сўзлариданки, бу йўлда юрувчи ўз нафсини Фиръавннинг нафсидан юз марта баттар деб билмаса, демак бу йўлда эмас";

"Ҳар бир тавфиқ эгаси ўз нафсига қарши турмоғи керак...";

"Киши ўзининг нафсига туҳмат қилиши керак. Кимки Ҳақ субҳанаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан борувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади. Аҳли ҳақлар Ҳақ йўлида нафсларини барбод қилдилар ва мутлақо тизгинни қўлга оладилар.

"Баҳоуддин Нақшбанд демишлар: "Агар хоҳласам, нафсимни элик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман" ("Баҳоуддин Балогардон" китобидан).

Наим - неъматлар, фаровон ва роҳатли турмуш учун керакли нарсалар.

Нахл - кўчат, ёш дарахт, хурмо дарахти.

Ноз - ишва, ғамза, эрқаланиш. Т.и. маъшуқнинг ошиқларга ишқу муҳаббат йўлида куч бағишлаши; соликка илтифот ва арзу ҳожатига жавоб бермоқ.

Нэсих - насихатгўй. Ҳазалларда кишиларга танбеҳ берувчи сўфилар, тақводорлар.

Нубувват - пайғамбарлик, элчилик.

Наргис - гулнинг бир тури. Бу гулни бизда кўпроқ бўтакўз деб атайдилар. Унинг гули кўзга ўхшайди. Шунга кўра у бадий адабиётда кўпроқ ўхшатиш йўли билан, кўз маъносида ишлатилади. Наргиси шаҳло - шаҳло кўз, наргиси жоду - сеҳрли кўз.

Нақҳат - хушбўй ҳид.

Нунул қалам - Қуръондаги "нун" сурасига ишора

ҳамда маъшуқнинг қошидан - илоҳий сифатларидан киноя.

Нигор - узук, муҳр, расм, сурат, тасвир, мажозан: гўзал маъшуқа.

Нури басар - кўз нури.

Нури жабин - манглай нури.

Нофа - мушк, мушқдон. Нофаи Чин - Чин мушки. Хушбўй қора модда бўлиб, Чин ва Хўтан оҳуларидан киндигида етишди, дейилади.

О

Об - сув.

Обид - ибодат қилувчи.

Обнўс - қора тусли, қаттиқ ва хушбўй дарахт, мажозан қора.

Ож - фил тиши, фил суюғи. Мажозан: оқ, ёруғ, равшан.

Озгурмоқ - адаштирмақ, йўлдан чиқармоқ.

Озмуда - синалган, кўпни кўрган, билимдон, тажрибали.

Олами арвоқ - Аллоҳнинг амрига кўра, руҳларнинг қарор топадиган ўз дунёлари, руҳлар олами.

Оли Або - беш киши назарда тутилади: Муҳаммад алайҳиссалом, қизлари Биби Фотима, куёвлари Ҳазрати Али ва неваралари Имом Ҳасан ва Имоми Ҳусайнлар.

Олимул ғайб - Ғайб сирларини билувчи, Худо.

Ол - ҳузур, олд томон, рўпара, қарши, чакка, пешона. Қизил, қизил тус. Ҳийла, фириб, найранг. Оила, хонадон, қариндош-уруғ.

Ому хос - пастки ва юқори табақали кишилар; авомлар ва хос кишилар.

Оре - шундай, ҳа, шубҳасиз, рост.

Ориф - танувчи, билувчи. Т.и. Аллоҳни, сифатларини, феълларини ва исмларини кашф ва мушоҳада йўли билан танийдиган. Орифи биллаҳ: Аллоҳ ҳақида маърифат ва ирфон эгаси бўлган, комил инсон, ҳикмат ва асрорга ошно бўлган, фано маргабасига эришган, валий.

Остон - остона, бўсаға, сарой, бирор кишининг ҳузури.
Ошuftа - паришон, тарқоқ, тўзиган, мафтун, ошиқ, шайдо.

II

Падидор - пайдо бўлган, кўринган.

Пажмон - сўлфин, ғамгин.

Пайкон - камон ўқи, бошоқ, тикан; ғазалларда кип-рикка ташбеҳ қилинади.

Пайкар - ҳайқал, жусса, ғавда.

Пайғом - хабар, мужда.

Печ - тўлганган, ўралган, буралган, печ-печ, бурам-бурам.

Пеша - ҳунар, касб, одат.

Пироҳан - кўйлак.

Порсо - диндор, ўзини пок тутувчи, ёмон ишлардан сақланувчи.

Побус, пойбўс - оёқ ўпиш. Мажозан: таъзим қилиш, ҳурмат, бўйсунуш.

Поён - чегара, охир, қуйи.

Р

Равза - боғ, гулбоғ, ҳазрат Пайғамбаримиз яшаган ва дафн қилинган муборак макон, жаннат, мажозан: муқаддас қабр, азиз-авлиёлар қабри.

Равон - юрувчи, кетувчи, ўтувчи; тез, тездан; жон, рух, ҳаёт.

Ризвон - розилик, мажозан: жаннат.

Ройгон - йўлдан топилган, текин, текинга келган нарса.

Рост - тўғри, тик, ўнг, музика куйларидан бири.

Рух - юз, бет, йирик бир қуш; шахмат доналаридан бирининг номи. Т.и. Худо ҳуснининг мазҳари; Рух - кўп исм ва сифатларга эга бўлган якка ягона илоҳий зотга ишора. Рух - ҳазрати Вожиб таолонинг тажалисидурким, оламдаги нарсалар ва илоҳий исмлар зуҳурини вужудга келтирувчидир; илоҳий лутф; Баъзи мутасавифларга кўра, рухдан мақсад - илоҳий жамолнинг лутф сифати билан тажалли қилишидир. Бунда Ҳақ "Латиф",

"Рауф", "Таввоб", "Муҳйий", "Ҳодий" ва "Ваҳҳоб" сифатлари билан тажалли қилади. Рухнинг нурга, зулфнинг зулматга муносабати бор. Гоҳида мосиво (Аллоҳдан ўзга нарсалар) мутлақо зулфга гаъбир қилинади. Чунончи, зулф-маҳуб юзидаги парда ва ниқобдир. Коинот ва касратдаги нарсалар илоҳий зот ҳижоби ва ҳақиқий воҳид жамолининг ниқобидир. Рух - моддадаги тажаллиёт.

Рух ва рухсор - Т.и. зотий ҳусн мазҳари ва жамолий тажаллиларга айтилади; рухсор-мавжудот олами.

Рум - Византия, кичик Осиё (ҳозирги Туркия) ва қисман Греция.

Рум аҳли - мажозан: оқ танли, оқ юзли киши, шахматнинг оқ доналари,

Рухуллоҳ - Исо пайғамбарнинг лақаби.

Рўбароҳ, рўбарў - рўпара, юзма-юз, бетма-бет, муқобил.

Рў, рўй - юз, бет.

С

Сабза - майса, яшиллик, яшил ранг.

Сабо - майин, ёқимли шамол, тонготар чоқда эсан ел.

Сабоҳ - эрталаб, тонготар пайт.

Савод - қоралик, қора тус, қоронғилик, хат-савод, ёзув, шаҳар, ўлка, теваарак.

Савсан - гулсапсар, гулсавсар, қўғагул.

Сайд - ов, ов қилиш.

Саманд - тезюрар ва чиройли от, саман от.

Санам - бут. Мажозан: севгили, маъшуқа.

Сафед - оқ.

Сониъ - беҳисоб ва гўзал санъат эгаси бўлган зот, Аллоҳ таолонинг сифати

Сўфий - Тасаввуф йўлида юрган, тариқат одобу аркониға риоя қиладиган, халқ орасида бўлса ҳам Ҳақ билан бирга бўлган киши. Сўфий - тақводор, қаноаткор, саховатпеша бўлиб, жамият, инсоният ва ҳайвонот манфаати учун хизмат қилишни ўзининг вазифаси деб билади. Сўфий - қал-

бини нафсоний ҳислардан мусаффо айлаб, дунёвий чиркинликлардан поклайди.

Сеч - кесиб ташламоқ, ажратмоқ.

Сарв - тўғри, тик ўсадиган, қишин-ёзин кўм-кўк турадиган, ҳиди ёқимли, хушқомат бир дарахт (русча, кипарис). Мажозан: гўзал севгили, унинг келишган қадди-қомати...

Сизғирмоқ - қайғурмоқ, қаттиқ хафалик билан азобланмоқ, куйиб-ёнмоқ, зорланмоқ.

Сизмоқ - чизмоқ, тасвирламоқ.

Соқий - одамларга сув ва шароб каби ичимликларни улашувчи киши. Тасаввуфда маърифат, ҳақиқат бодасини улашувчидир. Баъзан соқийдан мурод кавсардир ва у гоҳо муршидга ҳам нисбат берилади. Соқий барча мавжудотга файз берувчи, сархушлик улашувчи манбадир. Бошқа бир манбада шундай дейилади: "Соқий Худодирки, ошиқларга ҳақиқат майини ичиради ва уларни маҳву фоний қилади. Бу сўз (соқий) истиора йўли билан "муршиди комил"ни англатади. Соқий бирор қавм ё қабиланинг диний раҳбари ва ошиқлар юзидан маънавий ҳусн шаробини ичадиган маъшукдир.

Сийна - кўкрак, кўкс; юрак. Т.и. илоҳий илм сифати.

Сипар - қалқон.

Ситеза - кек олиш, жабр-зулм қилиш.

Сифориш - буйруқ, топшириқ, фармон.

Субҳи содиқ - ҳақиқий тонг, тонг отиш пайти.

Суймоч - бир хил ўйин тури.

Сужуд - саждалар.

Сулук - йўл тутиш, яхши йўлга кириш, равшан, сўфиларнинг тариқат йўли.

Сунъ - яратиш, ясаш, қудрат, санъат, ҳунар.

Сифла (суфла) - пасткаш, ярамас.

Сўнмоқ - чўзмоқ, узатмоқ.

Сухан (сўз) - Т.и. ғайб олами билан ошнолик ва унга ишорат.

Соғар, суроҳи ва мино - май идишлари ва шишаларининг номи. Т.и. Орифнинг қалби. Уни хумхона, майхона ва майкада ҳам дейдилар. Шаробхо-

на деганда, малакут, маъно ва арвоҳ оламлари ҳам тушунилади. Баъзан семурғ, анқо, иксир, жоми жаҳоннамо ва оиналардан комил инсон англашилади. Баъзи сўфий истилоҳларида майхона, буткада шаробхона деб илоҳий маърифат, завқ ва шавқ тўла комил орифнинг ботинига айтилади.

Соғару паймона - Т.и. маънавий идрок ва ғайбий нурлар мушоҳада қилинадиган манбага айтилади.

Сулук - Йўлга кириш, нафсни тузатиш ва вуслатга эришиши учун тасаввуф йўлига кириш, бу йўлнинг усул, одоб ва арконини ижро этишга киришиш. Сайр ва сулук: Усулига мос бир шаклда тасаввуф йўлида юриш, бир жойда тўхтаб қолмаслик. Солик юрувчи киши - Тасаввуфда муттасил Ҳақ томонга сайр қилувчи кишини айтурлар.

Суроҳий - май идиши, май шишаси, май кўзаси.

Т

Табъ - табиат, характер, талант.

Таваққуъ - бирор ишнинг воқеъ бўлишига кўз тутиш, умид боғлаш.

Тавонгар - бой, кучли, қудратли, бадавлат.

Тавҳид - сўфийликда Аллоҳни битта (ягона) деб билиш, ёлғизлигини тан олиш, ягона деб ҳисоблаш, сўфийликнинг бешинчи босқичи, суфийнинг Аллоҳга етишуви, у билан ниҳоятда яқинлашуви. Аллоҳнинг ягоналиги. Унинг зотини ақлий тасаввурлар ва зеҳний хаёллардан холи қилиш. Тавҳид уч хил: 1. Ҳақнинг ўзини ягона ва тенгсиз эканини билиши; 2. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халққа билдириши; 3. Ҳақнинг ягона ва тенгсиз эканини халқнинг тил билан иқрор айланиши. Тасаввуфда тавҳид ҳоли шундайки, сўфий фақатгина Бир (Аллоҳ)ни кўради ва Уни билади, Ундан бошқа борлиқни кўрмайди ҳам, билмайди ҳам. Шу жиҳатдан нафсидан фоний ва Ҳақ билан боқийлик ҳолига эришган мутасаввифларга

мувахҳид ва тавҳид аҳли дейилади. Халқнинг тавҳиди Худойи таолони Бир ўлароқ эшитиш, зиёлилар тавҳиди Бир билиш, хосларнинг тавҳиди Бир кўришдир. Тавҳид мақомларидан "ла машҳуда иллаллоҳ"нинг уч мартабаси бор: феъл тавҳиди - Ҳақ таоло феъллари билан соликка тажалли этганда, солик барча феълларни Ҳақдан кўради ва "ла фоъила иллаллоҳ" дейди; сифот тавҳиди - Ҳақ соликка сифатлари билан тажалли этганда, солик Аллоҳни ва Унинг сифатларини кўради; зот тавҳиди - Ҳақ соликка зоти билан тажалли этганда, солик мавжуд ўлароқ фақатгина Аллоҳни кўради ва "ла мавжуда иллаллоҳ" дейди. Ваҳдати вужуд аҳлининг тавҳиди ҳам шудир.

Тавор - мол, мулк.

Тайябаллоҳу сароҳ - Аллоҳ унинг ётган ерини пок қилсин (ўлган кишига нисбатан айтилади).

Тажалли - кўриниш, жилваланиш.

Тажалли - кўриниш, жилваланиш, жилоланиш, кўришиш, партавланиш; Т.и. Жаноби Ҳақ лутфига мурассар бўлиш; гайбдан келадиган ва қалбда намоён бўладиган илоҳий нур ва сирлар. Тажалли - доимо гайбдан шуҳудга, зулматдан нурга, номаълумдан маълумга ўтиш демақдир. Тажалли соликка баъзан жазба, баъзан сукунат беради. Тажалли тўртга бўлинади: зотий тажалли - илоҳий зотнинг зоти учун тажаллиси; сифот тажаллиси - илоҳий сифатларнинг банда кўнглида зуҳур этиши; исм тажаллиси - Ҳақ исмларидан бирининг банда дилида зсҳир бўлиши; феъл тажаллиси - илоҳий феълларнинг банда қалбида юзага келиши. Жаноби Ҳақ ҳар лаҳза, ҳар ерда турли маргабаларда тажалли этади, яъни ўзини намоён этади. Ваҳдати вужуд аҳлига кўра икки хил тажалли мавжуд: умумий ва раҳмоний тажалли - бу тажаллидан барча баробар насибасини олади; хос ва раҳимий тажалли - бу тажаллида мўъминлар, сиддиқлар ва орифлар тавҳид, маърифат ва ризо каби неъматларга ноил бўладилар.

- Таън** - таъна қилиш, бирор нарсани отиш, иргитиш.
- Тарро**р - ўғри, қаллоб, кисавур.
- Таҳтус саро** - ер ости, ернинг қаъри.
- Тафсир** - Қуръон сураларини кенг шарҳу изоҳ этган китоб.
- Тақвим** - тўғрилаш, тиклаш, сурат, сайёралар ҳолати ва хусусиятларини кўрсатувчи жадал. "Аҳсани тақвим" (оятдан) - Қуръонда "инсонни энг яхши, гўзал суратли қилиб яратдик", деган оятга ишора (Қаранг: Қуръон. "Тин" сураси, 3-оят).
- Тағйир** - ўзгариш, ўзгартмоқ.
- Тулуъ** - чиқиш, балқиш, пайдо бўлмоқ (қуёш ва ой каби нарсалар).
- Тобанда** - товланувчи, нур сочувчи.
- Тобуғ** - ён, ҳузур, олд, бўйсунуш, итоат.
- Тоҳ-тоҳ** - кел-кел.
- Турра** - кокил, ўрилган соч, жиңгалак соч.
- Тўлғашмоқ** - ўрмақ, ўралмоқ.
- Тўша** - озиқ-овқат, йўл озиғи.
- Тир** - ўқ, камон ўқи, Аторуд (Меркурий) планетаси, узун тик ёғоч, мачта (кема ва бошқаларники), мажозан: маҳбуба (севгили)нинг киприғи ва назари.
- Тузлук** - тўғрилиқ, ҳалоллик.
- Турк** - турк, мажозан: шўх, гўзал, ўйноқи севгили.

У

- Узлат** - бир тарафга чекиниш, кишилардан четлашиш, хилватга кириш.
- Узор** - юз, бет, чакка.
- Унноб** - чилонжийда.
- Инс** - инсон, киши, одам жинси.
- Ушмунок** - мана, мана ҳозир, мана шундай.
- Уюмоқ** - ухламоқ.
- Усрук** - маст.
- Ушшоқ** - ошиқлар.

Ф

Файз - барака, мўллик, лутф-карам, қувонч, шодлик, баҳра.

Фалоҳ - нажот топиш, озода бўлиш, бахтиёрлик, саодат, "азон"да айтиладиган (ҳаййа алал фалоҳ) сўзининг қисқача айтилиши.

Фарёдрас - арзни тингловчи, арзга қулоқ солувчи, киши хоҳишини ҳал этувчи, ёрдам берувчи.

Фархунда - қутлуғ, саодатли, бахтли, қувончли.

Фаррош - палос тўшовчи, хизматкор.

Фақру фано - тасаввуфдаги энг юқори мақомлардан бўлиб, ҳақиқат йўлчиси Жаноби Ҳаққа нисбаган ўз фақирлигини, ожизлигини ҳис этмоғи, борлиғидаги ҳамма нарсанинг Аллоҳга оидлигини билиши, идрок этиши ва ҳис қилишидир; фақру фано маънавий бойлик мақоми. Фақр - мосиводан халос бўлиш, таваккул туйғуси билан яшаш демакдир. Фақр - шараф хирқаси, пайғамбарлар ва солиҳларнинг либосидир. Фақр тожини кийган икки жаҳонда абадий султондир. Шу боис фақр тасаввуфнинг асоси ва манбаи ҳисобланади. Фақирлик ва йўқлик. Фақр - тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақоми; фақирликбу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки Аллоҳу таборак олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишидир. Пайғамбар алай-ҳиссалом: "Фақирлик фаҳримдир" деганлари учун ҳам ориф инсонлар фақирлик билан фаҳрланганлар. Бу фаҳрланиш - Аллоҳ олдида ожиз ва фақирлигини ҳис этиб ёлворйшдир. Халққа камбағаллигини, тиланчиларга хос хаётини кўрсатиши эмас. Фақр - йўқсиллик, Аллоҳга муҳтож бўлиш ҳолати ва шуури, сўфийлик. Фақир, дарвеш, сўфий мурид, толиб, ўзини ҳар томонлама Аллоҳга муҳтожлигини биладиган, ал-Фақру илаллоҳ; Аллоҳга муҳтож бўлиш: ал-Фақир илаллоҳ - ўзини Аллоҳга муҳтож деб билган киши.

Абу Муҳаммад Жаририй: "Фақр, бор нарсани

қўлдан бой бермаслик учун мавжуд бўлмаган нарсанинг талабида бўлмасликдир", деганлар.

Бу мақомнинг уч босқичи бор: биринчи босқичда ориф нима топса, шунга қаноат қилади. Иккинчи босқичдан ориф ўзида дунё молидан кечиш ҳиссини тарбиялайди. Сўнгги босқичда у шундай бир даражага эришадики, у учун бойлик ва камбағалликнинг фарқи бўлмайди.

Фақр - тарки дунё қилиб ҳаётга қўл силташ эмас, балки олами ботинни поклашдир. Пири Туркистон Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари фақрнинг олти одоби борлигини таъкидлайдилар:

Яхши ва ёмон муомалада бўлмаслик;

Пир олдида хомуш бўлмоқ ва унинг ижозатисиз сўзлашмаслик;

Ҳеч ким билан ёмон муомалада бўлмаслик;

"Хосу омнинг хизматини" адо этмоқ;

Нафсни енгмоқ;

Ҳавою ҳавасни тарк қилмоқ.

Машҳур сўфий Саҳл ибни Абдуллоҳ Тустарий: "Сўфи ҳар қандай ғам-ғуссадан холи, тафаккурли, Худонинг даргоҳида фисқу фасод қилишдан йироқ ва унинг кўзига тупроқ ҳам, тилло ҳам бир хил кўриниб, тафовути қолмаган кимсадир", деб фақр мақомининг сўфийлик шартларидан бири эканлигига урғу беради.

Фағфур - Хитой хоқонининг унвони (титули).

Х

Хавос - хосиятлар, хоссалар, подшоҳ яқинлари, хос кишилар, улуғ зотлар.

Хазро - кўк, кўк рангли.

Хайл - гуруҳ, тўда, тўп, от-улов тўдаси.

Хайма - чодир.

Хат - Т.и. кибриёлик (улуғлик, буюклик) хитоби; Муҳаммадий ҳақиқатга, баъзан вужуд мартабасига яқинроқ бўлган арвоҳ оламига ишора; Маҳбуб юзида латофат, нозиклик, гўзаллик билан хат чи-

зилгандурким, у-барча нозиклик ва ҳусну жамол нуқталарини жамловчидир. Агар хат ва маҳбуб юзини кўрсанг шак-шубҳасиз касратни ваҳдат деб биласан ва сенга маълум бўладики, ваҳдат-кундуз, касрат кечасидир. Хат - ғайб олами.

Хешу табор - қариндош-уруғ, яқин кишилар.

Хиргоҳ - чодир, парда.

Харобот - шаробхона. Суфийлар истилоҳида башарий сифатларнинг хароб ва жисмоний вужуднинг фоний бўлишидир. Хароботий ундан беихтиёр илоҳий маърифатлар содир бўладиган комил инсондир. Хароб-башарият оламининг хароб бўлишига ишорадир.

Хол - Т.и. Ҳақиқий ваҳдат нуқтаси ҳисобланади. У касрат-кўпликнинг бошланиши ва интиҳосидир. Афғернинг идрок ва шууридан беркитилган ва маҳфий қилинган. "Барча амрлар ундан бошланади ва унга қайтади ...". Хол йўқлик оламини англаши билан бирга мутлақ зот яғоналигига ҳам ишорадир. "Миръотул ушшоқ"да вужуд фалагининг маркази бўлган қалбнинг сувайдо нуқтаси бу холни жилолантирувчи ва зоҳир қилувчи жойдир, дейилган. Баъзи мутасаввифларга кўра, холтоат нурлари ичидаги маъсият зулматидир. Агар яхшилик оз бўлса, хол дейдилар. Холнинг қоранггга ташбиҳ қилиниши ғайбий ҳақиқатдурким идрок ва шуурдан панададур.

Хум - Т.и. сир мартабаси ва руҳий латифадир. "Аҳадутул жамъ" ва мавқиф (тўхташ, тин олиш мақомлари)ни ҳам айтдилар. Аҳмад Яссавий ҳикматларида "хуми ишқ" ибораси кўп қўлланилган.

Ховар - кун чиқиш, Шарқ.

Хоки адам - йўқлик тупроғи, йўқлик.

Хулд - мангулик, абадийлик, жаннат, хулди барин - жаннат.

Хушгавор (хушгувор) - ҳазмбоб, ширин, мазали.

Хушк - қуриб қолган, қуриган.

Хиромон - ўзини ҳар тарафга ташлаб ноз билан юрувчи.

Хирқа - шайх ва дарвешларнинг махсус уст кийими, жанда.

Хў, хўй - бирор нарсага одатланиш, ўрганиб қолиш, қилиқ, феъл, одат, табиат.

Хутан - шаҳар номи (классик адабиётда бу шаҳарни хусндор аёллари, аъло мушклари ва нафис ипакли матолари билан мақтайдилар. Шу сабабли "Хўтан" сўзи кўп ўринларда ўхшатиш учун ишлатилади).

Ч

Чавгон - **Гўй** - чавгон ўйинида от устида туриб, гўйни (тўпни) илиб оладиган учи эгри узун таёқ.

Чараҳ - чарақлаган, чарақламоқ, завқу-чараҳ-хурсанд бўлмоқ.

Чен - ён, олд, чекидан - ёнидан, олдидан.

Четмак - синамоқ, синаб кўрмоқ, қовоқ солмоқ, пешона тириштирмоқ.

Чолок - чаққон, илдам.

Чошни - маза, таъм, тот, бирор нарсанинг мазасини тотиб кўрмоқ.

Чортоқ - тўрт гўшали; тўрт бурчакли чодир, тўрт гум-баз.

Чоҳи бобил - Ҳорут ва Морут деган фаришталар қиёматга қадар оёқларидан осиб қўйилган Кашмирдаги чоҳ. Рабғузийнинг "Қасисул анбиёи туркий" китобида айтилишича, бу фаришталар Аллоҳ синовига дош беролмай май ичиб, зино қиладилар ва шу азобга гирифтор бўладилар (Қаранг: Рабғузий. Қасисул анбиёи туркий. Тошкент, 1898. 69-71-бет).

Чехра - бет, юз, башара, афт. Т.и. соликнинг кайфият ва миқдор-даржасидан огоҳ бўладиган тажаллийдир. Ва яна чехра-соликнинг гайбат ҳолида рўй берадиган тажаллийдир.

Чашм (кўз) - ашёлар (нарсалар)да Ҳақни мушоҳада қилиш ва бу мушоҳадокорлик лаёқати басарий сифат деб таъбир қилинади. Яъни солик назаридан бирор нарсани четда қолдирмайдиган фой-

дали ва зарали нарсаларни назорат қилиб турувчи, унинг барча яхши ва ёмон аҳволига тааллуқли басарий сифатлар.

Чашми пурхумор - Т.и. соликнинг ўзида сайр қилиши. Камол аҳли қошида бундай сайр ҳолатининг кашфи маълумдир.

Чашм ва абру (қош) ва жамол - Т.и. солик қалбига қўйилувчи ғайбий илҳомдир.

Чин - рост, снқ, тириш, бурушиқ, ажин; сочнинг жингаласи, сўз бирикмасида терувчи маъносида келади, Хитой.

Ш

Шабихун - тунда тўсатдан қилинган ҳужум. Шамойил - шакл, сурат, кўриниш, тузилиш. Шаст - камон ўқи, қармоқ.

Шароб, май, бода - Т.и. ишқ-муҳаббат шароби. Май - илоҳий май. Нақд қилинишича, Муҳаммад а.с. меърожда илоҳий ишқ шаробидан тотиб, беҳуш бўлган эканлар. Шу боис ишқ шароби тасаввуф адабиётида асосий тимсоллардан бўлиб келган. Шароб - ишқ, илоҳий муҳаббат; ишқнинг ғалаба қилиши. Ҳақиқий маҳбуб жилваланиб, муҳаббат ғалаба қилган пайтда, солик қалбига қуюлиб, уни масту беҳуш қилувчи завқ, важд ва ҳолатлардир. Бу ҳолат чулғаб олганда, ақл муҳокамалари ва хаёл хоҳишлари зойил бўлади, масту мустағрақлиқ ҳолати юз беради. Шароб - мастликдан киноя ва Ҳақ жазбасининг муҳабатидир.

Шароби хом, шароби пухта - Т.и. хом шароб — ҳақиқий бандалиқдан йироқроқ бўлган гўзал ҳаёт бўлса, пухта (етилган, пишган) шароб-бандалиқ, ошиқликнинг мусаффо, холис ҳаётидир.

Шаробан таҳуро (тоза, соф шароб) - Қуръонда зикр қилинган ва мўъминларга жаннатда улашиладиган шароб. Шайх Акбарободийнинг "Нодир ул-меърож" асарида ёзилишича, мўъминлар жаннатда шароби таҳурдан ичсалар, Аллоҳ таолони бе-

чун ва бечугуна дийдорига мушарраф бўлар эканлар. (Қаранг: Инсон сураси, 21-оят).

Шамъ - Т.и. Аллоҳнинг нури, илоҳий нур қуёши.

Шафийъ - воситачи, ҳимоячи, меҳрибон.

Шашдар - нард ўйинида мот бўлиш хонаси.

Шаҳбоз - лочин.

Шаҳсувор - от минишга маҳоратли, отга минган гўзал.

Шоҳид - гувоҳ.

Э

Эв - уй, хона.

Энг - рух, ёноқ, бет.

Эртаги, эртаки - қадимги, аввалги, эски.

Эдгу - эзгу.

Эй афаллоҳ - Аллоҳ унинг гуноҳини кечирсин!

Энгу - ёлланган.

Эру - ортиқ, аъло.

Этургон - йўқотган, йитирган.

Эгриш, икриш - эргашмоқ, бирга бўлмоқ, кетидан кетмоқ.

Ю

Юз - Т.и. иймон ва ирфон кашфи.

Я

Ялдо туни - қишнинг энг қоронғи ва энг узун кечаси.

Янглиф - сингари, ўхшаш.

Ясоқ - тақиқлаш, қарор, тартиб, қонун.

Ятим - етим, хизматкор, безори, чапани, катта, йирик, ягона.

Яғмо - талон-торож, бузғунлик, шаҳар, мамлакат, қабила номи (бу шаҳар кишилари чиройли деб таъриф этилади).

Ў

Ўгуш (ўкуш) - кўп, жуда кўп.

Ўлтурмак - ўлдирмоқ.

Ўлтурмоқ - ўтказмоқ, ўтирмоқ, ботмоқ, ўрнамоқ.
Ўртанмак - қуймоқ, мажозан; азобда эзилмоқ.
Ўшта - ўша замон, ўша вақт.
Ўюрмоқ - ўтирмоқ қайирмоқ, юз ўтирмоқ.
Ўғрин - пинҳон, ўғринча, секин-аста, сездирмай.
Ўтру - қарши, муқобил, рўпара, душман.

Қ

Қабо - эркаклар киядиган узун кийим (жубба остидан кийилади).
Қавл - сўз, гап.
Қавмоқ - қувмоқ.
Қавси қузақ - ўқ-ёй, камалак.
Қомат - Т.и. қалбнинг юқори оламга таважжуҳ қилишини, шунингдек сифинишга муносибини айтадилар, зеро Худодан бошқа сифинишга сазовор эмас.
Қад - Т.и. ваҳдат оламига таважжуҳ қилиш учун қойим бўлмоқликни айтадилар.
Қаллош - назари паст, ялқов, орсиз, ҳамиятсиз, гадо киши.
Қаннод - ширинлик, қандли таомлар тайёрлайдиган киши.
Қадаҳ - пиёла, коса, май косаси. Т.и. вақт ва кўнгулни айтадилар.
Қоба қавсайн - икки ёй оралиғи, яқин масофадан киноя. Бу ибора Қуръонда зикр қилинади ва меърож кечаси қурб манзилида Аллоҳ ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзаро яқинлашуви ёки йўлда Муҳаммад алайҳиссалом ва Жабраил фаришта ораларидаги яқин масофани билдиради.
Қатъ - кесиш, узиш.
Қиёт - ўзбек қабилаларидан бири (қипчоқ, қўнғирот каби).
Қиймоч - қийиқ. Қиймоч кўз - қийиқ кўз.
Қониъ - қаноат қилувчи, борига рози.
Қолу бала - Ҳақ таоло Одам болаларининг пушти камарларидан қиёматга қадар дунёга келажақ барча

зурриётларидан: "Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?", деб сўраганида, улар: "Ҳа, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидимиз", деганларини эсланг" (Аъроф сураси, 172-оятдан олинган ибора).

Қудс - поклик, тозалик, муқаддас.

Қилу қол - гап-сўз, шовқин-суронли гап-сўз, зоҳирий илм.

Қурб - яқинлик.

Қуфл - қулф.

Ғ

Ғабғаб - ияк, бақбақа, сақоқ.

Ғазола - урғочи кийик, урғочи оҳу.

Ғалтон - юмаланувчи, юмалоқ.

Ғамгусор - ғамхўр, меҳрибон, қайғуни кетказувчи.

Ғамза - кўз ишораси, кўз билан ишора қилиш, ноз ва дилбарона ишва билан киприк сузиб боқиш. Т.и. кўрқув ва умид (хавфу ражо).

Ғариб - мусофир, кимсасиз, ажойиб, нодир, қизиқ, камёб. Тасаввуфий мазмуни - асл ватан бўлмиш охират олаמידан келиб, ўткинчи дунёда ғурбатда яшаётган солик.

Ғарқоб (ғарқи об) - сувга ғарқ бўлган киши.

Ғута - сувга шўнғиб чиқиш.

Ҳ

Ҳабаший - ҳабашистонлик, ҳабаш, қора тусли киши.

Ҳаббазо - қандай яхши? Нақадар гўзал?

Ҳабл - ип, арқон.

Ҳаблул варид - бўйин томири. Қуръондаги: "Биз инсонга унинг бўйин томиридан ҳам яқинроқмиз" оятига ишора (Қаранг: "Қоф" сураси, 16-оят).

Ҳазорон - минглаб.

Ҳай - тириклик, тирик.

Ҳал мин мазид - Яна қўшимча борми? Яна зиёдаси борми? маъноларини билдирадиган Қуръоний ибора. " У кунда Биз жаҳаннамга: "Тўлиб бит-

дингми?", дермиз, у эса: "Яна қўшимча борми?, дер" (Қаранг: Қоф сураси, 30-оят).

Ҳамвор - текис, силлиқ.

Ҳашр - тўпланиш, йиғилиш, катта йиғин, қиёмат куни барча ўлганларнинг тириладиган жойи.

Ҳақиқат - Т.и. қалбнинг доимий суратда Аллоҳнинг хузурида бўлиши, бир лаҳза бўлса ҳам шубҳага бормаслиги, илоҳий оламда мушоҳада қилинадиган фақат ифода қилчана олмайдиган маънавий ҳақиқатлар, кашф ва илҳом йўли билан билинадиган ҳақиқатлар, маърифат. "Таҳқиқ" ҳақиқат мартабасига етиш учун бутун қувватини ва тоқатини сарфлаш, "таҳаққуқ" ҳақиқат мартабасига етишиш. "Ҳақиқат-и Муҳаммадийя" - ҳақиқатлар ҳақиқатидир...: Илк ҳақиқат, Аллоҳнинг илк яратган ҳақиқати, "Аллоҳ биринчи бўлиб, Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) руҳларини ва нурларини яратди, кейин ҳамма нарсани бу руҳ ва нурдан, бу руҳ ва нур учун яратди" шаклидаги ишонч, нури Муҳаммадий ва ақли куллий ақида-си. Ҳақиқат маънода қўлланади. Жумладан, Худони таниш ва билиш; мажознинг зидди; банданинг Худо васлига интизорлик ҳолати; Ҳақ жамолини кўрсатиши; нарсалар манбаида илоҳий қудрат ва санъатни мушоҳада этиш ва ҳоказо.

Ҳақиқат шариат ва тариқат босқичларидан кейин келиб-илоҳий Зот маърифатини ифодалайди: "Шариат-соликнинг жисми, ҳақиқат-унинг руҳи" деб таърифлайди. Сўфийлар ҳақиқатга етишишни асосий мақсад деб билганлар. Сайру сулук натижасида моддий ва маънавий тўсиқлардан ўтиб, ўз нафсларининг асл жавҳаридан ярагилиши ва дунёга келиш сирларидан огоҳ бўладиларки, бу мутлақ ҳақиқатдир. Баъзи сўфийлар бу мақомни фанодан сўнгги бақо деганлар. Бу тушунчанинг ривожланиши асосида аста-секин "комил инсон" тушунчаси юзага келган.

Тасаввуфий манбаларда ҳақиқат атамасидан

гашқари "ҳақиқати жомий", "ҳақиқат мутлақ", "ҳақиқатул ҳақоиқ" иборалари ҳам қўлланади.

Имом Муҳаммад Ғаззолий ҳақиқат истовчиларни тўрт гуруҳга: мутакаллимлар, файласуф ва ҳақимлар, исмоилия ва таълимия тарафдорлари ва сўфийларга бўлади. Сўфийлар ҳақида: "Мен учун тамоман равшан бўлдики Худойи таоло тариқатига қадам қўйганлар фақат сўфийлардир. Уларнинг ҳаёт тарзлари, тариқатлари, феъллари ҳам энг яхшидир, мақбулдир", деб таъриф беради.

Ҳақиқат - камолотга олиб борувчи муқаддас гўрт йўлнинг охиргиси. Жаноби Ҳақнинг солиқдаги башарий сифатлар ўрнига ўз илоҳий сифатларини қўйиши. Яъни, ҳақиқат аҳли, башарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган зотлардир Қушайрийнинг ёзишича, шариат фикҳ илми бўлса, ҳақиқат тасаввуф илмидир. Ҳақиқат билан шариат бир танганинг икки томони кабидир. Ҳақиқатсиз шариат мақбул эмас, шариатсиз ҳақиқат эса ботилдир.

Ҳаққо - ҳақиқатда.

Ҳижоб - Т.и. парда, моддий олам билан маънавий олам орасида бўлган нафсоний ва зулмоний пардалар, ҳақиқатни кўришга моне бўладиган ёпқич. Маҳжуб: Ҳақ ва ҳақиқат орасида пардаси бўлган киши "Ҳижоб ва парда фақат нафсдир".

Ҳилол - янги кўринган ой.

Ҳино - хина.

Ҳамол, ҳамул - ҳам ул, худди ўша, ҳамда.

Ҳамойил - елка ва қўлтиқ орқали ўтказиб тақиладиган боғ, қилич ёки китоб жилдининг боғи.

Ҳол - Т.и. ҳолат, вазият ичида бўлганимиз замон ва ҳолат, вақт, маълум бир пайтда келадиган (ворид) ва тушадиган (нозил), кейин эса кечадиган маънавий ҳис ва ҳаяжонлар, шавқ, ҳузн, унс, мушоҳада, яқийн, хавф, қабз каби ҳоллар. Ҳол - Ҳақ неъматидир, меҳнат орқали қўлга киритилмайди, мақомларга эса меҳнат билан эришилади. Ҳол - сўфийнинг юксак маънодаги маънавий-

руҳий ҳолати; кайфият, қувват. Ҳол ўзгарувчан-дир. Ҳол ўзгаришларини бошидан кечирган со-лик ҳол соҳибидан мақом соҳибига айланади. Ҳол - ошиққа маъшукнинг лутфи. Ҳол эгаси ишқ туғе-нида ҳолдан ҳолга юксалиб боради. Ҳол - аҳли ваҳдат нашъасига эришган ҳисобланади. Наж-миддин Кубронинг фикрича, ҳол - шаҳват, нафс ёки руҳга қувватдир.

Ҳол соҳиби - маънавий ҳолати яхши бўлган, тасарву-фий ҳолларни кўриб ва яшаб таниган; важд, жаз-ба ва истиғроқ ҳолатида бўлган, сакр ва талвин соҳиби, ҳолига ҳоким бўлган.

Ҳаловат - Т.и. мушоҳададан ҳосил бўлувчи нурларга айтилади.

Ҳусн - гўзаллик, чирой. Т.и. илоҳий ҳусн. Энг мукам-мал камолот ва сифатга эга бўлган зотдирким, у Ҳақдир. "Аллоҳ гўзалдир ва у гўзалликни сева-ди" (Ҳадиси шариф). Ҳақ зотидаги барча мукам-мал камолот. Аллоҳ жамоли, маҳбуб дийдори.

Ҳошо - ҳеч бир, ҳеч қачон, наҳотки, албатта, сақланиш.

Ҳудаҳуда - сассиқпўпишак.

Ҳур - озод, эркин, покиза.

Ҳурваш - ҳурга ўхшаш, жуда гўзал.

Ҳуққа - қимматбаҳо тошлар солинадиган қутича.

Мундарижа

Мавлоно Атойи	3
Ғазаллар	19
Луғат ва изоҳлар	279

Ўзбекистон Республикаси Ғанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Муҳаррир:
М. Содиқова

Компютер устаси:
Ғанишер Муҳаммад Исо

Нашриёт рақами: з-236.

Босишга рухсат этилди: 03.11.08 йил.

Офсет босма, офсет қоғози.

Бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$ Ҳисоб-нашриёт табоғи: 20,0

Шартли босма табоғи: 22 Адади: 1000 нусха.

93-буйуртма.

Ўзбекистон Республикаси Ғанлар академияси
«ҒАН» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100128, Тошкент ш., З. Қобулов кўчаси, 19-уй.